



**МАГИСТРАТУРА ТАЪЛИМИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАГИСТРАТУРА
ТАЪЛИМИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАРТИБГА СОЛУВЧИ
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАР**

*** * ***

**МАГИСТРЛИК
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Тошкент-2010

Магистратура таълими фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Магистрлик диссертацияси / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тузувчи Ж.Худойбердиев; – Т.: 2010.– 164 б.

Қўлланмада магистратура таълимини ташкил этиш, такомиллаштириш, тартибга солишга оид расмий ҳужжатлар ҳамда магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш бўйича тайёрланган услубий қўлланманинг қайта ишланиб тўлдирилган варианты берилган.

Қўлланма магистрантлар, уларнинг илмий раҳбарлари, кафедра мударлари, факультетлар деканлари ҳамда магистратура таълими билан шуғулланувчиларга мўлжалланган.

Тузувчи: **Ж.Худойбердиев** – Магистратура бўлими бошлиғи

Масъул муҳаррир: **В.Топилдиев** – Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи

Тақризчилар: **Д.Толипов** – Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи ўринбосари
У.Мирзаев – Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўқув-методик кенгаши нашрга тавсия этган (2010 йил 26 октябр мажлисининг 2-сон баёни).

© Магистратура таълими фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Магистрлик диссертацияси – Т.: 2010.

Мундарижа

Сўз боши.....	5
I. Магистратура таълими фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.....	6
“Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16 август 2001 йил 343-сон қарори.....	8
“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10 октябрь 2007 йил 190-сон қарори.....	10
“Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июнь 118-сон қарори.....	16
Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом.....	18
Олий таълим муассасаларига кўзи ожиз абитуриентларни қабул қилиш тартиби.....	24
Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида Низом.....	26
“Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори.....	35
Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги Низом.....	36
Магистратура тўғрисида Низом.....	43
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мирзс Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг икки йиллик махсус Олий журналистика курслари тўғрисида Низом.....	58
“Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.10.2008 й. 226-сон қарори.....	64
Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида Низом.....	66
Олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиялари танловига номзодлар тайёрлаш бўйича йўриқнома....	72
«Энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси» республика танлови тўғрисида Низом.....	80

Магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва расмийлаштиришнинг намунавий тартиби.....	94
Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом..	99
Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом.....	106
Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида Низом.....	115
II. Магистрлик диссертацияси.....	121
Сўз боши.....	122
Магистрлик диссертацияси мавзуларини тузиш.....	124
Магистрлик диссертацияси мавзуларини расмийлаштириш.....	125
Магистрлик диссертациясига раҳбарлик қилиш.....	127
Магистрлик диссертацияси бўйича илмий мақолалар ёзиш ва конференцияларга маърузалар тайёрлаш.....	128
Магистрлик диссертациясининг тузилиши.....	129
Магистрлик диссертациясининг ёзилиши.....	133
Магистрлик диссертациясининг мазмуни.....	138
Магистрлик диссертацияси тайёрланишини назорат қилиб бориш.....	139
Магистрлик диссертациясига автореферат тайёрлаш.....	141
Магистрлик диссертациясига тақризчи (оппонент) тайинлаш ва расмийлаштириш.....	143
Магистрлик диссертациясига ёзиладиган раҳбарнинг хулосаси ва тақризчининг тақризи.....	144
Магистрлик диссертациясининг ҳимояси.....	145
Магистрлик диссертациясини баҳолаш.....	148
Энг яхши магистрлик диссертацияси ғолибларини аниқлаш ва уларни республика танловига тавсия этиш.....	151
Магистрлик диссертацияси ғолиблари ва уларнинг раҳбарларини тақдирлаш.....	152
Магистрлик диссертациясининг сақланиши.....	153
Иловалар.....	154

Сўз боши

Магистратура бакалаврият негизда камида икки йил давом этадиган аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган олий таълим бўлиб, унинг битирувчиларига якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра таълим мутахассислиги бўйича “магистр” академик даражаси тўғрисидаги давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом берилади.

Магистрлар тайёрлаш ҳуқуқи кадрлар буюртмачиларининг таклифлари асосида давлат аккредитациясидан ўтган олий таълим муассасаларига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тавсияси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган квоталар асосида берилади.

Магистратурага кириш синовлари ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича магистрлик мутахассислиги, ўқитиш тили ва шаклига кўра алоҳида ўтказилади. Магистратурага қабул қилиш давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Олий таълим муассасалари таклифлари асосида таянч олий таълим муассасалари қошида мақсадли магистрлар тайёрлашни йўлга қўйиш мумкин.

Магистратура мутахассислигини битириб чиққан магистр мустақил равишда илмий-тадқиқотларни бажара олиши, илмий ижод услубиётини билиши, замонавий ахборот технологиялари асосида илмий маълумотлар йиғиб, улардан фойдалана олиши ҳамда илмий-фаолият ва мустақил амалий фаолиятга тайёр бўлиши лозим.

Магистр касб фаолиятининг асосий соҳаларига илмий-тадқиқот муассасалари, лойиҳалаш ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш корхоналари; давлат ва нодавлат олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари; магистр академик даражасини талаб қиладиган бошқа турдаги фаолиятлар киради.

Магистратурада ўқув жараёни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган мутахассисликлар бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари асосида ташкил этилади.

Ушбу қўлланмага магистратура таълими билан боғлиқ зарурий расмий ҳужжатлар ҳамда 2010 йилда чоп этилган “Магистрлик диссертациялари мавзуларини тузиш, танлаш, ёзиш, ҳимоя қилиш ва расмийлаштириш (методик қўлланма)” нинг қайта ишланиб, тўлдирилган варианты киритилди.

**МАГИСТРАТУРА
ТАЪЛИМИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАРТИБГА СОЛУВЧИ
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАР**

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг қарори
16 август 2001 йил № 343

Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини
тасдиқлаш тўғрисида

“Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини бажариш юзасидан ва олий маълумотли юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълимнинг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш, жаҳон таълим тизимига қўшилиш, шунингдек олий таълимнинг ўқув-методик ва норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” 1-иловага мувофиқ;

“Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда:

бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини давлат таълим стандартларини, ўқув режалари ва фанлар дастурлари ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, улар асосида дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш;

олий таълим тизими учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан “Олий таълим тўғрисидаги низом” ва “Олий таълим муассасасининг васийлик кенгаши тўғрисидаги низом”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига зарурият бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

олий ва ўрта махсус таълим, касб-хунар таълими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни мувофиқлаштириш юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазибаларини амалга оширишда тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фанлар дастурларининг янги авлодини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, "Ўқитувчи", "Ўзбекистон", "Ибн Сино" нашриётлари, "Шарқ" акциядорлик компанияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртмалари бўйича бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўқув режалари ва фанлар дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари ўз вақтида нашр этилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тақдим этилган сметаси бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фанларнинг ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш ва нашр этишга зарур молиявий маблағларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги муассасаларининг 2001 йилга тасдиқланган харажатлари сметаси доирасида ажратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг янги Классификаторга мувофиқ давлат органлари, муассасалар ва ташкилотларнинг бакалаврлар ва магистрлар билан тўлдирилиадиган лавозимлари рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида" 2001 йил 12 июндаги 250-сон қарорининг 9-бандини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёки олий таълим муассасалари томонидан тузилган битимларга мувофиқ олиб келинаётган ўқув-лаборатория ва илмий асбоб-ускуналар, ўқитишнинг техник воситалари, ўқув ва маълумотнома адабиётлар божхона тўловларидан озод қилинсин, божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ҳ.С.Караматов ва Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг

Раиси

И.Каримов

**“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида
магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш,
унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
10 октябрь 2007 йил 190-сонли қарори**

“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ республикада олий таълим тизимининг иккинчи босқичи сифатида магистратуранинг норматив-ҳуқуқий базаси ишлаб чиқилди, ўқув жараёнини ташкил этишнинг асослари белгиланди ва ўқув-методика комплекси, ахборот таъминотининг янги авлоди жорий этилди, илмий-педагогик кадрлар таркиби шакллантирилди.

Ўқув жараёни, олий таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлайдиган норматив-методик ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш мақсадида малака амалиёти ҳамда Давлат аттестация комиссиялари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг замонавий техника ва технологияларга эга бўлган ишлаб чиқариш базаларида, илмий лабораторияларида, ташкилотлари ва илмий-тадқиқот институтларида ташкил этилди.

Магистрларнинг қизиқишларини ошириш ҳамда уларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун мунтазам равишда илмий конференциялар ўтказилмоқда, уларга чет тиллар ўргатилмоқда, ўқув жараёнига замонавий ахборот ва педагогика технологиялари жалб этилмоқда.

Ўтган икки ўқув йили мобайнида магистратурада ўрганилаётган предметларнинг ўқув дастурлари қайта ишлаб чиқилди ва янгиланди.

Олий таълим муассасаларида магистратуранинг 20 тадан ортиқ янги мутахассисликлари очилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда магистратура фаолиятини ташкил этиш, шунингдек кадрлар ва ахборот ресурслари базалари билан таъминлаш билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Чунончи, кадрлардан фойдаланувчилар (иш берувчилар)нинг аксарияти магистратурани битирувчиларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари тўғрисида тўлиқ ва тўғри тасаввурга эга эмас. Магистратурани битирувчилардан белгиланган мақсадда фойдаланмаслик ҳоллари мавжуд.

Ўқитишнинг замонавий техник воситалари бугунги кун талабларига мувофиқ эмас, илмий ва махсус адабиётларнинг етишмаслиги сезилмоқда, фан ва технологияларнинг янги ютуқлари ўқув жараёнига тезкорлик билан жорий этилмаяпти, таълим, фан ва ишлаб чиқаришни самарали интеграциялаш тўлиқ даражада амалга оширилмаяпти, буюртмачиларнинг магистрлар тайёрлаш жараёнидаги амалий улуши мавжуд эмас.

Магистратура таълими сифатини оширишга муайян улуш қўшаётган юқори малакали профессор-ўқитувчи кадрларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг самарали методларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ магистратура фаолиятини ташкил этишни тубдан такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари учун кадрлар тайёрлашнинг сифатини ҳамда рақобатбардошлигини оширишни кучайтириш, юқори малакани ва маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, шунингдек магистратурада таълим-тарбия жараёнини норматив-ҳуқуқий ва илмий-методик жиҳатдан таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 30 майдаги ПҚ-645-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Магистратурани ислоҳ қилиш ва янада ривожлантиришнинг мақсадли дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, магистрлар тайёрлаш жараёнига энг юқори малакали ўқитувчилар ҳамда фан доктори ва фан номзоди илмий даражаларига, профессор ва доцент илмий унвонларига эга бўлган олимлар, шунингдек давлат ва жамиятни модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ахборотлаштириш

шароитларида иш тажрибасига эга бўлган амалиётчи мутахассислар жалб этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, "Истеъдод" жамғармаси бир ой муддатда:

Ўқитувчилар ва ёш олимларнинг мамлакатимиз ва чет эллардаги етакчи университетларда ва илмий марказларда тажриба орттиришларини (уларнинг натижаларидан бири магистратурада ўқитиш сифатини оширишдан иборат), хорижий мутахассислар билан биргаликда магистратура дастурлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилишини;

Республиканинг олий таълим муассасаларига педагогик ишларга юборилган магистратура битирувчиларига уларнинг университетларда ва илғор технологияли илмий марказларда малака оширишлари учун зарур шарт-шароитларни, шунингдек магистратура ўқув предметлари бўйича ўқув-методик материаллар ишлаб чиқирилишини ҳамда ўқув жараёнига замонавий илм-фан ютуқлари жорий этилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларнинг истиқболли дастурларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда олий таълим муассасаларига эга бўлган бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

магистрлар тайёрлаш билан банд бўлган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифати мониторингини, шунингдек уларнинг малака даражасини баҳолашни амалга оширсин;

магистрларни ўқитиш ва тайёрлаш сифати ўрганилишини ташкил этсин ва унинг сифати назорат қилинишини таъминласин;

олий таълим муассасаларида магистратура мутахассислари рўйхатини қайта кўриб чиқсин ва ҳар йили 1 мартгача белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига магистратурага қабул қилиш параметрлари бўйича асосланган таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 1 январдан бошлаб республика олий таълим муассасаларида олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига иш ҳақи фонди ва маъмурий-бошқарув ходимлари сони доирасида 2-иловага мувофиқ магистратура бўлимлари ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Магистратура бўлимларига кафедралар ва деканатлар билан биргаликда қуйидагилар юклансин:

магистрлар тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва таъминлашга, улардаги таълим ва ўқитиш сифатини назорат қилишга кўмаклашиш;

ўқув-изланиш ва илмий тадқиқот ишлари амалга оширилишини таъминлаш;

олий таълим муассасалари барча бўлинмаларининг магистрлар тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

магистрларни ўқитиш ва уларнинг ишга жойлашиши устидан мунтазам мониторингни амалга ошириш, магистрлар тайёрлаш масалаларини мунтазам равишда таҳлил қилиш ва улар юзасидан ҳисоботлар бериш.

6. Вазирликлар, идоралар ва кадрлардан асосий фойдаланувчилар бўлган бошқа ташкилотлар магистрлар тайёрлаш жараёнида фаол қатнашсинлар ҳамда уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланилишини таъминласинлар, магистрантларнинг амалий машғулотларда қатнашишлари, етук мутахассисларнинг магистрлик тайёргарлигига раҳбарлик қилишларига жалб этилиши, реал топшириқлар бўйича диссертациялар тайёрлашга уларнинг таълим-касбий фаолиятини ташкил этиш учун ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда магистратура таълими жараёнини фундаментал ва амалий фанлар билан реал интеграциялаш, Фанлар академиясининг етакчи олимларини ҳамда унинг моддий-

техника базасини магистрантларни ўқитиш ва улар томонидан илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, уларнинг натижаларини амалиётга жалб этиш бўйича Ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқсин ҳамда уни 2008 йилдан бошлаб амалга оширишга киришсин;

Бир ой муддатда Магистратура тўғрисидаги Низомга ушбу қарор талабларига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазирининг**

Ш.Мирзиёев

**Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 10 сентябрдаги
190-сон қарорига
2-илова**

т/р	Лавозимлар номи	Штат бирликлари сони	Ягона тариф сеткаси бўйича разряд	Тариф коэффиценти	Лавозим маоши (сўмларда)
1	Бўлим бошлиғи	1	9	4,797	74473
2	Методист	1	5	3,467	53825
	Ҳаммаси	2			

Изоҳ: магистрлар сони 200 кишигача бўлганда 0,5 ставка белгиланади.

“Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июнь 118-сонли қарори

“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар ҳамда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларга мувофиқ олий таълим муассасаларига қабул қилиш, шунингдек талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидаларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ;

Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида” 1999 йил 12 июлдаги 342-сон қарори 1-бандининг иккинчи ва учинчи хат боши ҳамда мазкур қарорга 1 ва 2-илвалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш.Мирзиёев

**Олий таълим муассасаларининг магистратурасига
қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ олий таълим муассасаларининг магистратурасига (кейинги ўринларда Магистратура деб юритилади) талабаларни қабул қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом ҳарбий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Магистратурага қабул олий таълим муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида қабул квоталарига мувофиқ амалга оширилади.

3. Магистратурага қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) томонидан кириш синовлари натижаларига кўра, тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Магистратурага қабул тегишли таълим йўналиши ва Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган турдош (магистратурага қабул бўйича) олий таълим йўналишлари рўйхати бўйича бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар ўртасида танлов асосида амалга оширилади.

Бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар турдош таълим йўналишлари рўйхатидан ихтисосликларнинг бирида танловда қатнашиш ҳуқуқига эгалар.

Магистратурага қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, кириш синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниши ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар баллар рейтинг асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниши ҳуқуқига эгадирлар.

Танлов ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича магистрлик мутахассислиги, ўқитиш тили ва шаклига кўра алоҳида ўтказилади.

4. Кириш синовлари уч тилда – ўзбек, рус, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасаларида қорақалпоқ тилларида ўтказилади.

Магистратурада ўқитиш тили Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган қабул кўрсаткичлари доирасида ҳужжатлар қабул қилинишига қадар вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

5. Абитуриентлар магистратурага кириш синовларини олий таълим муассасида ўқийдиган тилда топширади.

6. Магистратурага қабул қилиш ишлари Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ жорий ўқув йили учун тайинланган олий таълим муассасаси қабул комиссияси зиммасига юкланади ва магистратурага қабул қилиш ишлари бўйича қабул комиссияси масъул котибининг ўринбосари тайинланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва номли давлат стипендиялари совриндорлари олий таълим муассасалари магистратурасига бакалавриятнинг таълим йўналишига мос мутахассисликларга танловдан ташқари давлат гранти асосида қабул қилинадилар.

II. Хорижий фуқароларни қабул қилиш

8. Магистратурага хорижий фуқароларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" 2008 йил 4 августдаги 169-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади.

III. Хужжатларни қабул қилиш тартиби

9. Магистратурага кириш имтиҳонлари бошланишидан бир ой аввал, олий таълим муассасаси қабул комиссияси магистратурага қабул қилиш муддатлари, мутахассисликлар номлари ва ажратилган ўринлар ҳақидаги ахборотни белгиланган тартибда эълон қилади.

10. Магистратурага киришда абитуриентлар (бакалавр даражасига эга бўлганлар, дипломли мутахассислар) олий таълим муассасаси қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда, олий таълим муассасаси ректори номига ариза;

олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ёки дипломдан кўчирма – Ўзбекистон республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар) ҳамда унга илова;

3.5 4.5 ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;

086-У-шаклдаги тиббий маълумотнома.

11. Ҳужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.

12. Ҳужжатлар тақдим этилиши жараёнида абитуриентлар паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжатларини шахсан кўрсатадилар.

13. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлганда олий таълим муассасаси қабул комиссияси абитуриентнинг ҳужжатларини қабул қилишга рад этишга ҳақли эмас.

14. Магистратурага кириш синови умумий баллари қуйидагилардан ташкил топади:

магистратурага киришда танланган мутахассислик бўйича билим даражасини белгиловчи махсус фанлардан синов ўтказилади (баҳолаш мезони 0 баллдан 150 баллгачани ташкил этади);

демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари бўйича синов ўтказилади (баҳолаш мезони 0 баллдан 50 баллгачани ташкил этади) .

Олий таълим муассасаси битирувчисининг умумий рейтинги ёки ўзлаштириш кўрсаткичи (ўзлаштириш тегишли равишда 55 баллдан 100 баллгача бўлган диапазонда ифодаланади) аниқланади.

Магистратурага ўқишга киришда энг кўп тўпланиши мумкин бўлган (максимал) балл – 300 ни ташкил этади.

15. Абитуриентлар қуйидаги фанлардан ёзма (ёки ижодий) кириш синовлари (махсус тест синовлари) топширадilar:

магистратура мутахассислигига мувофиқ келувчи таълим йўналишининг махсус фанлари;
демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти.

16. Кириш синовлари (махсус тест синовлари) ўтказиш шакли ва фанлар бўйича синов дастурлари ҳамда абитуриентларнинг билимларини баҳолаш мезонлари олий таълим муассасасининг ректори томонидан тегишли вазирликлар, идоралар ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади ва кириш синовлари бошланишидан бир ой аввал абитуриентлар эътиборига етказилади.

Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти курси бўйича ягона дастур ва баҳолаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади ва тегишли олий таълим муассасаларига етказилади.

17. Кириш синовлари (махсус тест синовлари) 3 – 10 август кунлари ўтказилади.

18. Кириш синовлари (махсус тест синовлари) ўтказилишига қадар, Олий таълим муассасаси қабул комиссияси

томонидан синов фанлари бўйича маслаҳатлар ташкил этилади. Маслаҳатлар жадвали олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва ректор томонидан тасдиқланади.

19. Кириш синовларини ўтказиш учун ректорнинг буйруғи билан ҳар бир синов фанлари бўйича комиссиялар ташкил этилади. Фанлар бўйича комиссия раислари, олий таълим муассасасининг идоравий бўйсунушига қараб, вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланади.

20. Синов фанлари бўйича комиссия таркиби олий таълим муассасасининг етук ва тажрибали профессор-ўқитувчилари таркибидан ташкил этилади. Зарур ҳолларда унинг таркибига бошқа олий таълим муассасасининг ўқитувчилари ҳам жалб этилиши мумкин.

21. Синов фанлари бўйича комиссия раислари зиммасига қуйидаги масъулият юкланади:

кириш синовлари сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида комиссия таркибига малакали, талабчан ва адолатли профессор-ўқитувчиларни жалб этиш;

комиссия аъзоларининг вазифаларини белгилаш (маслаҳатлар беришни ташкил этиш, имтиҳон саволларини тузиш, жавобларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва бошқалар);

синов жараёнига раҳбарлик қилиш ва назорат этиш.

22. Фанлар бўйича синовларни ўтказиш тартиби (ўқитувчиларни аудиторияларга тақсимлаш, жавобларни шифрлаш ҳамда текшириш ва ҳоказолар) олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан белгиланади.

23. Кириш синовларининг натижалари, баҳолаш мезонларига мувофиқ балл билан белгиланади ва қайдномаларга киритилади. Қайдномалар фан бўйича имтиҳон комиссиясининг аъзолари, қабул комиссиясининг масъул қотиби томонидан имзоланади ва қабул комиссиясининг раисига тақдим этилади.

магистратурага киришда танланган мутахассислик бўйича билим даражасини белгиловчи махсус фанлардан синов ўтказилади (баҳолаш мезони 0 баллдан 150 баллгачани ташкил этади);

демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари бўйича синов ўтказилади (баҳолаш мезони 0 баллдан 50 баллгачани ташкил этади) .

Олий таълим муассасаси битирувчисининг умумий рейтинги ёки ўзлаштириш кўрсаткичи (ўзлаштириш тегишли равишда 55 баллдан 100 баллгача бўлган диапазонда ифодаланади) аниқланади.

Магистратурага ўқишга киришда энг кўп тўпланиши мумкин бўлган (максимал) балл – 300 ни ташкил этади.

15. Абитуриентлар қуйидаги фанлардан ёзма (ёки ижодий) кириш синовлари (махсус тест синовлари) топширадилар:

магистратура мутахассислигига мувофиқ келувчи таълим йўналишининг махсус фанлари;

демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти.

16. Кириш синовлари (махсус тест синовлари) ўтказиш шакли ва фанлар бўйича синов дастурлари ҳамда абитуриентларнинг билимларини баҳолаш мезонлари олий таълим муассасасининг ректори томонидан тегишли вазирликлар, идоралар ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади ва кириш синовлари бошланишидан бир ой аввал абитуриентлар эътиборига етказилади.

Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти курси бўйича ягона дастур ва баҳолаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади ва тегишли олий таълим муассасаларига етказилади.

17. Кириш синовлари (махсус тест синовлари) 3 – 10 август кунлари ўтказилади.

18. Кириш синовлари (махсус тест синовлари) ўтказилишига қадар, олий таълим муассасаси қабул комиссияси

томонидан синов фанлари бўйича маслаҳатлар ташкил этилади. Маслаҳатлар жадвали олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва ректор томонидан тасдиқланади.

19. Кириш синовларини ўтказиш учун ректорнинг буйруғи билан ҳар бир синов фанлари бўйича комиссиялар ташкил этилади. Фанлар бўйича комиссия раислари, олий таълим муассасасининг идоравий бўйсунушига қараб, вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланади.

20. Синов фанлари бўйича комиссия таркиби олий таълим муассасасининг етук ва тажрибали профессор-ўқитувчилари таркибидан ташкил этилади. Зарур ҳолларда унинг таркибига бошқа олий таълим муассасасининг ўқитувчилари ҳам жалб этилиши мумкин.

21. Синов фанлари бўйича комиссия раислари зиммасига қуйидаги масъулият юкланади:

кириш синовлари сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида комиссия таркибига малакали, талабчан ва адолатли профессор-ўқитувчиларни жалб этиш;

комиссия аъзоларининг вазифаларини белгилаш (маслаҳатлар беришни ташкил этиш, имтиҳон саволларини тузиш, жавобларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва бошқалар);

синов жараёнига раҳбарлик қилиш ва назорат этиш.

22. Фанлар бўйича синовларни ўтказиш тартиби (ўқитувчиларни аудиторияларга тақсимлаш, жавобларни шифрлаш ҳамда текшириш ва ҳоказолар) олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан белгиланади.

23. Кириш синовларининг натижалари, баҳолаш мезонларига мувофиқ балл билан белгиланади ва қайдномаларга киритилади. Қайдномалар фан бўйича имтиҳон комиссиясининг аъзолари, қабул комиссиясининг масъул қотиби томонидан имзоланади ва қабул комиссиясининг раисига тақдим этилади.

24. Олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган абитуриентларнинг синов ишлари уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларига тикиб қўйилади.

Ўқишга қабул қилинмаганларнинг синов ишлари 6 ой давомида сақланади, сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

25. Кириш синовлари (махсус тест синовлари) ни қайта топшириш ман этилади.

26. Олий таълим муассасасида белгиланган тартибда апелляция (норозилик) комиссиясининг иши ташкил этилади.

Абитуриент синов натижасидан норози бўлган тақдирда, синов натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида синов ишини апелляция қилиш ҳақидаги ариза билан олий таълим муассасаси қабул комиссияси раиси ёки апелляция (норозилик) комиссияси раисига мурожаат этиши мумкин. Апелляция ҳақидаги аризани кўриб чиқиш муддати икки кундан ошмаслиги лозим.

27. Магистратурага кўзи ожиз абитуриентларни қабул қилиш олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

V. Абитуриентни тўлов-контракт асосида қабул қилиш ва ўқиш учун тўлов тартиби

28. Магистратурага тўлов-контракт асосида қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган қабул квоталари доирасида ягона қабул қоидалари асосида кириш синовларининг баллар рейтинги бўйича Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади.

Абитуриентларни тўлов-контракт асосида магистратурага тавсия этиш тўғрисида Давлат комиссиясининг қарори қабул қилингандан кейин олий таълим муассасаси билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида белгиланган тартибда контракт расмийлаштирилади.

Белгиланган намунадаги контракт бланкалари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан синов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб берилади ва юридик шахслар учун раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ҳолда 3

нусхада, жисмоний шахслар учун 2 нусхада расмийлаштирилади.

Давлат комиссияси томонидан тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган абитуриентлар учун тўлов ҳар йили контракт шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Контракт шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари, уларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

VI. Ўқишга қабул қилиш тартиби

29. Давлат комиссиясининг олий таълим муассасалари магистратурасига қабул қилиш тўғрисидаги қарори 20 августдан кечикмай қабул қилинади ва у олий таълим муассасаларида 25 августга қадар абитуриентларни давлат грантлари бўйича талабалар сафига қабул қилиш ҳақидаги олий таълим муассасалари ректорларининг буйруқларини расмийлаштириш учун асос бўлади.

Давлат комиссиясининг олий таълим муассасалари магистратурасига қабул қилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиш учун белгиланган маблағ миқдори 15 сентябрдан кечиктирмай, белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг, олий таълим муассасасининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

VII. Магистратурада ўқиш муддати

30. Магистратурада ўқиш муддати камида 2 йил.

VIII. Яқунловчи қоидалар

31. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

Олий таълим муассасаларига кўзи ожиз абитуриентларни қабул қилиш тартиби

1. Кўзи ожизлар тоифасига махсус мактаб-интернатлар томонидан кўзи ожизлар учун берилган етуклик аттестатига эга бўлган абитуриентлар киради.

2. Кўзи ожиз абитуриентлар олий таълим муассасаларига кириш чоғларида кириш имтиҳонларини таълим йўналишлари бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари учун белгиланган фанлар мажмуасига мос келувчи кўп балли ёки уларга келтирилган беш балли баҳолаш тизими бўйича, анъанавий услубда топширадilar.

3. Фанлар бўйича кириш имтиҳонларини ўтказиш шакли (ёзма ёки оғзаки) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан белгиланади.

4. Кўзи ожиз абитуриентлар билан тушунтириш ишларини олиб бориш учун олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан махсус масъул ходим ажратилади.

5. Олий таълим муассасаси қабул комиссияси кириш имтиҳонларини ўтказиш учун фанлар бўйича комиссияларни ташкил этади.

6. Фан бўйича кириш имтиҳонларининг дастурлари умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими умумтаълим фанлари дастурларига тўла мувофиқ ҳолда тузилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

7. Кириш имтиҳонларини ўтказувчи комиссия таркибига кўзи ожизлар ёки ногиронлар жамиятининг вакили киради.

8. Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари кўзи ожиз абитуриентлар учун кириш имтиҳонлари фанлари бўйича махсус тузилган жадвалга биноан маслаҳатлар ташкил этадилар.

9. Кўрсатилган абитуриентлар тоифаси учун кириш имтиҳонлари олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан 26 июлга қадар ўтказилади.

10. Мазкур тоифага кирадиган абитуриентлар ва кириш имтиҳонлари натижалари ҳақидаги маълумотлар 27 июлга қадар Давлат комиссиясига ва Давлат тест марказига топширилади.

11. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган абитуриентлар Давлат комиссияси билан келишилган ҳолда, олий таълим муассасаси қабул комиссияси мажлисининг баённомаси ва олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан танловсиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар

**Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини
кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши ҳарбий олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш, одатда, ёзги таътил даврида, тегишли курс (семестр)да ўқув машғулоти бошланишига қадар амалга оширилади.

4. Талабалар сафидан четлаштириш мазкур Низомда белгиланган ҳолларда олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан амалга оширилади.

5. Талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш қуйидагиларнинг:

олий таълим муассасалари;

тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган
вазирликлар ва идоралар;

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қошидаги Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш идоралараро комиссияси (кейинги ўринларда – Идоралараро комиссия деб юритилади) қарорлари асосида амалга оширилади.

Идоралараро комиссия Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси

(кейинги ўринларда – Давлат комиссияси деб юритилади) томонидан ташкил этилади. Унинг таркибига тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар вакиллари киритилади.

Идоралараро комиссиянинг раиси ва масъул котиби Давлат комиссияси қарори билан тайинланади.

6. Олий таълим муассасаси ректорининг қарори асосида талабалар ўқишини шу олий таълим муассасаси доирасида олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича кўчириш ва тиклаш амалга оширилади.

7. Қуйидаги ҳолларда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш талабани қабул қилаётган олий таълим муассасаси бўйсунадиган вазирлик (идора) қарори асосида амалга оширилади.

олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича бир вазирлик (идора) доирасида бошқа олий таълим муассасасига;

олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича турли вазирлик (идора) доирасида бир олий таълим муассасасидан бошқа олий таълим муассасасига кўчириш ва қайта тиклаш.

8. Қуйидаги ҳолларда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш Идоралараро комиссия қарори билан амалга оширилади:

Хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлган олий таълим муассасаларидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига;

Бир олий таълим муассасаси доирасида ёки бир вазирлик (идора) ва турли вазирликлар (идоралар) тасарруфидаги олий таълим муассасаларига олий таълимнинг турдош бўлмаган йўналишлари (мутахассисликлари)га.

9. Олий таълимнинг турдош йўналишлари (мутахассисликлари) рўяхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда - Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги деб юритилади) томонидан

ишлаб чиқилади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

10. Талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш ҳақидаги аризалари мос равишда:

ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан – олий таълим муассасасининг қабул комиссиясига;

ушбу Низомнинг 7 ва 8-бандларида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этиладиган ҳудудий ишчи гуруҳларга топширилади.

Ҳудудий ишчи гуруҳлар қабул қилинган ҳужжатларни умумлаштириб:

ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича тасарруфида олий таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идораларга;

ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича - Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади.

Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари ҳамда ҳудудий ишчи гуруҳлар талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш ҳақида келиб тушган аризалар тўғрисида белгиланган шаклда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига маълумот топширадилар.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш ҳақидаги аризаларни мазкур Низомда белгиланган ваколатлар доирасида шакллантириб Идоралараро комиссияга қарор қабул қилиш учун йўллайди.

12. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш тақиқланади.

13. Биринчи курсга ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш ман этилади (истисно тариқасида, талабага касаллик туфайли академик таътил берилиш мумкин).

14. Ўқишнинг барча шакллари бўйича олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари (мутахассислиги) бўйича давлат грантлари ўринларига кўчиришга фақат давлат грантлари асосида таҳсил олаётган талабалар аризасига кўра муайян таълим йўналиши (мутахассислик)да олий таълим муассасаларига тегишли ўқув йилидаги қабул қилиш квоталарида белгиланган давлат грантларининг сони доирасида рухсат этилади.

15. Бошқа ҳолларда ўқишни кўчириш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

16. Ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш ҳақидаги аризага талабанинг рейтинг дафтарчаси ёки белгиланган шаклдаги академик маълумотнома нусхалари илова этилади.

17. Талабаларнинг ўқишни кўчириш ва қайта тиклашни расмийлаштиришда олий таълим муассасаси ректори белгиланган тартибда ўқув режалари ва дастурлардаги мавжуд академик қарзларни ёки фарқларни (умумкасибий ва ихтисослик фанлари бўйича фарқлар 4 тадан ошмаслиги лозим) топшириш тартиби ва муддатларини (икки ойдан ортиқ бўлмаган), ўқитиш курси ҳамда ўқишга қабул қилишнинг бошқа шартларини белгилайди.

18. Талабаларнинг ўқишини шартли равишда кўчириш ва қайта тиклаш тақиқланади.

19. Давлат олий таълим муассасаларида ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш жараёни бепул амалга оширилади.

20. Тўлов-контракт асосида талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклашда тўлов-контрактни тузиш тартиби ва шартлари, жумладан, тўлов маблағлари ва муддатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

II. Талабалар ўқишини кўчириш

21. Давлат грантлари асосида таҳсил олаётган талабалар ўқишини ўз таълим йўналишидан бошқа турдош бўлмаган таълим йўналишига кўчириш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

22. Ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш ҳақидаги ариза бир ой муддат ичида кўриб чиқирилиши лозим.

Ариза кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилган тақдирда ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича олий таълим муассасаси ректори тегишли қарор қабул қилади;

ушбу Низомнинг 7 ва 8-бандларида кўрсатилган ҳолатлар бўйича тегишли вазирлик (идора) ёки Идоралараро комиссия олий таълим муассасасига белгиланган шаклда хат йўллайди.

Тегшли вазирлик (идора) ёки Идоралараро комиссиянинг хати асосида таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ўқиши кўчирилаётган талаба дарсларга қўйилади ҳамда ушбу олий таълим муассасаси томонидан талаба илгари таълим олган олий таълим муассасасига унинг шахсий йиғма жилдини жўнатиш учун сўровнома юборилади.

Сўровнома олингандан сўнг, талаба илгари таълим олган олий таълим муассасаси ректорининг талабалар сафидан четлаштириш ҳақида буйруғи асосида уч кун муддатда талабанинг шахсий йиғма жилди (рўйхати билан) уни ўқишга қабул қилган олий таълим муассасасига жўнатилади.

Олий таълим муассасасида талабанинг академик маълумотномаси, рейтинг дафтарчаси, ўқув карточкаси, шунингдек жўнатилаётган ҳужжатлар рўйхатининг нусхаси қолдирилади.

Олий таълим муассасаси ректорининг талабани талабалар сафига қабул қилиш тўғрисидаги буйруғи талаба илгарни таълим олган олий таълим муассасасидан унинг шахсий йиғма жилди олиниб, академик фарқлар бартараф этилгандан сўнг 10 кун муддатда чиқарилади.

Шахсий йиғма жилди жўнатирилиши мумкин бўлмаган ҳолларда (ёпиқ йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш), талабани ўқишга қабул қилиш, олий таълим муассасаси ректори томонидан имзоланган ва гербли муҳр билан тасдиқланган академик маълумотнома олингандан сўнг амалга оширилади.

23. Олий таълим муассасасида юридик шахс билан тузилган тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар

ўқишини кўчириш ушбу юридик шахснинг розилиги билан амалга оширилади.

III. Ўқишни қайта тиклаш

24. Ўқишга қайта тиклаш ҳақидаги ариза бир ой муддатда кўриб чиқилади.

25. Қуйидаги ҳолларда талабалikka қайта тиклашни сўраб мурожаат қилган шахсга рад жавоби берилиши мумкин:

олий таълим муассасасида таълим олувчилар сони доирасида бўш ўринлар мавжуд бўлмаганлиги;

шахснинг академик қарздорлиги ҳамда тегишли мутахассислик бўйича зарур билимларни ўзлаштиришга тўсқинлик қилиш даражасидаги ўқув режалари ва дастурларида фарқ мавжуд бўлганлиги (мазкур Низомнинг 17-банди).

26. Барча ўқув шакллари бўйича талабалар сафига қайта тиклаш тўлов-контракт асосида мазкур Низом талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Давлат грантлари бўйича таълим олган етимлар, I ва II гуруҳ ногиронлар, шунингдек муддатли ҳарбий хизматни ўтаган (заҳирага бўшаган кунларидан бошлаб уч йил мобайнида), академик таътилдан қайтган шахслар истисно тариқасида, ўқишга давлат грантлари ўринларига қайта тикланиши мумкин.

27. Ўқишдан четлаштирилган ўқув йилида талабани ўқишга қайта тиклашга йўл қўйилмайди.

28. Талабани бошқа олий таълим муассасасига ўқишга қайта тиклашда унинг илгари таълим олган олий таълим муассасаси розилиги талаб этилмайди.

29. Ўқишдан четлатилгандан кейин 5 йилдан ортиқ муддат (ҳарбий хизматда бўлганлик, уч ёшгача бўлган болаларни парвариш қилиш билан боғлиқ меҳнат таътили ҳамда соғлиқни қайта тиклаш вақтлари ушбу муддатга кирмайди) ўтган ҳолларда талабалар ўқишини қайта тиклаш Идоралараро комиссиянинг рухсати билан амалга оширилади.

IV. Талабалар сафидан четлаштириш

30. Талаба олий таълим муассасасидан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

а) ўз хоҳишига биноан;

б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;

в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

г) академик ўзлаштира олмаганлик (қарздорлиги) учун;

д) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;

е) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

ж) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);

з) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

и) вафот этганлиги сабабли.

Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни правариш қилиш таътиллари даврида талабага Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

31. Олий таълим муассасаси маъмурияти ташаббуси билан талабаларни ўқишдан четлаштириш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилиги инobatга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Низомнинг 30-банди "д" кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, таълим муассасасининг "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

32. Талаба олий таълим муассасасидан четлаштирилганда, унга шахсий ҳужжатлари, белгиланган шаклдаги академик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йиғма жилдга тикиб қўйилади.

V. Яқунловчи қоидалар

33. Талабалар ўқишини кўчириш ёки тиклаш жараёнида хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки белгиланган талабларга жавоб бермайдиган хужжатлар аниқланган ҳолларда олий таълим муассасаси ректори мазкур хужжатларни текшириш ва буйруқ чиқармаслик ҳуқуқига эга.

34. Олий таълим муассасасига ўқишни кўчирган ёки қайта тиклаган талабаларнинг шахсий йиғма жилдига тегишли буйруқдан кўчирма, ариза ва академик маълумотнома тикиб қўйилади.

35. Олий таълим муассасалари ҳар йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига зарур миқдордаги академик маълумотнома бланкаларига буюртмалар берадилар.

Академик маълумотнома бланкаларининг қатъий ҳисоби юритилади.

Академик маълумотнома бланкаларининг олий таълим муассасаларида сақланиши, рўйхатга олиниши ва берилиши белгиланган тартибда амалга оширилади.

36. Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тўғрисидаги тақдим этилган хужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва уларнинг қонунийлиги учун жавобгарлик олий таълим муассасаларига юкланади.

Зарурат бўлганда ректор хужжатларни юборган олий таълим муассасаларидан расмий хат билан маълумотлар тўғрилигини тасдиқлашни сўраши мумкин.

37. Олий таълим муассасаларига талабалар ўқишини кўчириш ва тиклашга асос бўлган барча хужжатлар ваколат доираси бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, шунингдек олий таълим муассасаларда 3 йил давомида сақланиши лозим.

38. Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тўғрисидаги қарорлардан норози

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги ҳамда Соғлиқни
сақлаш вазирлигининг 2010
йил 6 августдаги 312 ва 19-сон
қарорига илова**

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари
талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон 195-модда) билан тасдиқланган олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 30-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда таълим муассасаси деб юритилади) талабаларига академик таътил, мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган талабларни инобатга олиб, қуйидаги ҳолларда берилиши мумкин:

- ҳарбий хизматни ўташ учун;
- саломатлигини тиклаш учун;
- ҳомиладорлик ва туғиш учун;
- болаларни парвариш қилиш учун.

2. Академик таътил ўқув йилининг ҳар қандай қисмида, қуйидаги муддатларга берилади:

ҳарбий хизматни ўташ учун – қонун ҳужжатларида белгиланган ҳарбий хизматни ўташ муддатига;

саломатлигини тиклаш учун – 12 ой муддатга;

ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш учун - қонун ҳужжатларида белгиланган ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари муддатига.

3. Талабаларга ўқиш давомида икки марта, истисно тариқасида, тиббиёт таълим муассасалари талабаларига уч мартагача академик таътил берилиши мумкин.

4. Биринчи курс талабаларига академик таътил, истисно тариқасида, фақат уларнинг касаллиги туфайли берилиши мумкин.

5. Талабага академик таътил берилиши уни таълим муассасасидан четлаштириш деб ҳисобланмайди.

6. Талабаларга академик таътил даврида стипендиялар тўланмайди.

II. Академик таътил бериш ва академик таътидан қайтиш

7. Академик таътил олиш учун талаба таълим муассасаси ректори номига ариза билан мурожаат қилади.

Саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш учун академик таътил олишни сўраб мурожаат қилган талабанинг аризасига талаба доимий тиббий назоратда турган тиббиёт муассасаси комиссиясининг хулосаси, ҳарбий хизматни ўташ учун академик таътил олишни сўраб мурожаат қилган талабанинг аризасига тегишли туман (шаҳар) мудоффа ишлари органлирининг талабани ҳарбий хизматга чақириш ҳақидаги чақирув қоғоз илова қилиниши лозим.

8. Талаба сурункали касаллиги сабабли бир ойдан ортиқ вақт давомида дарсларда қатнаша олмаса, унинг аризасига асосан таътил берилиши мумкин. Бунда академик таътил муддатининг ўтишини бошланиши талаба дарсларда қатнаша олмаётган кундан бошлаб ҳисобланади.

9. Талабага саломатлигини тиклаш учун академик таътилнинг берилиши мазкур Низомнинг иловасида келтирилган таълим муассасалари талабаларига тиббий кўрсатмалар бўйича академик таътил беришга оид касалликлар рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

10. Талабанинг академик таътил олиш ҳақидаги мурожаати бир ҳафталик муддатда кўриб чиқилиши лозим.

Талабага академик таътил бериш таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ушбу буйруқда академик таътилнинг бошланиши ва тугаш санаси кўрсатилиши шарт.

11. Саломатлигини тиклаш учун академик таътилда бўлган талабаларда ҳомиладорлик ва туғиш ҳоллари юзага келган тақдирда, академик таътилнинг муддати мазкур Низомда ҳомиладорлик ва туғиш учун белгиланган академик таътилнинг муддатига узайтирилади.

12. Талаба академик таътилга чиққан кундан бошлаб бир ой ўтмаган бўлса, академик таътилни бекор қилиш ва ўқишга қайтишни сўраб таълим муассасасига ариза билан мурожаат этишга ҳақли.

13. Талаба академик таътилнинг муддати тамом бўлгандан сўнг ўқишга қайтиш бўйича таълим муассасасининг ректори номига ариза билан мурожаат қилиши керак.

Агар, академик таътил даврида талаба ўқиган таълим йўналиши (мутахассислиги) тугатилган бўлса, талабани шу таълим муассасасига ўқишини мос ва турдош йўналиши (мутахассислиги) бўйича кўчириш масаласи ҳам ариза билан бирга кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши лозим.

14. Ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш учун академик таътилда бўлган талабалар академик таътил бошланган санадан бошлаб 12 ой муддат ўтгандан сўнг ўқишга қайтиши мумкин.

15. Академик таътилдан қайтиш бўйича талабанинг мурожаати бир ҳафталик муддатда кўриб чиқилиши ва унинг таълим муассасасига ўқишга қайтиш тўғрисида таълим

муассасаси ректорининг буйруғи чиқарилиши лозим. Ушбу буйруқда талаба академик таътидан қайтгандан сўнг ўқийдиган ўқув курси ва гуруҳи кўрсатилиши шарт.

16. Академик таътил муддати тугагандан сўнг ўқишга қайтмаган ва натижада бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирган талаба таълим муассасасидан четлаштирилади.

III. Яқуний қоида

17. Мазкур Низом талабларининг бузилишига айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

9. Талабага саломатлигини тиклаш учун академик таътилнинг берилиши мазкур Низомнинг иловасида келтирилган таълим муассасалари талабаларига тиббий кўрсатмалар бўйича академик таътил беришга оид касалликлар рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

10. Талабанинг академик таътил олиш ҳақидаги мурожаати бир ҳафталик муддатда кўриб чиқилиши лозим.

Талабага академик таътил бериш таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ушбу буйруқда академик таътилнинг бошланиши ва тугаш санаси кўрсатилиши шарт.

11. Саломатлигини тиклаш учун академик таътилда бўлган талабаларда ҳомиладорлик ва туғиш ҳоллари юзага келган тақдирда, академик таътилнинг муддати мазкур Низомда ҳомиладорлик ва туғиш учун белгиланган академик таътилнинг муддатига узайтирилади.

12. Талаба академик таътилга чиққан кундан бошлаб бир ой ўтмаган бўлса, академик таътилни бекор қилиш ва ўқишга қайтишни сўраб таълим муассасасига ариза билан мурожаат этишга ҳақли.

13. Талаба академик таътилнинг муддати тамом бўлгандан сўнг ўқишга қайтиш бўйича таълим муассасасининг ректори номига ариза билан мурожаат қилиши керак.

Агар, академик таътил даврида талаба ўқиган таълим йўналиши (мутахассислиги) тугатилган бўлса, талабани шу таълим муассасасига ўқишини мос ва турдош йўналиши (мутахассислиги) бўйича кўчириш масаласи ҳам ариза билан бирга кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши лозим.

14. Ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш учун академик таътилда бўлган талабалар академик таътил бошланган санадан бошлаб 12 ой муддат ўтгандан сўнг ўқишга қайтиши мумкин.

15. Академик таътилдан қайтиш бўйича талабанинг мурожаати бир ҳафталик муддатда кўриб чиқилиши ва унинг таълим муассасасига ўқишга қайтиш тўғрисида таълим

муассасаси ректорининг буйруғи чиқарилиши лозим. Ушбу буйруқда талаба академик таътилдан қайтгандан сўнг ўқийдиган ўқув курси ва гуруҳи кўрсатилиши шарт.

16. Академик таътил муддати тугагандан сўнг ўқишга қайтмаган ва натижада бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирган талаба таълим муассасасидан четлаштирилади.

III. Яқуний қоида

17. Мазкур Низом талабларининг бузилишига айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

**Ўзбекистон Республикаси
олий таълим муассасалари
талабаларига академик
таътил бериш тўғрисидаги
Низомга илова**

**Таълим муассасалари талабаларига тиббий кўрсатмалар
бўйича академик таътил беришга оид касалликлар
рўйхати**

1. Сил касаллигининг очиқ формалари (актив ривожланувчи ўпка сили, трахеобронхиал, ички ва периферик лимфа тугунлари, йирик суяклар, бўғимлар фаол сили ёки кичик суяк ва бўғимларнинг силдан кўп жароҳатланиши, тамоқ, кекирдак, халқум, қизил ўнгач, ичак, кўз, тери ва бошқа ички аъзолар актив сили).

2. Силга алоқадор бўлмаган, юрак-ўпка фаолиятлари етишмовчилиги (III даража) билан кечувчи ўпканинг сурункали касалликлари.

3. Барча босқичдаги хавфли ўсма касалликлари, икки йил олдин радикал даволанганлар бундан мустасно.

4. II ва III даражали қон айланишининг бузилиши билан кечувчи юрак клапанларининг ва мушакларнинг органик ўзгаришлари (туғма ва орттирилган).

5. II ва III даражали қонбосимнинг ошиши, тез ривожланувчи қонбосим ошиши касаллиги – хавфли гепертония.

6. Турғун буйрак етишмовчилиги билан кечувчи буйрак ва бошқа аъзолар касалликлари.

7. Стационар шароитда даволашга муҳтож бўлган ошқозон-ичак тизими яра касалликлари.

8. Стационар шароитда бир ой муддатдан ортиқ даволаш ва реабилитация қилиш лозим бўлган оғир шикастланишлар, ўтқир ва сурункали касалликлар.

9. Стационар шароитда бир ой муддатдан ортиқ даволаш ва реабилитация қилиш зарур бўлган турли этиологиялик жигар касалликлари, жигар циррози, паразитар касалликлари ва бошқалар.

10. Эндокрин касалликларнинг аниқ шакллари (акромегалия, Базедов касаллиги, Аддисон касаллиги, микседема, қандли диабетнинг оғир шакли, Иценко-Кушинга касаллиги).

11. Қон тизими касалликлари: ўткир ва сурункали лейкозлар (лимфа лейкозлар бундан мустасно), апластик анемия.

12. Асаб системасининг сурункали органик асаб касалликлари, шунингдек бўлиб ўтган касалликларнинг оғир асоратлари (энцефалит, менингит, арахноидит, бош суякнинг ва орқа миянинг ёпиқ ҳолда шикастланиши, бош суякнинг очик ҳолда шикастланиш ва бошқалар) натижасида ақл заковатнинг чуқур ва турғун бузилишлари, психопатик бузилиши (ўзини ахлоқий жиҳатдан тута олмастик ёки тажанлик уринишдаги ҳолатлари), неврологик белгилар ёки психопатик хулқ атвор асоратлари билан ўтказиладиган касалликлар.

13. Тўхтовсиз ривожланиш билан кечувчи шизофрениянинг (оддий, гебефреник, параноид турлари) куйидаги кўринишлари:

а) хуружсимон ривожланиш билан кечувчи шизофрения (катотоник, галюцинатор, параноид турлари);

б) тўлқинсимон кечувчи шизофрения (циркулятор, депрессив-параноид, онейроид-катотоник) тез-тез хуружланувчи ва қисқа ремиссияли ҳолатлар;

в) сушт кечувчи шизофрениянинг хуруж даври.

14. Тез-тез такрорланувчи тутқаноқли, тутқаноқсиз ва психоматор хуружлари билан, шунингдек, ҳушнинг хиралашуви ва оғир дисфория билан кечувчи ўзгариши ва ақл заковат бузилиши билан кечувчи эпилепсия:

а) кам такрорланувчи хуружлар билан шахснинг чуқур ўзгариши ва ақл заковат бузилиши билан кечувчи эпилепсия;

б) эпилептик психозлар.

15. Тез-тез хуружланувчи циклотимия, маниакал депрессив психоз, тез-тез такрорланувчи маниакал депрессив ҳолатлар.

16. Шахснинг патологик ривожланишининг ҳар хил турлари, меҳнатга қобилияти пасайиши билан, психопатиянинг яққол тури ёки тез-тез декомпенсацияланиши билан кечувчи турлари.

17. Оғир сурункали кечувчи, такрорланувчи тери касалликларининг ногиронликка олиб келувчи турлари.

18. Захмининг юқумли босқичи.

19. Трахоманинг I, II, III даражалари.

20. Гиёҳвандлик, токмикоманиянинг (тамакига тобелиқдан ташқари) барча турлари.

21. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС/ОИВ).

Магистратура тўғрисида Низом

(Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2007 йил 29 декабрдаги 269-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 4 февралда 1765-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган).

Мазкур Низомга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 22 сентябрдаги 363-сон буйруғи билан ўзгартиришлар ва қўшимча киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 30 сентябрда 1765-1-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган)

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 190-сон қарорига мувофиқ магистратура фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифати ва рақобатбардошлилигини кучайтириш, халқаро таълим стандартлари даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаш, қонун ҳужжатлари ва давлат таълим стандартларига мувофиқ олий таълим муассасаларида магистрлар тайёрлаш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Магистратура таълим дастурини тугатган битирувчиларга якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра таълим йўналишининг аниқ мутахассислиги бўйича "магистр" академик

даражаси тўғрисидаги давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом берилади.

2. Тегишли мутахассисликлар бўйича магистрларни тайёрлаш кадрлар буюртмачиларининг таклифлари асосида, давлат аккредитациясидан ўтган олий таълим муассасаларида амалга оширилади.

3. Олий таълим муассасасига янги мутахассисликлар бўйича магистрлар тайёрлаш ҳуқуқи белгиланган тартибда олий таълим муассасасининг сўровномаси, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идораларнинг таклифлари, Олий таълимнинг Давлат таълим стандартига (бундан кейин матнда Давлат таълим стандарти деб юритилади) мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан кейин матнда Давлат тест маркази деб юритилади) томонидан экспертизадан ўтган ўқув режалари ва дастурлари асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат тест маркази тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган квоталар асосида берилади.

4. Магистр:

танланган мутахассислик бўйича мустақил илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбга доир фаолиятини юритиш;

тайёргарлигига мувофиқ мутахассислик бўйича олий таълимдан кейин аспирантурада таҳсил олиш;

кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

5. Олий таълим муассасалари барча бўлинмаларининг магистрлар тайёрлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш магистратура бўлими томонидан кафедралар ва деканатлар билан бирга амалга оширилади.

6. Магистрларнинг илмий фаолияти билан боғлиқ изланиш натижалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган нашрларда ва олий таълим муассасалари нашрларида чоп этилиши мумкин.

II. Магистратурага қабул қилиш

7. Магистратурага қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 195-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

8. Магистратурага кириш имтиҳонлари ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича магистрлик мутахассислиги, ўқитиш тили ва шаклига кўра алоҳида ўтказилади.

9. Таянч олий таълим муассасалари қошида магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасалари таклифлари асосида мақсадли магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

10. Магистратурага қабул қилиш давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

11. Магистратурада мутахассисликлар бўйича иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

12. Магистратурага хорижий фуқароларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 августдаги 169-сон "Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 31-32-сон, 304-модда) билан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади.

III. Магистрнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий талаблар

13. Магистр ўз мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқотларни бажара олиши, илмий ижод услубиётини билиши, замонавий ахборот технологияси асосида илмий маълумотлар йиға олиши, улардан фойдаланиш ва сақлаш

усулларини билиши ҳамда илмий-фаолият ва мустақил амалий фаолиятга тайёр бўлиши лозим.

14. Мутахассислик доирасида магистр:

билимларни умумлаштириш, хулосалар чиқариш ва уни бошқаларга ўргатиш;

жараён ва технологияларни таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш;

замонавий, рақобатбардош тадқиқот услубиётларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

бозор муносабатлари шароитида, иқтисодиётнинг ривожланиш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда илмий муассаса, конструкторлик бюроси, ишлаб чиқариш корхоналари бўлимлари ва бошқа ташкилот, муассасалар ишини ташкил этиш, муаммосини ҳал этиш, илмий тадқиқот, изланиш натижаларини амалиётга татбиқ этиш, замонавий лаборатория ва техник жиҳозлардан фойдаланиш ва бошқариш қобилиятига эга бўлиши керак.

15. Магистр ўзининг мутахассислиги, илмий-фаолият ва илмий-педагогик тайёргарлигига мувофиқ касбий фаолиятининг:

лойиҳа-конструкторлик;

лойиҳа-технологик;

илмий тадқиқот ва тажриба;

ишлаб чиқариш бошқаруви;

илмий-педагогик;

илмий-ижодий турлари, шунингдек, бакалаврият таълим йўналишига мос бошқа мутахассисликлари бўйича ҳам шуғулланиши мумкин.

16. Магистр касб фаолиятининг асосий соҳаларига қуйидагилар киради:

Илмий-тадқиқот муассасалари, лойиҳалаш ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш корхоналари;

давлат ва нодавлат олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари;

магистр академик даражасини талаб қиладиган бошқа турдаги фаолиятлар.

17. Бакалаврият таълим йўналишлари негизида мутахассисликлар бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган умумий талаблар Давлат таълим стандартларига мувофиқ белгиланади.

IV. Магистратура таълим дастури блоклари мазмунига қўйиладиган талаблар

18. Магистратурада ўқув жараёни тегишли таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича таянч олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилган, Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилган ҳамда Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими илмий-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашда муҳокама қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган мутахассисликлар бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари асосида ташкил этилади.

19. Магистратуранинг таълим дастурлари Давлат таълим стандартида кўзда тутилган қуйидаги фанлар блокларини ўз ичига олади:

- а) умумметодологик фанлар;
- б) мутахассислик фанлари;
- в) илмий фаолият (илмий тадқиқот, илмий-педагогик, илмий-техник ва илмий-ижодий ишлар).

20. Умумметодологик фанлар блокада:

миллий истиқлол ғояси ва гуманитар, техник ва табиий фанларнинг фалсафий масалалари бўйича билимлар берилиши; инсониятнинг глобал муаммолари, маънавий ҳаёт, шахс ва жамият эҳтиёжлари, таълимнинг инсонпарварлик руҳи, замонавий цивилизация ва унинг тараққиёт йўналишлари, ахборот тизимлари ва билимларни тақдим қилиш усуллари тўғрисидаги тасаввурлар шакллантирилиши;

илмий ва илмий-техник ахборот билан ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириши;

илмий ижодиёт методологияси, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, қонунлар ва қоидалар мантиғи, асослаш ва инкор қилиш йўлларига доир

билимлар, шунингдек, таълимда педагогик технологиялар, менежмент ва иқтисодиёт асослари ҳақидаги билимлар берилиши таъминланиши зарур.

21. Мутахассислик фанлари блокада:

муайян мутахассислик бўйича назарий ва амалий билимлар, ўқув ва кўникмалар, ўқитиладиган фанлар таркиби, уларнинг мазмун-моҳиятига қўйиладиган талабларни кадрлар буюртмачилари билан келишган ҳолда шакллантирилиши;

мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш, мустаҳкамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмалари ривожлантирилиши;

магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмалар таъминланиши керак.

22. Илмий фаолият блокада илмий тадқиқотлар методологиясини ўзлаштириш, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида муайян илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ишларни бажариш ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаш назарда тутилади.

23. Илмий-тадқиқот ишлари:

мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиш;

ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириш;

фан, техника, ижодиёт ва технологияларнинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллаш билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдиришга йўналтирилади.

24. Илмий-педагогик ишлар:

замонавий педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик маҳорат ва кўникмаларини шакллантириш;

Ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш малакаси ва кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади.

V. Ўқув жараёнини ташкил этиш

25. Магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этишга қуйидаги талаблар қўйилади:

илмий-тадқиқот мавзуларининг мутахассисликларга мос бўлиши;

давлат таълим стандартлари талаблари даражасида назарий таълим, лаборатория машғулоти, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда магистрлик диссертацияларини тайёрлаш учун зарурий ўқув-услубий ва моддий-техник базасининг мавжудлиги;

олий таълим муассасаси, буюртмачи ташкилотлар, академик ва илмий текшириш институтлари ҳамда илмий марказларда давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларига мувофиқ малака амалиётларини ўтказиш учун олий таълим муассасаси, факультет ва кафедралар билан корхоналар ўртасида тасдиқланган шартномаларнинг мавжудлиги;

магистрлар тайёрлаш жараёнига энг юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар шунингдек, давлат ва жамиятни модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ривожлантириш ва ахборотлаштириш шароитларида иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали амалиётчиларнинг жалб этилиши.

26. Магистратурада талабанинг шахсий иш режаси асосида таълим олишига илмий раҳбар масъул ҳисобланади.

27. Магистратура талабаси семестр давомида икки марта кафедра йиғилишида расмий ҳисобот беради. Талабалар ҳисоботини эшитиш жадвали кафедра мудири томонидан ишлаб чиқилади ва факультет декани (магистратура бўлими бошлиғи) томонидан тасдиқланади.

Кафедра мудири талабаларнинг фанларни ўзлаштириши, илмий ишлари ҳолати бўйича ҳар семестрда бир марта

факультет илмий кенгаши (магистратура бўлими)га ҳисобот беради.

Талаба илмий раҳбар иштирокида семестрлар якунида факультет илмий кенгаши (магистратура бўлими)га магистрлик диссертациясининг бажарилиш ҳолати, илмий, услубий мақолалар тайёрланиши, ўтказилган ижодий ишлар кўриги ҳақида ёзма ҳисобот тақдим этади.

28. Магистратурада барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соатга тенг бўлиши лозим. Кундузги ўқув шакли учун аудитория машғулоти ва илмий фаолиятнинг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланади. Ўқишнинг норматив муддати икки йил бўлган тақдирда ўқув жараёни 100 ҳафта давом этиши зарур.

Айрим соҳалар учун кадрлар тайёрлаш ва ўқитиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, магистратурада таҳсил олиш муддатларини (3 йил) инобатга олиб, ўқув даврининг умумий ҳажмини назарий таълим, аттестация, амалиёт, таътил ва илмий фаолият тақсимотига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

29. Талабанинг умумий ҳафталик юкламаси 54 соат бўлган ҳолда аудитория ўқув юклама соатлари ҳажми 18 – 20 соатдан ошмаслиги лозим. Қолган вақт талабаларнинг мустақил ишлари, илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва магистрлик диссертацияларини тайёрлашга ажратилади.

Қайд этилган ишлар кафедранинг доимий назорати остида ташкил этилади, календарь-тематик режалар ва қайд этиш журналлари юритилади.

30. Ўқув даври умумий ҳажмининг назарий таълим, амалий машғулоти, илмий фаолият, малакавий амалиёт, якуний давлат аттестацияси ва таътиллари бўйича тақсимоти мазкур Низомнинг иловасида келтирилган жадвал бўйича амалга оширилади.

31. Талабалар ўзлаштириши рейтинг тизимига асосан баҳоланади.

32. Ўқиш даврида талаба магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларида белгиланган якуний давлат аттестация синовларини топширади ҳамда магистрлик диссертациясини тайёрлайди.

Якуний давлат аттестацияси тегишли фанлар бўйича ўқув жараёни тугаган семестрда ёки таълим дастури якунида топширилади.

33. Талабаларнинг мустақил иши ўқув режасидаги муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, билимларни мустақил ўзлаштириш кўникмаларини шакллантириш, замонавий ахборот манбаларидан самарали фойдаланишга йўналтирилади.

34. Талабанинг мустақил иши ҳам барча ўқув фаолияти турларидек, рейтинг тизими асосида баҳоланади.

VI. Талабаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

35. Магистратура талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:
фан, техника ва маданиятнинг замонавий тараққиёти даражасига мос келувчи билимларни олиш;

олий таълим муассасасининг муҳим масалаларини муҳокама этиш ва ҳал қилишда бевосита иштирок этиш;

кутубхонадан, ахборот ресурслари, ўқув, илмий, тиббий ва бошқа турдаги хизматлардан олий таълим муассасасининг уставида белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

илмий-тадқиқот ишларида, конференция ва симпозиумларда иштирок этиш;

ўз ишларини наشرга тақдим қилиш;

олий таълим муассасаси маъмуриятининг қарорлари устидан шикоят қилиш;

талабалар учун белгиланган тартиб ва миқдордаги стипендия, шунингдек Давлат стипендиялари ҳамда ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар тайинлаган стипендияларни олиш.

36. Талабаларнинг мажбуриятлари:

олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллаш;

Ўқув режасида назарда тутилган топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажариш;

олий таълим муассасасининг Устави, ички тартиб қоидалари

ва талабалар турар жойлари қоидаларига риоя этиш.

VII. Амалиётлар

37. Илмий педагогик ва касбий амалиётлар олий таълим муассасаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, буюртмачи ташкилот ва муассасалар илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлари, лабораториялари ва бўлинмаларида назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилади.

Амалиётлар икки томонлама ёки бошқа келишувлар асосида ўтказилиши ҳам мумкин.

38. Илмий-тадқиқот амалиёти:

магистратура мутахассислиги бўйича намунавий моделлар, объект ва жараёнларни тадқиқ қилиш усуллари ўрганиш;

тажриба тадқиқотларининг илмий-техник таъминотини ўрганиш;

тажриба тадқиқотларини ўтказиш;

тажриба тадқиқотлари натижаларини қайта ишлаш, таҳлил қилиш, хулоса ва тавсиялар тузиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

39. Илмий-техника ва илмий-ижодий амалиёти:

ихтисослик мавзуси бўйича масалалар ҳолатини кўриш, таҳлил қилиш ва жамлашга доир тадқиқотларни ўтказиш;

ечилаётган мавзу бўйича илмий-ижодий, илмий-техник, техник-иқтисодий ва бошқа талабларни шакллантириш;

мавзу бўйича муқобил техник ечимларни кўриб чиқиш ва энг самаралигини танлаш;

самарали техник ва иждодий ечимнинг патент (муаллифлик)га лойиқлиги ва патент (муаллифлик) софлигини тадқиқ қилиш;

энг самарали муқобил ҳисоб, конструкторлик, технологик ва техник-иқтисодий, иждодий ечимларни ҳал этиш кўникмаларини шакллантиришни назарда тутати.

40. Илмий-педагогик амалиёт:

ихтисослик фанлари бўйича турли машғулотлар (маъруза, семинар, амалий иш, лаборатория иши ва бошқа илмий изланишлар)ни ўтказиш бўйича тажриба орттириш;

машғулотлар ўтказиш ва маърузалар матнларини тайёрлаш;

янги педагогик ва ахборот технологияларини ўрганиш ва қўллаш;

талабалар билимларини рейтинг баҳолаш тизимини ўрганиш ва амалда қўллаш;

талабалар мустақил билим олишининг ташкилий ва ўқув-услубий таъминотини ўрганиш ва амалда қўллаш;

услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

тарбиявий ишларни олиб бориш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

41. Касбий амалиёт:

тегишли соҳа илмий-амалий муаммоларини ва истиқбол ривожланишини тушуниш, илмий-техник ривожланиш замонида ўз соҳасининг ўрни ва аҳамияти, мутахассислигини бошқа соҳалар билан ҳамкорлигини назарда тутиш;

мутахассислиги бўйича тегишли меъёрлар ва расмий ҳужжатларни билиш ва уларга асосан ўз фаолиятини ташкил этиш;

назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш;

соҳа бўйича илм-фан ютуқларини билиш, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ва қўллаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

42. Талабалар амалиётини ўтказилишини назорат этиш учун олий таълим муассасасида амалиёт раҳбари тайинланади. Амалиёт раҳбари кафедра йиғилишида ҳар ҳафта амалиётнинг ўтиши ҳақида ҳисобот бериб боради. Амалиёт тугагандан сўнгра ҳар бир талаба амалиёт кундалиги ва амалиёт бўйича ҳисоботни белгиланган тартибда кафедрага топширади.

VIII. Магистрлик диссертацияси

43. Магистрлик диссертацияси (бундан кейин матнда диссертация иши деб юритилади) магистратурада таълим

олаётган талабанинг якунловчи иши ҳисобланади. Диссертация иши талабанинг ўқиш даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий тадқиқот ишларининг натижасидир.

44. Диссертация иши мавзулари талабаларга биринчи ўқув йилининг иккинчи семистри (иккинчи ярми) бошлангандан кейин икки ҳафта давомида тақдим этилади.

45. Диссертация иши мавзуси ишлаб чиқариш, таълим, иқтисодиёт, фан-техника, ижтимоий соҳалардаги илғор ва долзарб масалаларга бағишланиб, муайян бир вазифанинг илмий асосланган ечимини топишга, тавсиялар ишлаб чиқишга, статистик маълумотлар таҳлилига қаратилган бўлиши шарт.

46. Кафедра тақдимномасига мувофиқ диссертация иши мавзулари ва илмий раҳбарлар олий ўқув юрти магистратура бўлими тавсияси асосида ректорнинг буйруғи билан тасдиқланади.

47. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида талаба:

илмий (ёки илмий-техник, илмий-ижодий) изланишлар олиб бориши, касбий муаммоларни кўра олиши ва уларни ечишнинг умумий усуллари ва йўллари йўрганиши;

ўқув-тадқиқот давомида олинган ахборотларни матн ёки тасвирлар (чизма, расм) шаклида мужассамлантира олиши;

танланган мавзунинг долзарблигини асослаши;

соҳа бўйича ечилаётган илмий (ижодий) - техник масала ҳолатини таҳлил қилиши;

илмий-техник, техник-иқтисодий ва бошқа талабларни шакллантириши, қўйилган масалани ечиш услубларини кўриб чиқиши ва энг самаралигини аниқлаши;

энг самарали муқобил ечимни илмий, конструкторлик, технологик

ва техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб бериши;

энг самарали муқобил ечимнинг патентга лойиқлиги ва патент софлигини тадқиқ қилиши;

илмий-техник масала ечимининг натижалари бўйича хулосалар ва таклифларни шакллантириши ҳамда иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида қўллаш имкониятларини аниқлаши лозим.

48. Диссертация ишига раҳбарлик юқори малакали, фан доктори ёки фан номзоди илмий даражага эга бўлган кафедраларнинг профессор ва доцентлари, шунингдек, давлат ва жамиятни модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ривожлантириш ва ахборотлаштириш шароитларида иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари илмий марказлари олимлари, конструкторлик бюрolari ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори малакали амалиётчи мутахассислари томонидан амалга оширилади.

49. Бир ўқув йилида фан докторлари, профессорларга 5 тагача, фан номзодлари, доцентлар ва амалиётчи мутахассисларга 3 тагача магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилишга рухсат этилади.

50. Диссертация иши талабанинг ўқиган тилида (кафедра ёки магистратура бўлими тавсиясига мувофиқ хорижий тилларда ҳам) ёзилиши мумкин. Хорижий тилда бажарилган илмий ишга давлат тилида аннотация илова этилади ҳамда диссертация ҳимояси таржима билан ўтказилади.

51. Диссертация ишининг асл нусхаси ҳимоядан кейин олий таълим муассасасида сақланади.

IX. Магистр тайёрлаш сифатини назорат қилиш

52. Магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

ички назорат – олий таълим муассасаси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

яқуний давлат назорати – олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартларига

мувофиқ равишда ўқув фанлари бўйича давлат аттестацияси ва диссертация иши ҳимоясини ўз ичига олади;

давлат-жамоатчилик назорати – олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

ташқи назорат – Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади.

Х. Яқуний қоидалар

53. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

54. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Бадий академия, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат тест маркази билан келишилган.

Магистрлик дастурининг намунавий тузилмаси

Назарий таълим ва амалий машғулот, жумладан жорий, оралиқ ва якуний аттестациялар	38 ҳафта
Илмий фаолият, жумладан:	35 ҳафта
илмий тадқиқот иши	17 ҳафта
илмий-педагогик иш	8 ҳафта
магистрлик диссертацияси ишини тайёрлаш	10 ҳафта
Малакавий амалиёт	8 ҳафта
Якуний давлат аттестацияси	3 ҳафта
Таътиллار	16 ҳафта
Жами	100 ҳафта

Фанлар блоклари бўйича таълим дастурининг тузилмаси

№	Блоклар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юклама ҳажми, соатда
1.	Умумметодологик фанлар	756
2.	Мутахассислик фанлари	1296
3.	Илмий фаолият, жумладан:	1890
	илмий тадқиқот иши	918
	илмий-педагогик иш	432
	магистрлик диссертацияси ишини тайёрлаш	540
4.	Малакавий амалиёт	432
5.	Якуний давлат аттестацияси	162
	Жами	4536

**Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2005 йил 1
июлдаги 143-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университетининг икки йиллик махсус Олий
журналистика курслари тўғрисида
НИЗОМ**

Ўзбекистон Миллий университетининг икки йиллик махсус Олий журналистика курслари тўғрисида Низоми Ўзбекистон республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги ПҚ-92 рақамли "2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги Қарори, "Олий таълим ҳақидаги Низом" ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 9 июндаги 122-сонли буйруғига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Низом бошқа йўналишлар бўйича бакалавр даражасига (ёки олий маълумотли мутахассис дипломига) эга бўлган олий маълумотли, журналистика соҳасида ўз ижодий қобилиятини намоён қилган мутахассислар ичидан журналист кадрлар тайёрлаш тартибини белгилайди.

1. Умумий қоидалар

1. Икки йиллик махсус Олий журналистика курслари (кейинги ўринларда матнда Олий журналистика курслари деб юритилади) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (ЎЗМУ) қошида ташкил қилиниб фаолият кўрсатади.

2. Олий журналистика курсларида Журналистика мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланади.

3. Олий журналистика курсларида ўқитиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

4. Олий журналистика курслари битирувчиларига ўқиш якунида "Журналистика" мутахассилиги бўйича магистр даражаси ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги магистр дипломи берилади.

2. Қабул қилиш тартиби

5. Олий журналистика курсларига ножурналистик таълим йўналишлари бўйича олий маълумотга эга ва журналистика соҳасида ижодий қобилиятини намоён қилган бакалавр (олий маълумотли мутахассислар) таркибидан тингловчилар танлов асосида қабул қилинади.

Олий журналистика курсларига оммавий ахборот воситаларида фаол чиқишлар қилган ёки босма материалларга эга, лекин бошқа соҳада фаолият олиб бораётган ижодий ёшлар (бакалавр, олий маълумотли мутахассислар қаторидан) ҳам қабул қилиниши мумкин.

6. Олий журналистика курсларига қабул ЎзМУ ректори тавсиясига биноан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган Қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.

7. Олий журналистика курсларига кирувчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- а) ЎзМУ ректори номига ариза;
- б) олий маълумотни тасдиқловчи дипломнинг асл нусхаси ва унинг иловаси;
- в) меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- г) № 086 шаклдаги тиббий маълумотнома;
- д) 6 та 3Х4 ўлчамдаги фотосурат;
- ж) оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган чиқишларини тасдиқловчи ва босма материаллар;
- з) оммавий ахборот воситалари таҳририятларининг фикрномалари (ихтиёрий равишда тақдим этилади);

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 1 июлдан 30 июлгача.

8. Олий журналистика курсларига номзодларни ўқишга қабул қилиш қўйидаги синов натижалари асосида амалга оширилади:

1) ижодий синов (ёзма шаклда);

2) Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари бўйича (махсус тест синовлари);

3) Ижодий синов (оғзаки шаклда).

Синовларнинг ҳар бир тури бўйича баҳолаш мезони 0 баллдан 100 баллгача ташкил этилади.

Курсларга ўқишга кирувчининг энг кўп тўплаши мумкин бўлган (максимал) бали 300 ни ташкил этади.

9. Кириш синовларини ўтказиш шакли ва синов дастурлари ҳамда ўқишга кирувчиларнинг билимларини баҳолаш мезонлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, ЎЗМУ ректори томонидан тасдиқланади, ўқишга кирувчилар эътиборига етказилади.

10. Юқорида қайд этилган кириш синовларини ташкил этишда "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида Низом" талабларига риоя этилади.

11. Танлов синовларидан муваффақиятли ўтган даъвогарлар ректор буйруғи билан тингловчилар сафига қабул қилинади.

3. Таълимнинг мазмуни ва шакли

12. Таълим дастурининг мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари, ўқув юкларининг ҳажми, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш механизмлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарори билан тасдиқланган "Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар" билан белгиланади.

13. Олий журналистика курсларининг ўқув режаси лойиҳаси ЎЗМУ томонидан ишлаб чиқилади ва ўрнатилган тартибда тасдиқдан ўтказилади.

14. Буюртмага ёки тингловчининг бакалавр (мутахассис) дипломи йўналишига кўра Олий журналистика курслари ўқув режаси қуйидагича фаолият турларига йўналтирилган бўлиши мумкин:

- а) Иқтисодий соҳа журналистикаси;
- б) Қишлоқ хўжалиги журналистикаси;
- в) Маданият ва санъат журналистикаси ва ҳ.к.

Фаолият турларига йўналтириш Олий журналистика курслари ўқув режасининг мутахассислик фанлари блокада кўрсатилган танлов фанлари соатлари ҳисобидан амалга оширилади.

15. Олий журналистика курслари таълим жараёни кундузги шаклда ташкил этилади.

Ўқиш муддати 2 йил.

4. Олий журналистика курслари фаолиятини ташкил этиш

16. Олий журналистика курслари фаолияти Олий журналистика курслари раҳбари томонидан бошқарилади.

17. Олий журналистика курслари раҳбари ваколатлари факультет деканининг ваколатларига тенглаштирилади.

Олий журналистика курслари раҳбари альтернатив номзодлардан вазирлик билан келишилган ҳолда ЎзМУ ректори буйруғи билан тайинланади.

18. Олий журналистика курсларида олий таълим муассасалари деканатларида юритиладиган ҳужжатлар бўлиши лозим.

19. Олий журналистика курслари раҳбари:

а) курсларда ўқув, илмий, услубий, маънавий-маърифий ишларга бевосита раҳбарлик қилади;

б) курсларда ўқув машғулотларини ўқув режа ва дастурларга мувофиқ ташкил этади ва бажарилишини таъминлайди;

в) курсларда ўқув жараёни назоратини олиб боради;

г) машғулотлар жадвалларини тузади ва унинг бажарилишини назорат қилади;

д) ўқув жараёнини ташкил этиш, тингловчилар контингентини ҳаракатига тегишли буйруқларнинг лойиҳасини тайёрлайди;

е) тингловчиларнинг ўзлаштириши ва давоматини, мустақил ишларини назорат қилади;

ж) журналист кадрларга бюртмачи бўлган ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни ривожлантиради;

з) ЎЗМУ ректорига академик қарздор бўлган, университет ички-тартиб қоидаларини бузган тингловчиларга тегишли интизомий чоралар кўриш ҳақида таклиф киритади;

и) ўз ваколати доирасида, курсларнинг ходимлари, тингловчилари учун мажбурий бўлган фармойиш ва кўрсатмалар чиқаради.

20. Олий журналистика курсларининг фаолиятини самарали олиб бориш учун курс раҳбарининг ўринбосари ва ўқув жараёни диспетчери лавозимлари киритилади.

21. Тингловчилар билими магистратура талабалари учун ўрнатилган рейтинг тизими асосида баҳоланади.

22. Тингловчиларни курсдан курсга кўчириш фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичлари асосида амалга оширилади.

23. Ўқув режасида белгиланган барча талабларни бажарган тингловчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги "Журналистика" мутахассислиги бўйича магистр дипломи берилади.

24. Дарсдан ташқари тарбиявий ишлар тингловчилар билан бевосита мулоқотда, умумий йиғилишларда, шунингдек, дарс машғулотларида курс раҳбари, ўқитувчилар томонидан суҳбат ва бошқа шаклларда олиб борилади.

25. Олий журналистика курсларидаги таълим-тарбия жараёнининг умумий назорати дарс жадвалига биноан доимий равишда университет раҳбарияти томонидан амалга оширилади.

26. Олий журналистика курслари тингловчилари ЎЗМУнинг аудиториялари, лабораториялари, компьютер заллари, кутубхоналари ва бошқа ўқув-ёрдамчи хоналаридан фойдаланадилар.

27. Олий журналистика курсларининг фаолиятига тааллуқли асосий масалаларни кўриб чиқиш, журналист кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлашга кўмаклашиш, ўқув, услубий, илмий ишларни мувофиқлаштириш учун Олий журналистика курсларининг Ижодий кенгаши ташкил этилади. Ижодий Кенгаш таркибига Олий журналистика курсларида машғулотлар олиб борувчи профессор-ўқитувчилар, республиканинг таниқли журналистлари, шу соҳадаги олим ва мутахассислар киритилади.

5. Таълимга ҳақ тўлаш тартиби ва миқдори

28. Олий журналистика курсларида ўқиш учун ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 6 августда 795-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида Низом"га асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маъжмасынинг
қарори
13.10.2008 й. N 226

Ўзбекистон иқтидорли ёшларини
тақдирлаш ва моддий
рағбатлантириш тўғрисида

Қобилиятли ёшларни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, уларни фаол яратувчилик фаолиятига кенг жалб этиш, иқтидорли ўқувчиларни, талабалар ва аспирантларни қўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб тақдирлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшлар йили" давлат дастури тўғрисида" 2008 йил 29 февралдаги ПҚ-805-сон қарорида қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1993 йил 5 февралдаги ПФ-555-сон Фармонида мувофиқ Вазирлар Маъжмасы **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Номи давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Республика олимпиадалари, танловлари ва спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, касбухона колледжлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларини

тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджети параметрларида тасдиқланган низомларга мувофиқ иқтидорли ёшларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

3. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида иқтидорли ёшларнинг ўз маънавий, касбий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришдаги ютуқлари кенг ёритилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш.Мирзиёев

**Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 13 октябрдаги
226-сон қарорига
2-илова**

**Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси
Президентининг давлат стипендиялари ва
уларни тайинлаш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган давлат олий таълим муассасалари (бакалаврият ва магистратура бўйича алоҳида) талабаларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижаларига биноан тайинланади.

2. Талабаларга тайинлаш учун белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси квотаси (ўн битта) қуйидаги таълим йўналишларидан ҳар бири бўйича биттадан стипендия ҳисобидан бакалаврият ва магистратура учун алоҳида-алоҳида тақсимланади:

- қишлоқ ва сув хўжалиги;
- техника ва информатика;
- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот;
- ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар;
- табиий фанлар;
- бизнес ва бошқарув;
- педагогика;
- маданият, санъат ва спорт;
- хорижий тиллар;
- ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар;
- журналистика.

Ушбу рўйхатга Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар ўқув йили бошида, таълим йўналишларидаги устуворликларни ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги тавсиясига биноан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

3. Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш учун қуйидаги мезонларни бажариш белгиланади:

умумтаълим тайёргарлигини илмий-тадқиқот (ижодий ишлар) ишлари билан уйғунлаштириш;

йўналишлар бўйича конференция (танлов)ларда қатнашиш;

камида иккита эълон қилинган ишлар (асарлар)нинг мавжудлиги;

тилларни - давлат тилини ва битта хорижий чет тилини билиш (Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари давлат тилларидан ташқари), бакалавриятдаги таълим йўналиши ёки магистратурадаги мутахассислик хорижий тил бўлган тақдирда эса қўшимча равишда яна битта хорижий тилни билиш талаб қилинади;

Ўзбекистон тарихини билиш.

Тилларни, ахборот технологияларини, Ўзбекистон тарихини билиш бўйича талаб даражаларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига талабгорлар ушбу фанлар бўйича ўз билим даражасини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида (минтақалар бўйича) махсус тест синовлари топширадилар. Марказ якуний ведомостларни тест синовлари натижалари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига номзодлар кўрсатиш, талабгорлар номзодларининг ўқишдаги ва илмий (ижодий) фаолиятдаги муваффақиятлари оммавий равишда муҳокама қилингандан сўнг, давлат олий таълим муассасаларининг илмий кенгашлари томонидан амалга оширилади.

Талабгорлар дастлабки кўриб чиқиш учун илмий кенгашга қўйидагиларни топширадилар:

синов дафтарчасидан кўчирма;
деканат, кафедра тавсияномаси;
илмий (ижодий) иш аннотацияси;
раҳбарнинг фикр-мулоҳазалари;
илмий (ижодий) ишга тақриз;
илмий ишлар рўйхати ва уларнинг босма нусхалари.

Барча ҳужжатлар икки нусхада тақдим қилинади. Ҳужжатларнинг ҳар бир тўплами жилдга жойланади, ҳар бир жилд муқовасида ишни тақдим қилган муассасанинг номи, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ишнинг номи кўрсатилади.

5. Илмий кенгашлар яширин овоз бериш орқали, оддий кўпчилик овоз билан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияларини тайинлаш учун стипендиатлар номзодларини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Илмий кенгашлар қарорлари вазирликлар ва муассасаларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тавсиянома юбориши учун асос ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги стипендиялар тайинлаш ҳақидаги тавсияномаларни йилига бир марта кўриб чиқади. Ҳужжатларни қабул қилиш муддати – 1-15 август, кўриб чиқиш муддати – 10-25 сентябрь.

7. Давлат олий таълим муассасалари талабаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати қарори билан амалга оширилади.

Стипендиялар тайинланишидан аввал талабгорларнинг белгиланган мезонларга мувофиқ билим ва илмий (ижодий) тайёргарлик даражаси пухта экспертизадан ўтказилади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига талабгорлар орасидан танлаб олиш юкланадиган махсус танлов комиссияси тузади;

талабгорларнинг таълим ва илмий (ижодий) тайёргарлиги даражасини баҳолаш мақсадида ишларни кўриб чиқиш учун йўналишлар бўйича экспертлар гуруҳлари тузади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда ахборот технологиялари, Ўзбекистон тарихи, хорижий тиллар бўйича имтиҳон комиссияларини ташкил этади, тест топшириқларини ишлаб чиқади;

танлов комиссияси ва эксперт гуруҳларининг иш тартибини белгилайди;

танлов комиссияси мажлисларини ўтказиш муддатларини белгилайди.

8. Танлов комиссияси талабгорларнинг якуний танловини яширин овоз бериш йўли билан ўтказиши ҳамда талабгор ва унинг иши учун овоз беришда иштирок этган комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми овоз берганда талабалар номзодини Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш учун тавсия қилади.

Агар овоз беришдан сўнг талабгорлар сони белгиланган квотадан кўп бўлса, устунлик энг кўп овоз олган талабгорларга берилади.

Танлов комиссиясининг қарори Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хайъати тасдиқлагандан сўнг кучга киради.

Танлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари соҳиби бўлолмаган, лекин энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган танлов қатнашчиларини номли давлат стипендияларига тавсия қилиш ҳуқуқига эга.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хайъатининг қарори давлат олий таълим муассасаларининг талабаларга Ўзбекистон Республикаси

Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш ва тўлаш ҳақида буйруқ тайёрлаши учун асос бўлади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари талабаларга ҳар йили, бир ўқув йили учун, 1 сентябрдан бошлаб, белгиланган миқдорларга қатъий риоя қилинган ҳолда тайинланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига сазовор бўлган талабаларга "Президент стипендиясининг соҳиби" гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хайъати мажлисида тантанали равишда топширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари соҳиблари бўлган талабалар давлат олий таълим муассасасини битиргач, икки йил давомида грант асосида магистратурага (бакалавр-стипендиатлар) ва аспирантурага (магистр-стипендиатлар) кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Агар аспирантура ва магистратура мутахассислиги тўғри келмаса, у ҳолда кириш имтиҳонлари фақат аспирантура мутахассислиги бўйича топширилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари соҳиби бўлган талабалар ўқишни битиргандан сўнг, икки йил мобайнида магистратурада (бакалавр-стипендиатлар) ва аспирантурада (магистр-стипендиатлар) ўқишни давом эттириш мақсадида хорижга жўнатилиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

14. Кундалик дарсларни ўзлаштирайдиган, ўқув интизомини ва илмий одоб-ахлоқни бузган талабаларни ўқув йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларидан маҳрум қилиш тасарруфида талаба ўқиётган олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хайъати қарори билан амалга оширилиши мумкин.

15. Талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш бўйича ариза ва шикоятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами",
2008 йил, 42-сон, 422-модда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Хайъатининг 2007 йил 24 ноябрдаги
7/3-сонли қарорига илова

**Олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси
Давлат стипендиялари танловига номзодлар тайёрлаш
бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги "Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги 157-сонли қарори билан тасдиқланган "Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари ва бошқа Давлат стипендияларига номзодлар тайёрлашни тизимли шаклда амалга ошириш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияларига номзодлар тайёрлашга шахсан олий таълим муассасаси ректори ва илмий ишлар бўйича проректор масъул ҳисобланади.

1. Номзодлар танлаш

1.1. Номзодларни танлаб олиш олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан ташкил этилган махсус комиссия томонидан амалга оширилади.

1.2. Номзодлар танлаш талабаларни "Чет тили", "Информатика", "Ўзбекистон тарихи" фанларини билиш даражаси, одоб-ахлоқи, инсоний фазилатлари, ижтимоий фаоллигини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

2. Номзодларни тайёрлаш

2.1. Махсус комиссия томонидан танланган номзод-талабаларни махсус тайёрланган ва талаблар асосида

фанлардан билим даражаси, маънавий камолот даражаси, сиёсий-ижтимоий билим даражаси, дунёқараши аниқланади.

2.2. Номзодларга илмий раҳбарлар белгиланиб, талабанинг шахсий иш режаси тузилади ва олий таълим муассасаси (ёки факультет) илмий кенгашида тасдиқланади. Талабанинг маънавий-ахлоқий тарбияси, фанлардан чуқур билимолиш йўналишлари бўйича бажариладиган вазифалар аниқ ифода этилади.

2.3. Ҳар бир ногмзоднинг шахсий иш режаси асосида календарь иш режаси тузилади ва шу асосда олий таълим муассасаси бўйича номзодларни давлат стипендиялари танловига тайёрлаш бўйича жадваллар ишлаб чиқилади ва буйруқлаштирилади.

3. Ҳужжатлаштириш ва ҳисобот шакли

3.1. Номзодларга оид ҳужжатларни тайёрлаш ва вазирликка тақдим этиш вазифаси иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими (ёки масъул ходим) зиммасига юклатилади.

3.2. Номзодларни танловга тайёрлаш бўйича иш режаларининг бажарилиши ҳақида илмий раҳбар ҳар 3 ойда факультет илмий кенгашида, ҳар 6 ойда олий таълим муассасаси илмий кенгашида ҳисобот бериб боради.

3.3. Вазирликка номзодларни тайёрлаш бўйича ҳисобот 1-10 августда ҳужжатларни топшириш вақтида тақдим этилади.

3.4. Номзодларни тайёрлаш мониторинги иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими (ёки масъул ходим) томонидан амалга оширилади.

3.5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ва Давлат (Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий) стипендиялари танловининг биринчи босқичини олий таълим муассасаларида ўтказиш мақсадида ҳар йили май ойида ректор буйруғи билан махсус комиссия ташкил этилади.

Комиссия фаолияти олий таълим муассасаси ректори томонидан бошқарилиб, унинг таркибига:

- ўқув ва илмий ишлар бўйича проректорлар;
- "Тарих", "Чет тили" ва "Информатика" фанларидан профессор-ўқитувчилар;

- олий таълим муассасасида мавжуд таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрловчи кафедралар профессор-ўқитувчилари;

- Касаба қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва васий ташкилотлар вакиллари киритилиши мумкин.

Танловга деканлар томонидан бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчи курсга ўтаётган (номдор Давлат стипендияларига 3-4 курсга ўтаётган) талабаларнинг фанларни ўзлаштириши, илмий изланиши ва жамоат ишларида фаоллигидан келиб чиқиб,

Ҳар бир таълим йўналишлари бўйича камида учтадан номзодлар тавсия этилади. Махсус комиссия 1-15 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда номдор Давлат стипендиялари танловининг биринчи bosқичини ўтказди.

Бунда:

Номзодлар "Тарих", "Чет тили" ва "Информатика" фанларидан махсус синовдан ўтказиладилар.

Номзодларнинг илмий изланиш ишлари ўрганилади ва илмий мақолалари таҳлил қилинади. Танловда иштирок этувчи талабаларнинг шахсий ҳужжатлари (Илова 1) тайёрланади. Танлов якунида махсус комиссия номзодларнинг ҳар бири билан суҳбат ўтказди ва яширин овоз бериш йўли билан ғолибларни аниқлайди. Танлов натижалари олий таълим муассасаларининг Илмий Кенгашида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига ҳар бир йўналиш (Илова 2) бўйича одатда бир талабага танловнинг иккинчи bosқичида қатнашиш учун Илмий Кенгаш хулосаси берилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат (Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий) стипендиялари танловининг иккинчи bosқичига таълим йўналишлари (Илова 3) мувофиқлигидан келиб чиқиб, 3-4 курс талабаларидан номзодлар тавсия этилади.

3.6. Иккинчи босқичда иштирок этувчи номзодларнинг ҳужжатлари 1-10 августда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилади.

3.7. Олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясининг республика босқичида иштирок этувчи талабалар учун "Тарих", "Чет тили" ва "Информатика" фанларидан бир ойлик қўшимча машғулотлар ташкил этилади (август ойи тавсия этилади).

4. Молиявий таъминот

4.1. Номзодларни тайёрлашга, илмий раҳбарларни рағбатлантиришга оид сарф-харажатлар олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси ва Давлат стипендиялари номзодлари учун олий таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган ҳужжатлар рўйхати ва уларга қўйиладиган ТАЛАБЛАР

I. ҲУЖЖАТЛАР РҲЙХАТИ

- олий таълим муассасаси Илмий Кенгаши йиғилиши баённомасидан нухса;
- деканат ва кафедра тақдимномаси;
- рейтинг дафтарчаси нухсаси;
- биринчи босқичда "Тарих", "Чет тили" ва "Информатика" фанларидан эришилган синов натижалари қайдномаси;
- илмий ишлар рўйхати;
- илмий (ижодий) ишларнинг аннотацияси;
- илмий мақолалар нухсалари;
- талабанинг илмий изланиши тўғрисидаги кафедра ва илмий раҳбар хулосаси;
- паспорт нухсаси.

- ўқув ва илмий ишлар бўйича проректорлар;
- "Тарих", "Чет тили" ва "Информатика" фанларидан профессор-ўқитувчилар;

- олий таълим муассасасида мавжуд таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрловчи кафедралар профессор-ўқитувчилари;

- Касаба кўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва васий ташкилотлар вакиллари киритилиши мумкин.

Танловга деканлар томонидан бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчи курсга ўтаётган (номдор Давлат стипендияларига 3-4 курсга ўтаётган) талабаларнинг фанларни ўзлаштириши, илмий изланиши ва жамоат ишларида фаоллигидан келиб чиқиб,

Ҳар бир таълим йўналишлари бўйича камида учтадан номзодлар тавсия этилади. Махсус комиссия 1-15 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда номдор Давлат стипендиялари танловининг биринчи босқичини ўтказди.

Бунда:

Номзодлар "Тарих", "Чет тили" ва "Информатика" фанларидан махсус синовдан ўтказиладилар.

Номзодларнинг илмий изланиш ишлари ўрганилади ва илмий мақолалари таҳлил қилинади. Танловда иштирок этувчи талабаларнинг шахсий ҳужжатлари (Илова 1) тайёрланади. Танлов якунида махсус комиссия номзодларнинг ҳар бири билан суҳбат ўтказди ва яширин овоз бериш йўли билан ғолибларни аниқлайди. Танлов натижалари олий таълим муассасаларининг Илмий Кенгашида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига ҳар бир йўналиш (Илова 2) бўйича одатда бир талабага танловнинг иккинчи босқичида қатнашиш учун Илмий Кенгаш хулосаси берилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат (Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий) стипендиялари танловининг иккинчи босқичига таълим йўналишлари (Илова 3) мувофиқлигидан келиб чиқиб, 3-4 курс талабаларидан номзодлар тавсия этилади.

3.6. Иккинчи босқичда иштирок этувчи номзодларнинг ҳужжатлари 1-10 августда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилади.

3.7. Олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясининг республика босқичида иштирок этувчи талабалар учун "Тарих", "Чет тили" ва "Информатика" фанларидан бир ойлик қўшимча машғулотлар ташкил этилади (август ойи тавсия этилади).

4. Молиявий таъминот

4.1. Номзодларни тайёрлашга, илмий раҳбарларни рағбатлантиришга оид сарф-харажатлар олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси ва Давлат стипендиялари номзодлари учун олий таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган ҳужжатлар рўйхати ва уларга қўйиладиган ТАЛАБЛАР

I. ҲУЖЖАТЛАР РҮЙХАТИ

- олий таълим муассасаси Илмий Кенгаши йиғилиши баённомасидан нусха;
- деканат ва кафедра тақдимномаси;
- рейтинг дафтарчаси нухсаси;
- биринчи босқичда "Тарих", "Чет тили" ва "Информатика" фанларидан эришилган синов натижалари қайдномаси;
- илмий ишлар рўйхати;
- илмий (ижодий) ишларнинг аннотацияси;
- илмий мақолалар нусхалари;
- талабанинг илмий изланиши тўғрисидаги кафедра ва илмий раҳбар хулосаси;
- паспорт нухсаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси номзодлари учун юқорида қайд этилган ҳужжатлар билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

- талабанинг кириш тест синовларида тўплаган бали;
- талабанинг таржимаи ҳоли;
- номзоднинг 10X15 см ҳажмдаги рангли фотосурати.

Қайд этилган ҳужжатлар давлат тилида тайёрланади ва келтирилган кетма-кетликда ҳужжатлар жилдига тикилади. Жилднинг муқовасида олий таълим муассасаси ва давлат стипендиясининг номи, талабанинг исми-шарифи, таълим йўналиши, курси ва гуруҳи кўрсатилади.

II. ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

- Олий таълим муассасаси Илмий Кенгаши йиғилиши баённомасидан нусха.

Номзодларнинг таржимаи-ҳоли, ўқув ва илмий фаолияти Кенгашда очиқ муҳокама этилиб, ёпиқ овоз бериш шаклида (оддий кўпчилик овоз билан) аниқланади. Овоз бериш натижалари баённомадан кўчирмада қайд этилиши шарт. Илмий Кенгаш баёнидан олинган кўчирма Кенгаш раиси томонидан имзоланади ва муҳрланади.

- Деканат ва кафедра тақдимномаси.

Деканат ва кафедра тақдимномаларида талабанинг ўқиши ва илмий фаолияти, жамоатчилик ишларида иштироки баён этилади.

Тақдимнома факультет декани ва кафедра мудири томонидан имзоланади ва факультет муҳри билан тасдиқланади.

- Талабанинг ўзлаштириш дафтарчасидан кўчирма.

Талабанинг ўзлаштириш дафтарчасининг нусхаси олиниб унинг (нусханинг) ҳар бир варағи декан имзоси ва факультет муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

- "Тарих", "Чет тили" ва "Информатика" фанларидан синов натижалари.

Махсус комиссия томонидан фанлардан синовлар ўтказиш жадвали тузилади ва танлов иштирокчиларига камида 5 кун олдин маълум қилинади. Ҳар бир фандан синов ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Ҳар бир фанга консультация учун камида бир кун ва синов ўтказиш учун бир кун ажратилади.

Номзод давлат тили ва чет тили (чет тили йўналишида ўқиётганлар иккита чет тили)ни билиши шарт. Ҳар бир тил бўйича алоҳида синов ўтказилади ва алоҳида қайдномалар расмийлаштирилади. Чет тили таълим йўналишларида тахсил олаётган талабалар мутахассислик тилидан бошқа чет тилидан синовдан ўтказилдилар.

Фанлардан талабаларнинг билими 100 балли тизимда баҳоланади ва қуйидаги шаклда расмийлаштирилади:

СИНОВ НАТИЖАЛАРИ ГУВОҲНОМАСИ

Талабанинг ФИШ
 Таълим йўналиши гуруҳи

№	Фан номи	Синовда тўпланган балл	Имтиҳон ҳайъати аъзолари фамилияси, исми, шарифи, илмий унвони, илмий даражаси
1.	Тарих		
2.	Информатика ва информацион технологиялар		
3.	Чет тили (қайси тил)		

Гувоҳнома олий таълим муассасасида фанлардан ўтказилган синов қайдномасига асосан берилди.

Махсус комиссия раиси
 (имзо) (Фамилияси, исми, шарифи)

М.Ў.

- Илмий ишлар рўйхати.

Илмий ишлар рўйхати қуйидаги шаклда тақдим этилади:

№	Мақола номи	Ҳажми (босма табоқда)	Мақола чоп этилган журнал, газета, тўплам		Ҳаммуаллифлар
			Номи	Санаси ва рақами	
1	2	3	4	5	6

Рўйхат илмий ишлар бўйича проректор томонидан имзоланади ва олий таълим муассасаси муҳри билан тасдиқланади.

- Илмий (ижодий) ишларининг аннотацияси.

Аннотацияда илмий (ижодий) ишнинг мақсади, қўйилган вазифани ечиш йўллари ва усуллари кўрсатилади.

Аннотация муаллиф томонидан ёзилади, муаллиф ва илмий раҳбар томонидан имзоланади.

- Илмий мақолалари нусхалари.

Номзоднинг илмий мақолалари чоп этилган илмий журнал, газета ва тўпламларнинг асл нусхалари тақдим этилади. Журнал ёки тўплам катта ҳажмни ташкил этган тақдирда унинг муқоваси (Номи, санаси, сони кўрсатилган.) ва номзоднинг мақоласи нусхаси олиниб илмий ишлар бўйича проректор томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

- Талабанинг илмий изланиши тўғрисидаги кафедра ва илмий раҳбар хулосаси.

Хулосада илмий (ижодий) ишни номи, унда қўйилган масалаланинг актуаллиги, изланиш услубларига берилган баҳо, муҳим натижалари ва истиқболи кўрсатилади.

Хулоса илмий раҳбар томонидан ёзилади, кафедра мудирини ва илмий ишлар бўйича проректор томонидан имзоланади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси
танловига ҳужжатлар қабул қилинувчи йўналишлар
(мутахассисликлар)**

1.	Қишлоқ хўжалиги таълим йўналишлари
2.	Техника ва информатика таълим йўналишлари
3.	Тиббиёт, жумладан фармация ва жисмоний маданият таълим йўналишлари
4.	Ижтимоий-гуманитар таълим йўналишлари
5.	Физика-математика ва кимё-биология таълим йўналишлари
6.	Иқтисодиёт таълим йўналишлари
7.	Педагогика таълим йўналишлари
8.	Маданият ва санъат таълим йўналишлари
9.	Ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар таълим йўналишлари
10.	Журналистика таълим йўналишлари
11.	Чет тиллар таълим йўналишлари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
стипендияларининг таълим йўналишлари бўйича
тақсимланиши**

Беруний стипендияси	номли	Давлат	Техника таълим йўналишлари
Ибн Сино стипендияси	номли	Давлат	Тиббиёт таълим йўналишлари
Навоий стипендияси	номли	Давлат	Гуманитар таълим йўналишлари
Улуғбек стипендияси	номли	Давлат	Табиий таълим йўналишлари
Ал-Бухорий стипендияси	номли	Давлат	Диншунослик таълим йўналишлари

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2008 йил 18 апрелдаги 104-сонли буйруғига
1-илова

**«Энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик
диссертацияси» республика танлови тўғрисида
Низом**

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низомни қўллаш соҳалари.

Мазкур Низом «Энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси» танловини (кейинги матнда Танлов деб юритилади) ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

Танлов ташаббускори – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги матнда ОЎМТВ деб юритилади).

Танлов ташкилотчиси – Танлов ўтказиладиган олий таълим муассасаси.

1.2. Мазкур Низомда қўлланилган асосий тушунчалар.

Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича «Энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси» танлови – энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик диссертациясини аниқлайдиган, ҳар йили ўтказиладиган танловдир.

Танлов талабгорлари – танловда иштирок этиш учун ариза топширган олий таълим муассасасининг мутахассис чиқарувчи кафедраси томонидан тавсия этилган битирувчилари.

Ташкилий қўмита — танловни ташкил этиш масалалари билан шуғулланувчи шахслардан иборат бўлган гуруҳ.

Иштирокчилар — Ташкилий қўмита томонидан танловга қўйилганлар.

Экспертлар кенгаши — талабгорларнинг аризалари ва ишларини танлов Низомига мувофиқлигини кўриб чиқадиган мутахассислар гуруҳи.

Даъвогарлар – ариза ва ишлари Экспертлар кенгаши томонидан танловда иштирок этиш учун танлаб олинганлар.

Жюри — Экспертлар кенгаши томонидан танловда иштирок этиш учун танлаб олинган ишларини қиёсий баҳолашни амалга оширувчи мутахассислар гуруҳи.

Номинациялар - "Амалиётга энг самарали тадбиқ этилган битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси)", "Истеъдодли ёш ихтирочи", "Ноёб қобилият эгаси", "Оригинал лойиҳа муаллифи" ва "Бунёдкор ғоя ижодкори" каби номлар билан берилган танлов йўналишлари.

Мукофотлар — танлов ғолиблари ва совриндорларига бериладиган диплом ва совғалар.

Ҳомийлар — Танловда моддий, ахборот, ташкилий ва бошқа турдаги ёрдамни амалга оширувчи давлат ва жамоат ташкилотлари, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, хусусий шахслар.

1.3. Танловнинг ташкилий масалаларини мувофиқлаштириш.

Танлов ўтказишни мувофиқлаштириш Танлов ташкилий қўмитасига юкланади. Ташкилий қўмита танлов ўтказиладиган олий таълим муассасаси ва ҳомийлар томонидан шакллантирилади. Ташкилий қўмита Экспертлар кенгаши ва Жюри таркибини шакллантиради. Уларга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг институтлари, кадрлар буюртмачилари, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари, танлов ўтказиладиган олий таълим муассасаси, бакалавр ва магистрларни тайёрлаш таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича жалб қилинган мутахассис-экспертлар киради.

Танлов ташкилий қўмитаси раиси танлов ўтказиладиган олий таълим муассасаси ректори ҳисобланади.

Танлов ҳар бир таълим соҳаси бўйича алоҳида ўтказилади.

Мазкур низом танловда иштирок этишга даъвогар бўлган барча манфаатдор шахсларга танишиш учун тақдим этилади. Низом Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг сайтида очиқ эълон қилинади.

2. Мақсад ва вазифалари

Республика олий таълим муассасалари талабаларининг мувофиқ кадрлар тайёрлаш соҳасида касбий тайёргарлик даражаси тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ва таҳлил этиш мақсадида таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича битирувчи талабаларнинг энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик диссертациясини танлаб олиш;

етакчи вазирлик, идора, компания ва корхоналар учун ёш мутахассис кадрлар заҳирасини шакллантиришга ёрдамлашиш; олий таълим муассасалари талабаларини ўқитиш жараёнига амалий вазифаларни ечиш кўникмаларини пайдо қилишга қаратилган янги таълим технологиялари, усул ва услубларини жорий этишга кўмаклашиш;

олий таълим муассасалари, талаба ва иш берувчи-истеъмолчилар ўртасида уч томонлама муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш;

иқтидорли ва истеъдодли битирувчиларни аниқлаш, улар ижодий қобилиятларини келгуси тадқиқот, ишлаб чиқариш ва илмий фаолияти учун сафарбар этишга кўмаклашиш;

талабалар ижодий фаолиятини фаоллаштириш, кадрлар интеллектуал салоҳияти ва ўз касбининг устаси сифатида шакллантириш;

истеъдод ва билимни қўллаб қувватлаш;

кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш;

мутахассислар сифатига бўлган талабларни такомиллаштириш;

педагог ва илмий раҳбарларни шогирд етиштиришга рағбатлантириш;

фан, таълим ва ишлаб чиқариш бирлигини мустаҳкамлашга олий таълим муассасалари масъуллигини ошириш;

талабалар илмий жамиятлари ва илмий бирлашмаларини ривожлантириш.

3. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш муддатлари

3.1. Танлов мазкур Низом иловасида келтирилган муддатларда ташкил этилади ва республика олий таълим муассасалари битирувчилари ўртасида таълим соҳалари бўйича ҳар йили апрел-май ойларида ўтказилади.

3.2. Танловни ўтказиш учун танлов ўтказиладиган олий таълим муассасаси ректори ва ўқув ишлари бўйича проректори масъулдир.

3.3. Таълим соҳалари бўйича танлов ўтказиладиган олий таълим муассасалари рўйхати ҳар ўқув йилининг сентябрь ойида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

4. Ташкилий қўмита вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Ташкилий қўмита вазифалари:

Танлов ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

Танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

Танловни ўтказиш шартларини белгилаш (ўтказиш қоидалари, муддати, баҳолаш мезонлари, босқичлари ва ҳ.к);

эксперт кенгаши таркибини шакллантириш, тасдиқлаш ва унинг раисини тайинлаш;

жюри таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш, раисини тайинлаш;

ҳомийлар билан ишлашни мувофиқлаштириш;

Танловга тақдим этилган ишлар ва буюртмаларни тўплаш ва кўриб чиқиш;

ташкилий қўмита ва Танлов олдида турган вазифаларни бажаришга йўналтирилган бошқа ташкилий қарорлар қабул қилиш;

Танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросимини ташкил этиш ва ўтказиш.

4.2. Ташкилий қўмита ҳуқуқлари:

танлов талабларига жавоб бермаган ҳолларда даъвогарга рад жавоби бериш;

танловни ўтказиш қоидалари ва шартларини бузган иштирокчиларни четлаштириш;

эксперт кенгаши ва Жюри томонидан ваколатларини суистеъмол қилинганлиги маълум бўлган тақдирда Танлов натижаларини бекор қилиш;

эксперт кенгаши ва Жюри таркибига ўзгартиришлар киритиш;

танловга алоҳида мукофот ўринларини (номинация) киритиш.

4.3. Ташкилий қўмита мажбуриятлари:

даъвогарларнинг танловда иштирок этиш учун ариза ва ишларини қабул қилиш;

барча иштирокчилар учун бир хил шароит яратиш;

танлов очиқ, холис ва адолатли ўтказилишини таъминлаш;

натижалар тўғрисидаги маълумотларни белгиланган муддатда эълон қилиш.

4.4. Ташкилий қўмита қуйидагилар учун масъул:

мазкур Низомни, танловни тайёрлаш ва ўтказиш қоида ва шартларини бузмаслик;

танлов иштирокчиларининг муаллифлик ҳуқуқларига риоя қилиш.

4.5. Иштирокчилар қуйидагилар учун масъул:

буюртмада кўрсатилган ахборот аниқлиги тўғрисидаги талабларни бузмаслик;

мазкур низомда кўзда тутилган қоида ва шартларга риоя қилиш.

Келтирилган талаблар бузилган тақдирда иштирокчилар Танловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилинишлари мумкин. Бу ҳол тегишли баённома билан расмийлаштирилиб, иштирокчига факс ёки электрон почта орқали етказилади.

5. Иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Иштирокчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Танлов ўтказиш шартлари ва тартиби тўғрисида ахборот олиш;

ташкилий қўмитага мазкур Низом бандлари юзасидан мурожаат қилиш;

танловда иштирок этиш учун буюртма бериш;

буюртмаларни қабул қилиш тугашидан бир ой олдин Ташкилий қўмитага расмий билдириш орқали буюртмаларни қайтариб олиш;

танлов ғолиби ёки номинанти бўлган тақдирда мукофот ва тегишли диплом олиш.

5.2. Иштирокчиларнинг мажбуриятлари:
танлов ўтказилиш шартлари ва талаблар билан аввалдан танишиш;

Низом талабларига мувофиқ (2-илова) расмийлаштирилган буюртмани ўз вақтида тақдим этиш;

Низомда кўзда тутилган қоида ва шартларга риоя қилиш.

6. Танловни тайёрлаш ва ўтказиш босқичлари

6.1. Танлов икки босқичда ўтказилади. Танловнинг биринчи босқичи мазкур Низомга мувофиқ олий таълим муассасасида ўтказилади. Номинацияларнинг камида биттасидан Танловда ғолиб деб топилган ишлар танловнинг иккинчи босқичи ўтказиладиган олий таълим муассасаларига юборилади.

6.2. Танловни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилади:

тегишли йўналиш олий таълим муассасаларини Танлов ўтказиш ва танловга саралаш шартлари тўғрисида хабардор қилиш;

манфаатдор олий таълим муассасаларига танлов шартлари бўйича зарур услубий ҳужжатларни тақдим этиш;

интернет, оммавий ахборот воситалари ёрдамида кенг жамоатчиликни ўтказилаётган тадбир тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиб бориш;

Танловнинг асосий ва қўшимча тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган ишларни бажариш;

Танловга келаётган буюртма ва ишларни қабул қилиш;

буюртма ва ишларни Низом талабларига мувофиқлигини эксперт баҳолашни амалга ошириш;

Танловга қўйилган ишларни қиёсий баҳолаш;

Танлов натижаларини белгилаш.

7. Танловга қўйиладиган ишларга талаблар

7.1. Танлов очиқ равишда ўтказилади. Унга республика олий таълим муассасаларининг битирувчилари олий таълим муассасаси тегишли факультети ва кафедраси тавсияси асосида ректор хатига мувофиқ таклиф этилади.

7.2. Танлов ўтказилиши белгиланган ўқув йилидан олдин бажарилган ишлар танловда иштирок этиш учун қабул қилинмайди.

7.3. Танловга жўнатилган ишларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди. Эксперт кенгаши ва Жюри томонидан эксперт баҳолаш учун материаллардан ҳолис (талабанинг фамилияси, исми, шарифи ва олий таълим муассасасининг номи кўрсатилмаган ҳолда) фойдаланади.

7.4. Амалий йўналишга эга, амалиётга жорий этилган ва тегишли ижтимоий-иқтисодий самара берган ишларга устуворлик берилади.

7.5. Танлов материаллари тўлдирилган регистрация бюуртмаси билан қўшиб тақдим этилади (2-илова).

7.6. Танловга юборилаётган ишга (кейинги матнда Танлов иши деб юритилади) қўйиладиган талаблар:

Танлов ишида аниқ бир муаммонинг ечими юзасидан асоснома, ечиш шартлари ва йўллари келтирилиши шарт. Унда мавзунинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари узвий равишда кўрилиши керак. Танлаб олинган муаммо ечилишида ички яхлитлик ва мантиқий кетма-кетлик бўлиши лозим. Танлов иши ўз ичига қуйидагиларни олиши лозим:

титул варағи (битирув ва магистрлик ишлари учун қабул қилинган).

мундарижа (бўлимлар номи, қайси бетда эканлиги кўрсатилган равишда).

кириш (мавзу долзарблигининг асосномаси, муаммони, мақсад ва вазифа тавсифи, илмий талабларнинг бошқа рўкнлари).

асосий қисм (бўлимлар, ҳар бир бўлим параграфлардан иборат).

хулоса (ишни асосий бўлимлари, натижа ва тавсияларни умумлаштириш).

фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

иловалар (графиклар, жадваллар, расмлар, ҳужжатлар, ахборот материаллари).

Тегишли изоҳсиз ўқув ва илмий адабиётлар, шунингдек, Интернетдан кўчирилган материаллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

8. Энг яхши ишни танлаш учун баҳолаш мезонлари:

- мавзунинг долзарблиги;
- мавзунинг корхона (ташкilot) буюртмаси асосида ёзилганлиги (шартнома ёки буюртма нусхаси);
- илмий жиҳатдан янги эканлиги;
- илмий ва амалий аҳамияти;
- амалиётга тадбиқи (маълумотнома);
- тадқиқотнинг мақсади, вазифасини белгилашда аниқлик ва мантиқий асос мавжудлиги;
- энг янги ахборот манбаларидан фойдаланилганлик;
- ишнинг ҳаётийлиги;
- фикрлаш, баҳо бериш ва хулосаларнинг мустақиллиги;
- мавзу ва аниқ бошқарув вазифаларини ечишда амалий тавсиялар ва муаллиф қарашларининг оригиналлиги;
- материални баён қилиш услуби, тили (аниқлик, образлилик, лўндалик, лексикаси, грамматикаси);
- мавзу бўйича кўргазмали материаллар мавжудлиги ва сифати;
- ишнинг ташқи кўриниши (безак сифати, презентабеллиги).

9. Танлов ишларини баҳолаш усуллари

Энг яхши танлов ишларини саралаш икки босқичда ўтказилади:

Биринчи босқич. Эксперт кенгаши (ҳайъати) томонидан танловга тақдим этилган ишлар ва буюртмаларни кўриб чиқиш.

Эксперт кенгаши (ҳайъати)нинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Танловга тақдим этилган ишлар ва буюртмаларни Танловга топшириладиган ишларнинг даражаси ва мазмунига нисбатан қўйиладиган талабларга мувофиқлиги жиҳатидан кўриб чиқиш;

сараланган ишларни кўриб чиқиш учун Жюрига тақдим этиш.

Иккинчи босқич. Жюри аъзолари томонидан ишларни баҳолаш.

Танлов Журисининг вазифалари қуйидагилардан иборат: ишларни кўриб чиқиш; танлов ғолиблари ва мукофот эгаларини аниқлаш.

10. Танловни ўтказиш ва натижасини белгилаш муддатлари

10.1. Танловда иштирок этиш учун буюртмалар жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб юборилади. Кўриб чиқиш учун тавсия қилинган ишлар Ташкилий қўмигага 15 апрелдан кечикмасдан топширилиши лозим. Белгиланган муддатда топширилмаган ишлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Материаллар Ташкилий қўмигага буюртма хат орқали қоғоз ва электрон нусхаларда «----- (таълим соҳаси) энг яхши иш» танловига, деган белги билан юборилиши шарт.

10.2. Танлов ўтказилган таълим муассасасига Танлов ғолиби ва совриндорлари натижаларни эълон қилиш ва мукофотлаш тантаналарига иштирок этиши учун таклиф этилади.

10.3. Танлов ғолиблари ва совриндорларининг рўйхати олий таълим муассасалари нашрларида эълон қилинади. Энг яхши ва алоҳида қизиқиш уйғотган ишлар вазирлик сайтида ва республика нашрларида 3-иловага мувофиқ эълон қилинади.

10.4. Танлов ғолиби (совриндори) бўла олмаган иштирокчилар ҳам мукофотлаш тантаналарида томошабин сифатида иштирок этишлари мумкин.

10.5. Ғолибларни мукофотлаш ва натижаларни эълон қилиш Танлов ташкилий қўмитаси томонидан (30 майга қадар) амалга оширилади.

11. Мукофотлаш тартиби

11.1. Биринчи босқич бўйича Танлов ғолиби (ҳар бир номинация бўйича бир нафари) энг кам стипендиянинг 2 баробари миқдоридagi маблағ билан мукофотланади.

11.2. Иккинчи босқич бўйича ҳар бир номинация бўйича Танлов ғолиблари ва совриндорларга куйидаги мукофотлар берилади:

биринчи ўринга - Танлов ғолиби, 1-даражали диплом, энг кам стипендиянинг 5 баробари миқдоридаги маблағ;

иккинчи ўринга - Танлов совриндори, 2-даражали диплом, энг кам стипендиянинг 4 баробари миқдоридаги маблағ;

учинчи ўринларга- Танлов совриндори, 3-даражали диплом, энг кам стипендиянинг 3 баробари миқдоридаги маблағ.

Танлов ташкилотчилари ва ҳомийлари томонидан бериладиган қимматбаҳо ва рағбатлантирувчи совғалар.

11.3. Ғолиб ва совриндор бўлган талабаларнинг битирув малакавий иши (магистрлик диссертацияси) илмий раҳбарлари улар ишлаётган олий таълим муассасаси томонидан бир ойлик маоши миқдорида рағбатлантирилади.

11.4. Ғолиб ва совриндор бўлган талабаларнинг илмий раҳбари бўлган педагогнинг ўқув йили натижалари бўйича рейтингига максимал баллнинг (1540 балл) 10 фоизи қўшилади.

**«Энг яхши битирув малакавий иши
ва магистрлик диссертацияси» республика
танлови тўғрисида Низомига 1-илова**

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш муддатлари

№	Тадбирлар мазмуни	Муддати	Ижрочилар	Эслатма
1.	Таълим соҳалари бўйича танлов ўтказиладиган олий таълим муассасаларини аниқлаш	Ҳар ўқув йили сентябрь ойида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	
2.	Танлов ташкилий қўмитаси таркибини шакллантириш	Ҳар йили 1 ноябргача доимий	Танлов ўтказиладиган олий таълим муассаса	ОўМТВ билан келишилган ҳолда
3.	Танлов ташкилий қўмитаси Эксперт кенгаши ва Жюрисини шакллантириш	Ноябрь доимий	Танлов Ташкилий қўмитаси	ОўМТВ билан келишилган ҳолда
4.	Таълим соҳалари бўйича номинациялар рўйхатини аниқлаш ва эълон қилиш	Декабрь Доимий	Танлов Ташкилий қўмитаси	ОўМТВ билан келишилган ҳолда
5.	Танловнинг биринчи босқичини ўтказиш ва ғолиб топилган ишларни танлов ўтказиладиган олий таълим муассасаларига юбориш	Март	Олий таълим муассасалари ректорлари	Ҳар бир <u>таълим соҳаси</u> бўйича биттадан ишни Танловга топшириш лозим.
6.	Танловга келаётган ишларни қабул қилиш	1 март-15 апрел	Танлов Ташкилий қўмитаси	Буюртмалар ўрнатилган шаклларда танлов

				Ўтказиладиган олий таълим муассаса манзилгоҳига юборилади
7.	Танловга тақдим этилган ишларни Танловга топшириладиган ишларнинг даражаси ва мазмунига нисбатан қўйиладиган талабларга мувофиқлигини мазкур низомга мувофиқ эксперт баҳолашни амалга ошириш. Саралаб олинган ишларни Жюри кўриб чиқиши учун тақдим этиш.	15-20 апрел	Эксперт кенгаши	
8.	Ишларни кўриб чиқиш. Танлов Ғолиби ва совриндорларини аниқлаш.	20-25 апрел	Танлов Жюрис	
9.	Танлов натижаларини эълон қилиш	25 апрел – 1 майгача	Ташкилий қўмита	
10.	Танлов совриндорларини мукофотлаш	Май	Ташкилий қўмита, ҳомийлар	Вақти ОЎМТВ билан келишилади
11.	Танлов натижаларини ОЎМТВ га тақдим этиш	Май	Ташкилий қўмита	

**«Энг яхши битирув малакавий иши
ва магистрлик диссертацияси» республика
танлови тўғрисида Низомига 2-илова**

(ОТМнинг тўлиқ номи)

**«Энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик
диссертацияси» республика танловига иштирок этиш
учун
БУЮРТМА**

т/р	Талабанинг фамилияси, исми, шарифи (тўлиқ)	Таълим йўналиши (мутахассислик) шифри ва номи	Мутахассис чиқарувчи кафедра номи	Малакавий битирув иши (магистрлик диссертацияси) номи	Малакавий битирув иши (магистрлик диссертацияси) бўйича илмий раҳбар Ф.И.Ш. ва илмий даража (унвони)
1					
2					

Олий таълим муассасаси масъул вакилининг Ф.И.Ш., электрон манзили ва телефонлари

Ректор _____

**«Энг яхши битирув малакавий иши
ва магистрлик диссертацияси» республика
танлови тўғрисида Низомига 3-илова**

**«Энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик
диссертацияси» республика танлови
НАТИЖАЛАРИ**

т/ р	ОТМни нг тўлиқ номи	Талабани нг фамилия си, исми, шарифи (тўлиқ)	Малакавий битирув иши (магистрлик диссертация си) номи	Таълим йўналиши (мутахассис лик) шифри ва номи	Малакавий битирув иши (магистрлик диссертация си) бўйича илмий раҳбар Ф.И.Ш. ва илмий даража (унвони)	Танлов комиссия си хулосаси

**Олий ва ўрта махсус
таълим
вазирлигининг 2008 йил
30 майдаги 159-сон
буйруғига 4-илова**

**Магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва
расмийлаштиришнинг намунавий
тартиби**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2008 йил 30 майдаги 159-сонли буйруғи
билан тасдиқланган**

Магистрлик диссертациясини тайёрлаш намунавий тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2007 йил 29 декабр 269-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Магистратура тўғрисидаги»ги Низомга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг бандларини тўлдирувчи ва изоҳловчи ҳужжат ҳисобланади.

1. Магистрлик диссертацияси (бундан кейин матнда – диссертация иши) магистратурада таълим олаётган талабанинг ўқиш даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси ҳисобланади.

2. Диссертация иши мавзуси ишлаб чиқариш, таълим, иқтисодиёт, фан-техника, ижтимоий соҳаларнинг долзарб масалаларга бағишланиши, муайян бир вазифанинг илмий асосланган ечимини топишга, тавсиялар ишлаб чиқишга, статистик маълумотлар таҳлилига қаратилган бўлиши шарт.

Тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар томонидан бажариладиган диссертация ишлари мавзулари буюртмачи ташкилотлар томонидан таклиф этилиши мақсадга мувофиқ.

Диссертация иши мавзулари мутахассислик кафедралари йиғилишларида муҳокамадан ўтказилади.

3. Диссертация иши мавзулари ва илмий раҳбарлар кафедра тақдимномасига мувофиқ “Магистратура бўлими” тавсияси асосида биринчи ўқув йилининг иккинчи семестри бошлангунича ректор буйруғи билан тасдиқланади.

4. Тасдиқланган диссертация иши мавзулари талабаларга биринчи ўқув йилининг иккинчи семестри (иккинчи ярми) бошлангандан кейин икки ҳафта давомида тақдим этилади.

5. Диссертация иши мавзулари тақдим этилганидан кейин бир ҳафта муддатда илмий раҳбар билан биргаликда талаба (магистрант)нинг ўрнатилган шаклдаги “Шахсий иш режаси” ишлаб чиқилади ва ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади.

6. Магистрлик диссертацияси таркиби:
титул варағи (илова 1);

мундарижа;

кириш;

асосий қисм (2-3 бобдан иборат);

хулоса;

фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

7. Мундарижада кириш, боб ва параграфлар номлари, улар жойлашган саҳифа бетлари кўрсатилади.

8. Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, диссертация ишининг мақсад ва вазифалари, амалий аҳамияти, илмий янгилиги, тадқиқот объекти, предмети ҳамда диссертациянинг тузилиши (ҳажми, расмлар ва жадваллар, фойдаланилган адабиётлар сони) ёритилади.

9. Диссертация ишининг асосий қисмида мавзу бўйича шу кунгача амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар, янгиликлар, ихтиролар, меъёрий кўрсаткичлар таҳлил қилинади ҳамда уларга таянган ҳолда илгари сурилаётган ғоя ва фикрлар илмий жиҳатдан асосланиб тегишли ечимлар, таклифлар тавсия этилади.

10. Диссертация ишининг хулоса қисмида тадқиқот натижасида чиқарилган хулосалар ва аниқ таклифлар, шу жумладан, диссертация ишини бажариш даврида магистрантнинг шахсан эришган натижалари ҳам мужассамлаштирилади. Қисқа хулоса ва таклифлар диссертация ишининг айрим боблари якунида ҳам берилади.

11. Диссертация ишини бажариш жараёнида фойдаланилган ва ўрганиб чиқилган адабиётлар, шу жумладан хорижий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, нашр қилинган илмий мақолалар, олинган патентлар рўйхати ва Internet маълумотлари матнда ишлатилиш кетма-кетлигида берилади.

12. Иловалар қисмида диссертация ишининг айрим қисмлари учун зарур бўлган кўргазмали чизма, схема, жадвал ва расмлар келтирилади.

13. Диссертация иши талаба ўқиган тилда, кафедра тавсиясига мувофиқ хорижий тилларда ҳам ёзилиши мумкин. Хорижий тилда бажарилган ишга давлат (ёки рус) тилида аннотация илова этилади ҳамда диссертация ҳимояси хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси иштирокида таржима билан ўтказилади.

14. Диссертация ишининг ҳажми 60-80 варақ матндан (иловалардан ташқари) иборат бўлиб, А4 (21X29) формат қоғозга компьютерда 1,5 интервалда, 14 шрифтда ёзилган бўлиши шарт. Матннинг чап томони 30 мм, юқори томони 2,5 мм, ўнг томони 1,5 мм ва қуйи томонида 2,5 мм бўш майдон бўлиши керак.

15. Диссертация ҳимояси учун зарур бўлган кўргазмали чизмалар мувофиқ стандартлар (шартли белгилар, шрифт, масштаб ва ҳ.к.) талаблари асосида А1 формат қоғозда (5-6 тагача) бажарилиши ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда экранда намойиш этилиши мумкин. Архитектура, техника, муайян санъат мутахассисликлари бўйича чизмаларга талаблар тегишли Илмий-ўқувий бирлашмалар томонидан ишлаб чиқилади.

16. Тайёр бўлган диссертация иши илмий раҳбарнинг имзоси ва тақризи билан кафедра мудирига тақдим этилади. Кафедра муҳокамасидан ўтган ва маъқулланган диссертация ишига кафедранинг қарори билан битта оппонент тайинланади. Оппонент сифатида соҳа мутахассислари, илмий муассасалар ходимлари, бошқа турдош олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари тайинланиши мумкин.

17. Магистратура бўлимининг бошлиғи диссертация ишини илмий раҳбар ва оппонент тақризлари билан ҳимоя қилиш учун Давлат аттестация комиссиясига йўллайди.

Диссертация иши ҳимоядан кейин 10 кун давомида магистратура бўлимига топширилади ва ўқув юртида 10 йилгача сақланади.

(вазирлик)

(олий таълим муассасасининг номи)

қўлёзма ҳуқуқида

УДК

(магистрантнинг фамилияси, исми, шарифи)

(магистрлик диссертациясининг мавзуси)

(мутахассислик шифри, номи)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:

Тошкент – 2008

**Олий ва ўрта махсус таълим
вазирининг 2009 йил 22 майдаги
160-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари
битирувчиларининг якуний давлат
аттестацияси тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари ва Олий таълимнинг Давлат таълим стандартига мувофиқ олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув жараёни жадвалига мувофиқ ўтказилади.

2. Якуний давлат аттестацияси олий таълим муассасасидаги ҳар бир таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича ташкил этиладиган якуний давлат аттестация комиссиялари томонидан амалга оширилади.

3. Якуний давлат аттестацияси комиссияларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

битирувчининг билим, малака ва кўникма даражасининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ келишини комплекс баҳолаш;

якуний давлат аттестацияси натижалари бўйича битирувчиларга бакалавр (магистр) академик даражасини бериш масаласини ҳал қилиш;

комиссия фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида олий маълумотли кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

4. Якуний давлат аттестацияси комиссиялари ўз фаолиятларини мазкур Низом ҳамда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва таълим мазмунига қўйилган Давлат таълим стандартлари талабларини бажаришга йўналтирилган бошқа ҳужжатларга таянган ҳолда олиб бордилар.

II. Якуний давлат аттестацияси синовлари

5. Якуний давлат аттестацияси қуйидаги кўринишдаги бир ёки бир неча аттестация синовларидан иборат:

айрим фан бўйича аттестация синови;

таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича фанлараро якуний аттестация синови;

битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимояси.

6. Айрим фан бўйича якуний давлат аттестацияси синови мазкур фаннинг мувофиқ давлат таълим стандартида белгиланган зарурий мазмундан келиб чиққан ҳолда ўқув дастурида назарда тутилган материалларни талаба томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак.

7. Таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича фанлараро якуний аттестация синови айрим фанлар мазмунига қўйиладиган талаблар билан бир қаторда, талаба тайёргарлигининг мазкур йўналиш (мутахассислик) бўйича давлат таълим стандартида битирувчига нисбатан назарда тутилган умумий талабларга ҳам жавоб бера олиш даражасини аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак.

8. Якуний давлат аттестациясига албатта битирув малакавий ишнинг (магистрлик диссертацияси) ҳимояси киритилади. Айрим йўналишлар учун бу тартибга истисно киритиш фақат Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ҳал этилади.

Якуний давлат аттестацияси синовлари ўқув жараёни жадвалида кўрсатилган муддатларда ўтказилади.

9. Таянч олий таълим муассасалари томонидан, турдош йўналишлар бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари етакчи профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда, якуний давлат аттестацияси синовларининг дастурлари ва битирув малакавий ишни (магистрлик диссертациясини) баҳолаш тартиблари ишлаб чиқилади ва таянч олий таълим муассасаси Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда тегишли олий таълим муассасаларига белгиланган тартибда етказилади.

III. Якуний давлат аттестацияси комиссиялари таркиби

10. Якуний давлат аттестацияси комиссиялари раислигига номзодлар олий таълим муассасалари томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

11. Якуний давлат аттестацияси комиссияси раислари олий таълим муассасасининг идоровий мансублигидан қатъий назар, ушбу таълим муассасасида ишламаётган олимлар, ишлаб чиқаришнинг етакчи мутахассисларидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан бир йил (календарь йил) муддатга тасдиқланади.

Бир киши кетма-кет бир олий таълим муассасасида тегишли йўналиш (мутахассислик) бўйича икки мартадан ортиқ якуний давлат аттестацияси комиссиясининг раиси бўлиши мумкин эмас.

12. Олий таълим муассасасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган раислар раҳбарлигида таълим муассасаси ректори буйруғи билан айрим фанлар бўйича якуний аттестация синовлари, таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича фанлараро якуний аттестацияси синовлари ва битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимоясини ўтказиш бўйича якуний давлат аттестацияси комиссиялари таркиби шакллантирилади.

13. Якуний давлат аттестацияси комиссиялари таркиби мутахассис тайёрловчи олий таълим муассасасининг илмий-педагогик кадрлари (аттестация комиссияси умумий таркибининг 50 фоизгача), шунингдек мазкур соҳа

кадрларининг истеъмолчилари бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг юқори малакали мутахассислари, турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги тегишли соҳа олимларидан иборат бўлади.

14. Якуний давлат аттестация комиссиялари таркиби камида 5 нафар профессор-ўқитувчи ва мутахассислардан шакллантирилади. Якуний давлат аттестациясида васийлик кенгаши, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва ота-оналар вакиллари жамоатчилик асосида кузатувчи сифатида қатнашиши мумкин.

15. Якуний аттестация синовлари бўйича якуний давлат аттестацияси комиссияларининг таркиби олий таълим муассасаси ректори томонидан битирув семестри бошланишидан бир ой олдин тасдиқланади.

Зарурият бўлганда аттестация синовларининг бири бўйича бир нечта якуний давлат аттестация комиссиялари тузилиши мумкин.

Якуний давлат аттестацияси жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Олий таълим муассасаларининг давлат аттестациясидан ўтмаган йўналиш ва мутахассисликлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси Давлат тест маркази вакиллари иштирокида ўтказилади.

IV. Якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби

16. Якуний давлат аттестацияси синовлари бошланишидан олдин якуний давлат аттестацияси комиссияси раислари билан олий таълим муассасаси ректори шахсан якуний давлат аттестацияси комиссияларининг тайёргарлик даражаси, комиссия раислари ва аъзоларининг вазифалари, битирувчиларга қўйилаётган талаблар, тартиб-интизом тўғрисида семинар-кенгаш ўтказади.

17. Якуний давлат аттестацияси синовлари ёзма ёки оғзаки усулда ташкил этилади ва ушбу тартиб олий таълим муассасаси Илмий кенгаши қарори асосида таълим муассасаси ректори

томонидан белгиланади ҳамда якуний давлат аттестацияси бошланишидан олти ой илгари талабалар эътиборига етказилади. Талабалар дастурлар билан таъминланадилар, уларга тайёргарлик кўриш ва маслаҳатлар бериш учун зарур шароитлар яратилади.

18. Таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича фанлараро якуний аттестация синовларига ва битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимоясига тегишли таълим дастурларини тўлиқ тугатган ва ўқув режасида назарда тутилган барча синовлардан муваффақиятли ўтган талабалар қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчилари тегишли таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштиргандан кейин якуний давлат аттестациясидан ўтишлари мажбурийдир.

19. Якуний давлат аттестацияси синовлари ва битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимояси якуний давлат аттестацияси комиссияларининг очиқ мажлисларида, аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган ҳолда ўтказилади.

Якуний давлат аттестациясига киритилган барча турдаги аттестация синовлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимига мувофиқ аниқланади ҳамда якуний давлат аттестацияси комиссиясининг мажлис баёни белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг шу куннинг ўзида эълон қилинади.

20. Якуний давлат аттестация комиссияси битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси синовлари натижалари асосида уларга таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича бакалавр (магистр) даражаси бериш ҳақида қарор қабул қилади.

Якуний давлат аттестация комиссияларининг қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан, мажлисда иштирок этувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

21. Олий таълим муассасаси битирувчиси Якуний давлат аттестацияси таркибига киритилган аттестация синовларининг барча турларини муваффақиятли ўтгандан сўнг унга мувофиқ даража ва олий маълумот тўғрисида диплом берилади.

22. Ўқув дастурларини ўзлаштиришда катта ютуқларга эришган ва ўқув режасидаги барча фанларнинг камида $\frac{3}{4}$ қисми бўйича 86 балл ва ундан юқори ўзлаштириш кўрсаткичларига эришган, (бошқа фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 71 баллдан кам бўлмаган), шунингдек, якуний давлат аттестацияси синовларининг ҳар бири бўйича камида 86 балл ўзлаштириш кўрсаткичларига эга бўлган бакалаврият битирувчисига "имтиёзли" диплом берилади.

23. Якуний давлат аттестацияси синовларидан (ёки аттестация синовлари турларидан бири бўйича) ўтолмаган талаби уч йил ичида якуний давлат аттестациясига (ўтолмаган аттестация синовларининг ҳар бир тури бўйича бир марта) қайтадан киритилади.

Муддатли ҳарбий хизматда бўлиш ва 3 ёшга тўлмаган бола парвариши бўйича таътил, кўрсатилган 3 йиллик муддатга кирмайди.

Якуний давлат аттестацияси синовидан иккинчи марта ҳам ўта олмаган талабалар масаласи уларнинг аризасига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан кўриб чиқилади.

24. Якуний давлат аттестацияси синовларидан (ёки аттестация синовлари турларидан бири бўйича) қайта ўта олмаган талабага академик маълумотнома берилади ва у ўрнатилган тартибда, тўлов-контрак асосида тегишли курсга ўқиш учун қайта тикланиши мумкин.

25. Айрим фан (ёки фанлараро синовлар) бўйича якуний давлат аттестацияси синовидаги қониқарсиз кўрсаткич (55 баллдан кам) талабани бошқа фанлар (ёки фанлараро синовлар) бўйича аттестация синовларидан ўтиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

26. Узрли сабаб билан якуний давлат аттестацияси синовларига келмаган талабалар ректорнинг буйруғи билан

якуний давлат аттестацияси комиссиясининг иши якунланишига қадар бошқа муддатларда ўтказиладиган Якуний давлат аттестацияси синовларига киритилиши мумкин.

27. Якуний давлат аттестацияси синовларида олган баҳосига эътироз билдирган битирувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун ректор буйруғи билан апелляция комиссияси тузилади.

28. Якуний давлат аттестацияси жараёнида кўйилган баҳодан норози бўлган битирувчилар якуний давлат аттестацияси баҳолари эълон қилинган кундан эътиборан уч кун муддат ичида апелляция комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

29. Апелляция комиссияси ўз хулосасини битирувчига бир кун муддат ичида маълум қилиши лозим.

30. Якуний давлат аттестацияси комиссиясининг иши бўйича йиллик ҳисобот олий таълим муассасаси Илмий кенгашида кўриб чиқилади. Мазкур Илмий кенгашга якуний давлат аттестацияси комиссиялари раислари таклиф қилинади.

31. Якуний давлат аттестацияси комиссиясининг ҳисоботи якуний аттестация синовлари тугагандан сўнг бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган тегишли вазирлик, идораларга тақдим этилади.

V. Якуний қоидалар

32. Мазкур Низомда белгиланган қоидалар бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

33. Ушбу Низом Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК, Давлат солиқ қўмитаси, Бадий академия, Навоий кон-металлургия комбинати, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

**Олий таълим муассасаларида талабалар билимини
назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими
тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 26 августда 1981-1-сон билан рўйхатдан қайта ўтказилган.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997й., 9-сон, 225-модда) ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997й., 11-12-модда, 295-модда) қонунларига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда) мувофиқ олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини тартибга солади.

I. Умумий қоидалар

1. Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

2. Рейтинг тизимининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

а) талабаларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш;

б) талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: Давлат таълим

стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

в) фанларнинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш;

г) талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

д) талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида маълум қилиш;

е) талабаларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

ё) ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шакллантиришга шароит яратиш.

3. Фанлар бўйича талабалар билимини баҳолаб бориш рейтинг назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

II. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби

4. Назорат турлари, уни ўтказиш тартиби ва мезонлари кафедра мудири тавсияси билан олий таълим муассасасининг (факультет) ўқув-услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.

5. Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

6. Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

жорий назорат – талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда,

семинар, лаборатория ва амалий машғулотларида оғзаки сўров, тест ўтказиш, сўхбат, назорат иши, коллоквиум, ўй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Оралиқ назорат – семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назоратнинг сони (бир семестрда икки мартадан кўп ўтказилмаслиги лозим) ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

Якуний назорат – семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ёзма иш” (тиббиёт олий таълим муассасалари учун “Ёзма иш” ёки ОТКС (объектив тизимлаштирилган клиник синов)) шаклида ўтказилади.

Таълим йўналиши ва мутахассисликлари айрим фанларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда факультет Илмий кенгаши қарори асосида кўпи билан 40 % фанлардан якуний назоратлар бошқа шаклларда (оғзаки, тест ва ҳоказо) ўтказилиши мумкин.

7. Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудирини томонидан тузилган комиссия иштирокида доимий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилинади ҳамда оралиқ назорат қайта ўтказилади.

8. Олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ҳамда якуний назорат қайта ўтказилади.

9. Ўқув йили тугагандан кейин рейтинг назорати натижаларига кўра талабаларни кейинги курсга ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинади.

III. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

10. Талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

11. Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади.

Ушбу 100 балл назорат турлари куйидагича тақсимланади:
якуний назоратга – 30 балл;

жорий ва оралиқ назоратларга - 70 балл (фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 70 балл кафедра томонидан жорий ва оралиқ назоратларга тақсимланади).

12. Талабанинг рейтинг дафтарчасига алоҳида қайд қилинадиган курс иши (лойиҳаси, ҳисоб-график ишлари), малакавий амалиёт, фан (фанлараро) бўйича якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ва магистратура талабаларининг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлари, магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш даражаси – 100 баллик тизимда баҳоланади.

13. Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда қуйидаги мезонлар (кейинги ўринларда намунавий мезонлар деб юритилади) тавсия этилади:

а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- хулоса ва қарор қабул қилиш;
- ижодий фикрлай олиш;
- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

б) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

мустақил мушоҳада юрита олиш;
олган билимларини амалда қўллаш олиш;
моҳиятини тушуниш;
билиш, айтиб бериш;
тасаввурга эга бўлиш.

в) 56-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

моҳиятини тушуниш;
билиш, айтиб бериш;
тасаввурга эга бўлиш.

г) қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-54 балл билан баҳоланиши мумкин:

аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;
билмаслик.

14. Намунавий мезонлар асосида муайян фандан жорий ва оралиқ назоратлар бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилиб, кафедра мудирини томонидан тасдиқланади ва талабаларга эълон қилинади.

15. Намунавий мезонларга мувофиқ мутахассислик фанлар бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан якуний назорат учун баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиб, олий таълим муассасаси Илмий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланади ва турдош олий таълим муассасаларига етказилади.

16. Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

17. Талабанинг фан бўйича бир семестрдаги рейтингни қуйидагича аниқланади:

$$R_f = \frac{V \cdot O}{100}$$

бу ерда:

V – семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юклар маси (соатларда);

О' – фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

18. Фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратларга ажратилган умумий балнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талабалар якуний назоратга киритилмайди.

Жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича 55 ва ундан юқори балл тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

19. Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

IV. Назорат турларини ўтказиш муддати

20. Оралиқ ва якуний назорат турлари календарь тематик режасига мувофиқ деканат томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. Якуний назорат семестрнинг охириги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

21. Талаба фан бўйича курс лойиҳаси (иши)ни ушбу фан бўйича тўплаган баллари умумлаштирилишига қадар топшириши шарт.

22. Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий, оралиқ ва якуний назоратларни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга руҳсат берилади.

23. Талабанинг семестрда жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича тўплаган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 55 фоизидан кам бўлса ёки семестр якунида жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари бўйича тўплаган баллари

ийгиндиси 55 балдан кам бўлса, у академик қарздор ҳисобланади.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида семестр якунида фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ҳар бири бўйича саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба, факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

24. Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

25. Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

V. Рейтинг натижаларини қайд қилиш ва таҳлил этиш тартиби

26. Талабанинг фан бўйича назорат турларида тўплаган баллари семестр якунида рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчасининг "Ўқув режасида ажратилган соат" устунига семестр учун фанга ажратилган умумий ўқув юклама соатлари, "Фандан олинган баҳо" устунига эса 100 баллик тизимдаги ўзлаштириши қўйилади.

Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасида қайд этилмайди.

27. Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган назорат турларининг натижалари гуруҳ журнали ҳамда қайдномада қайд этилади ва шу куннинг ўзида (назорат тури ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, 2 (икки) кун муддат ичида) талабалар эътиборига етказилади.

28. Яқуний назорат натижаларига кўра фан ўқитувчиси талабаларнинг фан бўйича рейтингини аниқлайди ҳамда рейтинг дафтарча ва қайдноманинг тегишли қисмини тўлдиради.

29. Талабанинг рейтингини унинг билими, кўникмаси ва малакалари даражасини белгилайди. Талабанинг семестр (курс) бўйича умумий рейтингини барча фанлардан тўпланган рейтинг баллари йиғиндиси орқали аниқланади.

30. Талабалар умумий рейтингини ҳар бир семестр ва ўқув йили якунлангандан сўнг эълон қилинади.

31. Диплом иловаси ёки академик маълумотномани деканат томонидан расмийлаштиришда фан бир неча семестр давом этган бўлса, рейтинглар йиғиндиси олинади.

Талабага имтиёзли диплом белгилашда унинг ҳар бир семестр якунидаги фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи ҳисобга олинади.

32. Талабаларнинг назорат турлари бўйича эришган натижалари кафедра, деканатлар ва ўқув-методик бўлинмаларда компьютер хотирасига киритилиб, мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади.

33. Жорий, оралиқ ва яқуний назорат натижалари кафедра йиғилишлари, факультет ва олий таълим муассасаси Илмий кенгашларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

VI. Яқуний қоидалар

34. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тест баҳолари ва рейтинг

балларининг холислигини текширишни ташкил этади ва назорат қилади.

35. Ушбу Низомда белгиланган масалалар бўйича келиб чиққан низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

36. Ушбу Низомда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси, Давлат солиқ қўмитаси ва Навоий кон-металлургия комбинати билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги, Олий
ва ўрта махсус таълим
вазирлиги, Халқ таълими
вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш
вазирлиги томонидан 2005 йил
7 июлда 58, 154-1, 19,
02/2658-сон билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги,
Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги, Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлиги, Бадий
академия, "Ўзбекистон темир
йўллари" ДАК, Ўзбекистон
алоқа ва ахборотлаштириш
агентлиги, Ўзбекистон қасаба
уюшмалари Федерацияси
билан
2005 йил 4 июлда
КЕЛИШИЛГАН

**Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли
тайёрлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,
2005 йил, 32-33-сон, 258-модда)

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2005 йил 2 июндаги ПҚ-92-сон "2005/2006 ўқув йилида
Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул
тўғрисида"ги қарорининг 6-бандига мувофиқ, олий таълим
муассасаларида давлат грантлари асосида мақсадли
тайёрланган кадрларни камида уч йил ишлаб бериш шarti
билан, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга ишга
тақсимлаш қоидалари ва тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Барча таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари
асосида таҳсил олган олий таълим муассасалари бакалавр ва
магистрлари (кейинги ўринларда битирувчилар деб юритилади)
2005/2006 ўқув йилидан бошлаб мажбурий тартибда камида уч
йил ишлаб бериш шarti билан таълим муассасаларига, корхона
ва ташкилотларга (кейинги ўринларда матнда иш берувчи деб
юритилади) ишга тақсимланади.

2. Олий таълим муассасаларини давлат грантлари асосида бакалавриятни тамомлаган битирувчилар магистратурага тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган тақдирда, камида уч йил ишлаб бериш мажбурияти магистратурани яқунлагандан сўнг ушбу Низом талаблари асосида амалга оширилади.

3. Агар битирувчи олий таълим муассасалари бакалаврияти ва магистратурасида давлат грантлари асосида ўқиган тақдирда, унинг ишлаб бериш мажбурияти камида уч йил деб ҳисобланади.

4. Олий таълим муассасаларини бакалавр тўлов-контракт асосида бакалавриятни тамомлаган битирувчилар магистратурага давлат грантлари асосида ўқишга қабул қилинган тақдирда камида уч йил ишлаб бериш мажбурияти магистратурани яқунлагандан сўнг ушбу Низом талаблари асосида амалга оширилади.

5. Битирувчиларни эгаллаган таълим йўналиши ва касбий тайёргарлигига кўра тақсимлашни мувофиқлаштириш учун тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик, идоралар қошида махсус комиссиялар тузилади.

II. Битирувчиларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва буюртмаларни шакллантириш

6. Иш берувчи кадрларга бўлган эҳтиёжни, мавжуд бўш иш жойлари ҳақидаги маълумотларни ҳар йили 1 апрелга қадар аниқлайдилар ҳамда махсус комиссияга иш жойи кўрсатилган ҳолда, кафолатланган талабнома (буюртма)ни тақдим этадилар.

7. Ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик, идоралар олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёж ҳамда уларга бўлган буюртмаларни йўналишлар бўйича умумлаштириб, олий таълим муассасалари битирувчилари тақсимоти кўрсаткичларини шакллантиради.

8. Махсус комиссия томонидан буюртмалар асосида шакллантирилган тақсимот кўрсаткичлари тегишли олий таълим муассасаларига юборилади.

III. Битирувчиларни ишга тақсимлаш тартиби

9. Олий таълим муассасаларида битирувчиларини ишга тақсимлаш улар олий таълим муассасасини битиришдан камида 1 ой олдин ўтказилади.

10. Битирувчиларининг тақсимоти олий таълим муассасаси ректори тасдиқлаган олий таълим муассасасининг тақсимот комиссияси (кейинги ўринларда матнда тақсимот комиссияси деб юритилади) томонидан ўтказилади. Тақсимот комиссияси таркибига: олий таълим муассасаси ректори – комиссия раиси, факультет декани, кафедра мудирлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар, иш берувчилар вакиллари аъзо қилиб юритилади.

11. Олий таълим муассасаси битирувчиларини ишга тақсимланиш жараёнидан олдин битирувчилардан қаерда ишлашни хоҳлаши тўғрисида сўров-анкеталари тўлдириб олинади.

12. Олий таълим муассасаси тақсимот комиссияси:

а) битирувчиларни олий таълим муассасасида эгаллаган таълим йўналишлари ва малакасига, кадрларга бўлган буюртмага асосан ҳамда уларнинг рейтинги, оилавий шароити, доимий яшаш жойи ва таклиф этилаётган иш жойларида ишлаш истагини ҳисобга олган ҳолда ишга тақсимлайди;

б) ҳар бир битирувчини таклиф қилинаётган иш жойи, меҳнат ва маиший шароитлар, лавозими, иш ҳақи миқдори тўғрисидаги ва бошқа зарур маълумотлар билан таништиради;

в) мажлис баённомаси ва битирувчилар шахсий тақсимоти қайдномасини юритади (1-илова).

13. Юқори рейтинг тўплаган битирувчилар биринчилар қаторида мавжуд бўлган иш жойларига ўзларининг ихтиёри билан жойлашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

14. Олий таълим муассасаларида ўз ҳисобидан тўлов-контракт бўйича таълим олган битирувчилар ўз ихтиёри билан тақсимот комиссиясида иштирок этиши ва унинг розилиги асосида комиссия қарори билан таклиф этилаётган иш жойларига ишга юборилиши мумкин.

15. Агар тақсимот комиссияси битирувчини иш билан таъминлай олмаса, унга мустақил ишга жойлашиш имконияти берилганлиги тўғрисида маълумотнома (2-илова) тақдим этади.

16. Тақсимот комиссияси ишни тугатгандан сўнг битирувчиларни уларнинг саломатлиги, оилавий шароити ўзгариши асосида қайта тақсимлаш масаласи олий таълим муассасаларининг тақсимот комиссиялари томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

17. Олий таълим муассасаси тақсимот комиссияси иши тугагандан сўнг бир ҳафтадан, бироқ битирувчи ўқишни тугатган кундан сўнг уч кундан кечиктирмай, ишга юборилаётган ҳар бир битирувчига қуйидаги ҳужжатларни беради:

олий маълумот тўғрисидаги дипломдан кўчирма;
ишга юборилганлик тўғрисидаги йўлланма (3-илова);

тақсимот комиссияси қароридан ва тақсимот рўйхатидан кўчирма.

Мустақил ишга жойлашиш имконияти берилган битирувчиларга мазкур бандда назарда тутилган муддатларда мустақил ишга жойлашиш имконияти берилганлиги тўғрисида маълумотнома ва олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг асл нусхаси берилади.

Олий таълим муассасаси ректори мазкур бандда кўрсатилган ҳужжатларни битирувчига ўз вақтида берилишига шахсан жавобгардир. Битирувчига белгиланган нусхадаги йўлланма ўрнига бошқа ҳужжатлар берилишига рухсат этилмайди.

18. Битирувчи мазкур Нозом талаблари асосида тақсимот бўйича уч йил ишлаб бергандан кейин унга олий таълим муассасаси томонидан бир ҳафта муддатда меҳнат дафтарчасига мувофиқ дипломнинг асл нусхаси берилади.

IV. Тақсимот асосида юборилган битирувчиларни ишга қабул қилиш ва уларнинг меҳнати

19. Битирувчилар ўқишни тамомлагандан сўнг кўпи билан уч ойгача бўлган муддатда иш жойига етиб келишлари ва иш бошлашлари лозим.

20. Иш берувчи иш жойига етиб келган битирувчи томонидан тақдим этилган йўлланмани тасдиқлайди ва ўн кун муддат ичида йўлланмани тегишли олий таълим муассасасига юборади.

21. Иш берувчи олий таълим муассасаси битирувчилари билан ўрнатилган тартибда ишга юборилганлик тўғрисидаги йўлланмага мувофиқ меҳнат шартномаси тузади.

Танлов асосида ишга қабул қилинадиган лавозимларга битирувчилар йўлланма асосида танловсиз қабул қилинади.

22. Битирувчи томонидан мажбурий ишлаб берилиши лозим бўлган уч йиллик муддатга қуйидаги муддатлар ҳам киради:

таълим муассасаси, корхона ёки ташкилотда турли лавозимларда ишлаган муддат;

таълим муассасаси, корхона ёки ташкилот мансуб бўлган тизимдаги (вазирлик, идора ёки бошқа хўжалик бошқаруви органи) бошқа таълим муассасаларда, корхона ва ташкилотларда иш берувчининг розилигига кўра ишлаган муддат;

меҳнат таътилида, шу жумладан ижтимоий таътиллarda бўлган муддат;

муддатли ҳарбий хизмат ёки сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат ўталган муддат.

23. Битирувчи уч йил мажбурий ишлагандан сўнг шу иш берувчида ишни давом эттириш масаласи иш берувчи ва ходимнинг ўзаро келишувига мувофиқ меҳнат қонунчилиги асосида ҳал этилади.

V. Битирувчиларга бериладиган имтиёзлар

24. Ишга тақсимланган битирувчи таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга ишга жойлашгач, иш берувчи унга меҳнат қилиши учун шарт-шароитларни яратади. Уй-жой билан таъминлаш чораларини кўради.

25. Иш берувчи ёш мутахассисларнинг меҳнатини раҳбатлантириш ва уларнинг лавозимларини ошириш чораларини кўради, уларга илмий иш билан шуғулланиш учун имконият яратади.

26. Олий таълим муассасаларини тугатган ва ишга юборилган битирувчи тақсимот комиссияси қароридан норози бўлган тақдирда олий таълим муассасаси бўйсунадиган тегишли вазирлик ёки идорага ёхуд судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

VI. Яқуний қондалар

27. 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб, ҳар ўқув йилининг бошида, яъни сентябрь ойида, олий таълим муассасаларига бакалаврият ва магистратура бўйича давлат грантлари асосида қабул қилинган талабалар билан олий таълим муассасаси ректори ўртасида ўқишни тамомлагандан сўнг таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда камида уч йил ишлаб бериш тўғрисида шартнома тузилиши лозим.

Битирувчи ўзрсиз сабабларга кўра тақсимланган жойда ишлашни хоҳламаса, унга нисбатан амалдаги қонунчилик асосида чоралар кўрилади.

28. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.

**МАГИСТРЛИК
ДИССЕРТАЦИЯСИ
(МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА)**

Сўз боши

Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонунида узлуксиз таълим тизими магистратурасининг мақоми қуйидагича белгиланган:

"Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

"Магистр" даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интихосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади".

Шу сабабдан магистрлар тайёрлаш ҳуқуқи юқори малакали мутахассисларга ва замонавий илмий-тадқиқот лабораторияларига эга бўлган, белгиланган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган олий таълим муассасаларигагина берилади. Магистратура бўйича Низомга мувофиқ магистратура таълимининг ниҳоясида давлат аттестация синовлари ўтказилади ва магистрлик диссертацияси ҳимоя қилинади. Шу маънода магистрлик диссертациясига мавзу тузиш, танлаш, диссертацияни ёзиш, ҳимоя қилиш ва уларни ўрнатилган тартибда расмийлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Амалиётда муайян олий таълим муассасасининг магистратурасига ўқишга кирган магистрант икки йил давомида таҳсил олиб, магистр даражасини олиш учун диссертация ёзади. Магистрлик диссертациясида фаннинг тегишли соҳасига оид аҳамиятга молик масала янгича ҳал қилинади ёки янги масала ечимини олиш учун олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилади. Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаб – унда муаллифнинг назарий муаммони ечиши ёки амалий масалани ҳал этилишини таъминловчи илмий жиҳатдан асосланган техникавий, иқтисодий ёки технологик тавсиялари ўз ифодасини топиши лозим.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, магистрлик диссертацияларини ёзишда, жумладан илмий ва амалий натижаларни асослашда, диссертация қисмларини мантиқан

узвийликда жойлаштиришда, матн ичига формула, расм ва жадвалларни жойлаштиришда, илмий адабиётларни расмийлаштиришда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Мазкур қўлланма, шу каби камчиликларни бартараф этиш жараёнида ёрдамчи восита яратиш мақсадида тузиб чиқилди. Унда магистрлик диссертацияси мавзулари лойиҳасини тайёрлаш, мавзу танлаш, уни расмийлаштириш, диссертация мавзуси юзасидан материаллар йиғиш, тўпланган материаллар асосида илмий мақола ёзиш, конференцияларга маърузалар тайёрлаш, диссертациянинг тузилиши, ҳажмига нисбатан қўйиладиган талаблар, уларни расмийлаштириш шакли, илмий раҳбар ва тақризчининг тайинланиши, ҳимоя қилиш ҳақидаги маълумотлар берилган.

Қўлланма магистрантлар, уларнинг илмий раҳбарларига мўлжалланган. У Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган "Магистратура тўғрисида низом", Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 30 майдаги 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва расмийлаштиришнинг намунавий тартиби", Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 22 майдаги 160-сонли буйруғи асосида ишлаб чиқилган. Шунингдек қўлланмани тузишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг "Диссертация ва авторефератларни расмийлаштириш қоидалари"дан (Тошкент, 2007), У.Н.Мусаев, А.Р.Файзиевлар томонидан тузилган "Магистрлик диссертацияси" (Тошкент, 2003) методик қўлланмадан, М.Мухитдинов, А.Потаповларнинг "Подготовка и защита диссертации" (Ташкент, 2005) қўлланмасидан, У.Мирзаев, Д.Толипов, В.Топилдиев, Ҳ.Далиевлар томонидан тузилган "Малакавий битирув иши ва магистрлик диссертацияларини ёзиш ва расмийлаштириш бўйича йўриқнома"дан (Университет, 2008) ижодий фойдаланилди.

Қўлланмани қайта ишлаш жараёнида унга айрим ўзгартиришлар киритилиб, хусусан "Магистрлик диссертациясига ёзиладиган раҳбарнинг хулосаси ва тақризчининг тақризи", "Магистрлик диссертациясини

баҳолаш”, “Энг яхши магистрлик диссертацияси ғолибларини аниқлаш ва уларни республика танловига тавсия этиш”, “Магистрлик диссертацияси ғолиблари ва уларнинг раҳбарларини тақдирлаш” билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Магистрлик диссертацияси мавзуларини тузиш

1. Диссертация мавзулари ишлаб чиқариш, таълим, иқтисодиёт, фаннинг илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб масалаларига бағишланган, шунингдек республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларига мос, соҳа ва буюртмачи вазирлик, ташкилот, корхоналар муаммоларининг ечимига қаратилган бўлиши лозим. Уни ёзиш жараёнида муайян бир масаланинг илмий асосланган ечими топилади, тавсиялар ишлаб чиқилади, заруратига кўра олинган статистик маълумотлар таҳлил қилинади.

2. **Диссертация мавзулари кафедраларнинг етакчи профессор ва доцентлари, шунингдек буюртмачи ташкилотлар томонидан** магистрантларнинг умумий контингентидан келиб чиққан ҳолда уч йилга мўлжаллаб **тузилади.** Масалан, кафедрада битта магистратура мутахассислиги бўлиб, унда 8 нафар магистрант таълим олади. Ушбу бир йилда таълим оладиган магистрантлар сонини, яъни 8 ни учга кўпайтирсак уч йилда таҳсил оладиганлар сони 24 тани ташкил этиши маълум бўлади. Энди уларнинг ҳар бирига камида учта мавзу ичидан биттасини танлаш имкониятини яратиш лозим. Шундан келиб чиқиб, 24 нафар магистрант сонини яна 3 га кўпайтирамиз, 72 бўлади. Демак, 8 нафар магистранти бўлган кафедрада камида 72 та мавзулар лойиҳаси тузиб чиқилади ва у кафедра мажлисида муҳокама қилиниб факультет деканига топширилади.

3. Диссертация мавзуларини тузишда 1-курсга ўқишга кирган магистрантлар билан уларнинг **битирув малакавий ишлари мавзуси** юзасидан суҳбатлашиб, бажарган ишларининг **долзарблиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларни яна давом эттириш мумкинлиги аниқланган тақдирда** ўша мавзулар ҳам мавзулар лойиҳасига киритилади.

Лекин улар **магистрлик диссертацияси мавзулари сифатида чуқурлаштириб қайта шакллантирилиши лозим.** Бундай мавзулар устида иш олиб бораётган иқтидорли магистрантлар фаолияти кафедра мудирини ва илмий раҳбарнинг алоҳида эътиборида бўлиши, улар билан интенсив равишда шуғулланиб бориш тавсия этилади.

4. Шартнома асосида таълим олаётган магистрантлар томонидан бажариладиган диссертация ишлари мавзулари буюртмачи ташкилотлар томонидан ташкилотнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда таклиф этилиши мумкин.

5. **Диссертациянинг мавзуси аниқ ва қисқа бўлиши, шунингдек, ҳар бир мутахассисликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тузилиши талаб этилади.**

6. Диссертация мавзулари ҳар йили янгиланиб, тўлдириб борилади.

Магистрлик диссертацияси мавзуларини расмийлаштириш

7. Факультет декани кафедралардан йиғиб олинган барча мутахассисликлар кесимидаги мавзуларни умумлаштириб Магистратура бўлимига топширади. Магистратура бўлими факультетлар ва мутахассисликлар кесимидаги мавзуларни тасдиқлаш учун университет Илмий-методик кенгашига тавсия этади.

8. Университет Илмий-методик кенгаши тавсия этилган диссертация мавзулари лойиҳаларига киритилган мавзуларнинг долзарблигини, такрорланишлардан ҳоли эканлигини ва, энг муҳими, магистрантлар муайян муаммони икки йил ичида ҳал эта олишлари каби масалаларни таҳлил қилиш учун турдош олий таълим муассасалари ёки Фанлар академиясининг тармоқ илмий текшириш институтларига тақризга юборади, экспертлар гуруҳи тузади. Улардан олинган фикрлар асосида диссертация мавзулари лойиҳаларига ўзгартиришлар киритади ва ўз мажлисларидан бирида муҳокама қилиб мавзуларни тасдиқлайди.

9. Магистратура бўлими тасдиқланган мавзуларни умумлаштириб, уч йилга мўлжалланган мавзулар банкини тузиб чиқади, уларни нашрга тайёрлайди, электрон вариантларини яратади. Китоб ҳолида ёки электрон вариантда яратилган мавзулар банки факультетларга ва ЎзМУ таянч бўлган олий таълим муассасаларига тарқатилади.

10. Диссертация мавзуларини магистрантларга тавсия этишда илмий раҳбарлик қилиши мумкин бўлган кафедра аъзоларининг ёки бошқа олий таълим муассасаси ҳамда Фанлар академиясининг тармоқ илмий текшириш институтлари етакчи олимларининг сонини ҳисобга олган ҳолда университет Илмий-методик кенгаши тасдиқлаган мавзулар банкидан танланиб диссертация мавзулари рўйхатини **биринчи семестрда** шакллантириш ва кафедра эълонлар тахтасига 1-иловадаги шаклда осиб қўйиш тавсия этилади.

11. **Магистратура талабалари** мутахассислик бўйича тавсия этилган мавзулар рўйхатидан **диссертация мавзуларини ўзлари танлайдилар.** Магистрант диссертацияси мавзусини танлаганидан кейин кафедрада унга раҳбарлик қиладиганлар (илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар) аниқланиб, унинг рўйхати факультет деканига топширилади. Декан факультет бўйича мутахассисликлар кесимидаги мавзулар ва илмий раҳбарлар рўйхатини умумлаштириб, 2-иловадаги шакл асосида тўлдирди ва Магистратура бўлимига топширади.

12. Диссертация мавзулари ва илмий раҳбарлари биринчи ўқув йилининг иккинчи семестри бошлангунча Магистратура бўлими тавсиясига асосан университет ректори буйруғи билан тасдиқланади ва унинг кўчирмаси кафедрада сақланади.

13. Тасдиқланган диссертация иши мавзулари магистрантларга биринчи ўқув йилининг иккинчи семестри (иккинчи ярми) бошлангандан кейин икки ҳафта давомида тақдим этилади.

14. Диссертация иши мавзулари магистрантга тақдим этилганидан кейин бир ҳафта муддат ичида илмий раҳбар билан биргаликда магистрантнинг ўрнатилган шаклдаги шахсий иш режаси ишлаб чиқилади ва у ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланади.

Магистрлик диссертациясига раҳбарлик қилиш

15. Магистрлик диссертациясига тегишли мутахассислик бўйича фан доктори ёки фан номзоди илмий даражасига эга бўлган юқори малакали профессор ва доцентлар, шунингдек, давлат ва жамиятни модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ривожлантириш ва ахборотлаштириш шароитларида кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари олимлари, конструкторлик бюrolари ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори малакали амалиётчи мутахассислари томонидан раҳбарлик қилиниши мумкин.

16. Бир ўқув йилида **фан докторлари, профессорлар учун 5 тагача, фан номзодлари, доцентлар ва юқори малакага эга бўлган амалиётчи мутахассислар учун 3 тагача** магистрлик диссертацияларига **раҳбарлик қилишга рухсат этилади.**

17. Магистрлик диссертациясига битта илмий раҳбар бириктирилади. Истисно тариқасида диссертация иши фаннинг икки соҳаси туташган хусусиятларини ўрганишга бағишланган бўлса, унга иккита раҳбар тайинланиши мумкин.

18. Магистрлик диссертацияси раҳбари диссертация ишининг режасини тузиб, кафедра йиғилишида муҳокамадан ўтказди. Магистрантга мавзу устида ишлаши зарур бўлган асосий адабиётлар, маълумот ва архив материаллари, интернетдаги маълумот ва бошқа зарурий манбаларни тавсия этади.

19. Магистрантнинг семестрлар якунида факультет илмий кенгаши (магистратура бўлими)га тақдим этиладиган

магистрлик диссертациясининг бажарилиш ҳолати, илмий, услубий мақолалар тайёрланиши, ўтказилган ижодий ишлар кўриги ҳақидаги ёзма ҳисоботни илмий раҳбар кўриб чиқади ва уни кафедра мудирига тавсия этади.

20. Илмий раҳбар магистрантнинг шахсий иш режасидаги белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариб борилишини назорат қилиб боради.

21. Магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилиш учун ўрнатилган тартибда дарс соати ажратилади. Шу боис илмий раҳбар битирувчи магистрант томонидан диссертациянинг ўз вақтида ва талаб даражасида тайёрланишини таъминлайди.

Магистрлик диссертацияси бўйича илмий мақолалар ёзиш ва конференцияларга маърузалар тайёрлаш

22. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган **"Магистратура тўғрисида Низом"**да "Магистрларнинг илмий фаолияти билан боғлиқ изланиш натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган нашрларда ва олий таълим муассасалари нашрларида чоп этилиши мумкин", деган кўрсатма берилган. Шу маънода иқтидорли магистрантларни илмий мақолалар ёзишга, конференциялар учун маърузалар тайёрлашга ўргатиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан магистрантга диссертация мавзуси бўйича илмий характердаги мақола, тезис ёки анжуманлар учун маъруза тайёрлаш топширилиши мумкин. Бу даврда магистрант ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан ўз мавзусига оид керакли материалларни тўплайди, уларни таҳлил қилиб, зарурларини ажратиб олади. Ўзининг билими, шахсий тажрибаси, илмий натижаларига асосланган ҳолда қўшимчалар киритади, шархлайди, ўз фикрини баён қилади ва уни асослайди. Магистрант бу жараёнда ўз илмий раҳбаридан, зарур ҳолларда соҳанинг етакчи мутахассисларидан маслаҳатлар олиб туради.

23. Магистрлик диссертацияси бўйича илмий мақолалар ёзиш. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида тадқиқотнинг илмий ёки амалий натижалари акс этган тезис, илмий мақола нашр этилган бўлиши керак. Мақола (тезис) конференцияларнинг тезислар тўпламида, университет, республика, халқаро миқёсида эълон қилинаётган илмий мақолалар тўпламлари, илмий журналларда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган нашрларда эълон қилиниши мумкин.

Магистрлик диссертацияси бўйича тайёрланган илмий мақолаларнинг илмий савияси, унинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилиши (мақолада муаллифнинг исми фамилияси, сарлавҳа, матнда расмлар ва жадвалларнинг жойлаштирилиши, иловалар беришнинг тартиби, адабиётларнинг ёзилиши каби) кафедра мажлисида кўриб чиқилиши ва мутахассис тақризи билан нашрга тавсия этилиши лозим.

Магистрлик диссертацияси юзасидан эълон қилинган мақолалар диссертациянинг кириш қисмида акс эттирилиши мумкин.

24. Магистрлик диссертацияси бўйича конференцияларга маърузалар тайёрлаш. Магистрлик диссертациясининг илмий ёки амалий натижалари бўйича университет, республика, магистрантнинг илмий савияси ва имкониятига қараб халқаро миқёсида ўтказилаётган конференцияларда маъруза қилиш мумкин. Бунда конференция ўтказилаётган ОТМ, илмий текшириш институтлари, марказларининг талаблари, шартлари ўрганиб чиқилади ва шу асосда конференция маърузаси тайёрланади.

Магистрантнинг конференция учун тайёрлаган маъруза матни, унинг расмийлаштирилиши, илмий савияси кафедрада кўриб чиқилиши ва тавсия этилиши лозим.

Магистрлик диссертацияси бўйича конференцияларда қилинган маърузалар диссертациянинг кириш қисмида акс эттирилиши мумкин.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши

25. Магистрлик диссертацияси **титул варағи, мундарижа, кириш, асосий қисм** (диссертация бўлимлари), **хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат** бўлиб, у ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

26. **Титул варағи** диссертациянинг биринчи саҳифаси бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 30 майдаги 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва расмийлаштиришнинг намунавий тартиби"га қатъий риоя қилган ҳолда расмийлаштирилади (3-илова). Титул варағига имзо қўйилмайди. Титул варағидан кейин диссертациянинг мундарижаси жойлаштирилади.

27. **Мундарижада** барча мавжуд бўлимлар (боблар), қисмлар ва бандлар номлари, уларнинг бошланиш саҳифасининг бети кўрсатилади. Мундарижада бўлимлар (боблар), қисмлар ва бандлар, параграфларнинг номларини қисқартириб ёзиш ёки уларни асосий матндагидан бошқача тартиб ва талқинда ёзишга йўл қўйилмайди.

28. **Киришда** тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқ ёритиб бериледи, тадқиқот ўтказишнинг долзарблиги асосланади.

Магистрлик диссертацияси иши янгилиги билан ажралиб туриши лозим. Шунинг учун киришда мавзунинг ўрганилишида муаллиф томонидан аниқланган янгилик аниқ баён этилган бўлиши керак.

Кириш қуйидаги қисмлардан иборат бўлиши лозим:

- мавзунинг долзарблиги;
- муаммонинг ўрганилинганлик даражаси;
- тадқиқот мақсади;
- тадқиқот вазифалари;
- тадқиқот объекти ва предмети;
- тадқиқот методлари;
- мавзунинг илмий янгилиги;
- тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти;
- тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги;

- магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми.

29. Магистрлик диссертацияси асосий бўлимининг боблари иккита ёки учта бўлиб, уларда ишнинг асосий мазмуни баён этилади. Бунда:

- боблар ва бўлимлар, уларнинг ичидаги параграфлар ва бандларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда мантиқий изчиллиги;

- келтириладиган далилларнинг аниқ ва ишончли бўлиши;

- ҳар бир бўлимдаги масала ёки масалалар ечими натижалари аниқ баён қилиниши;

- ҳар бир боб охирида аниқ хулосалар беришга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

30. Магистрлик диссертациясининг хулосаси ишнинг чуқур таҳлил қилинган ва текшириб аниқланган маълумотлар якунидан иборат бўлиб, қисқа умумлаштирилган натижалардан ташкил топади. **Жумладан диссертациясининг хулоса қисмида магистрант томонидан мустақил олинган янги натижалар алоҳида санаб ўтилади.** Бу қисмда ишнинг назарий ва амалий аҳамияти акс эттирилади ҳамда олинган натижалардан фойдаланиш, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича аниқ тавсиялар берилади.

31. Фойдаланилган адабиётлар рўyxатини шакллантириш. Фойдаланилган адабиётлар рўyxатига асосий матнда кўрсатилмаган ва амалда диссертант томонидан фойдаланилмаган манбалар киритилмайди. Одатда диссертация ишини ёзишда турли шаклдаги манбалардан, яъни муаллиф ёки муаллифлар томонидан ёзилган китоблар, илмий тўпламлардаги мақолалар, журнал мақолалари, газета мақолалари, диссертация авторефератлари, муаллифлик гувоҳномалари, патентлардан фойдаланилади. Адабиётлар рўyxатини шакллантиришда қайд этилган манбаларни алоҳида-алоҳида тузиб чиқиш тавсия этилади.

Адабиётлар рўyxатини шакллантиришда диссертацияда фойдаланилган турли тиллардаги манбаларни тартиб билан тузиб чиқилишига ҳам эътибор бериш лозим. Диссертацияда

фойдаланилган тиллар кесимидаги адабиётларни расмийлаштиришда қуйидаги тартибдан (адабиётлар кетма-кетлиги алифбо тартибда бўлади) фойдаланиш тавсия этилади:

- ўзбек тилидаги адабиётлар;
- қардош (бошқирд, татар, туркман, қozoқ, қирғиз, ва бошқа) тиллардаги адабиётлар;
- рус тилидаги адабиётлар;
- хорижий тиллардаги адабиётлар;
- Интернетдаги ресурслар: сайт, блог ва бошқа электрон манбаларнинг қабул қилинган шаклдаги аниқ адреслари.

Диссертация мавзуси бўйича асосий адабиётлар, шунингдек, ишлаш жараёнида сўнги 10-15 йил ичида чоп этилган адабиётлардан фойдаланиш ва уларни фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритиш тавсия қилинади.

Фан тараққиёти ёки фаннинг тегишли соҳасига оид қарорлар, фармонлар, Президент И.А.Каримов асарлари эълон қилинган бўлса, диссертацияда улардан фойдаланиш, уларни фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритиш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётларнинг ёзилиш намуналари 4-иловада келтирилган.

32. Иловаларни расмийлаштириш. Иловаларга магистрлик диссертацияси мавзусини ёритишда тўлдирувчи ва тасвирловчи турли ёрдамчи материаллар киритилади. Булар:

- формулалар, ЭҲМ учун ёзилган дастурлар матнлари, сонли натижалар, аниқ ҳисоб-китоблар;
- статистик маълумотлар;
- тажрибалар натижалари;
- дастлабки материаллар;
- ёрдамчи жадваллар;
- тажрибаларда, ўлчаш ва синовларда қўлланилган ускуналар, лаборатория жиҳозлари ҳақидаги маълумотлар;
- муаллифлик гувоҳномалари ва патентларнинг нусхалари;
- графиклар, расмлар, тасвирлар;

- бошқа тиллардаги адабиётлардан олинган парчалар, қадимий ёзув ёдгорликлари нусхалари ва бошқа шу каби материаллардир.

Иловалар кетма-кетлиги магистрлик диссертациясида уларга мурожаат қилиш тартибига мос ҳолда бўлиши ва ҳар бир илова алоҳида-алоҳида бетларда, масалан, "1-илова", "2-илова", "3-илова" шаклида бўлиши лозим.

Магистрлик диссертациясининг ёзилиши

33. Магистр даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация фаннинг тегишли соҳаси учун аҳамиятга молик масала илк бор ёки янги ҳал қилинган ёки муаллифнинг амалий масалаларни ҳал этишни таъминловчи илмий жиҳатдан асосланган техникавий, иқтисодий ёки технологик тавсиялари ўз ифодасини топган **илмий иш ҳисобланади.**

34. Магистрлик диссертацияси шахсан ёзилган бўлиши, муаллиф ошкора ҳимоя учун Давлат аттестацияси аъзоларига тақдим этаётган **янги илмий натижалар ва ҳолатларнинг мажмуини ўз ичига олиши, моҳиятан ички бирликка эга бўлиши** ва унда муаллифнинг ўз кузатишлари, изланишлари акс этиши **лозим.**

Муаллиф томонидан олинган ечимлар илмий жиҳатдан асосланган ва бошқа маълум бўлган ечимларга нисбатан қиёсланган ҳолда таҳлилий баҳоланган бўлиши керак.

35. Диссертацияда бошқа адабиётлардан фойдаланилганда ҳаволалар аниқ кўрсатилиши лозим.

36. Бошқа диссертациялардан, адабиётлардан ҳавола берилмасдан кўчирилган диссертациялар аниқланганда, ундай диссертация ишлари ҳимояга тавсия этилмайди.

37. Бошқа диссертациялардан, адабиётлардан ҳавола берилмасдан кўчирилган диссертация ишлари ҳимоядан "муваффақиятли" ўтиб кетганлиги аниқланган ҳолда магистрант, илмий раҳбар ва диссертация иши муҳокама

қилинган кафедрага нисбатан меъерий ҳужжатларга мувофиқ чоралар кўрилади.

38. Амалий аҳамиятга эга бўлган магистрлик диссертациясида муаммонинг аниқ ечими ва муаллиф эришган илмий натижалардан амалиётда фойдаланилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, илмий аҳамиятга эга диссертацияда эса илмий хулосалардан фойдаланишга доир аниқ тавсиялар берилиши лозим.

39. **Магистрлик диссертациясининг тили.** Диссертация талаба ўқиган тилда ёки кафедра тавсиясига мувофиқ хорижий тилларда ҳам ёзилиши мумкин. Хорижий тилда ёзилган диссертацияларга давлат (ёки рус) тилида аннотация илова этилади ва бундай диссертациялар ҳимояси хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси иштирокида таржима билан ўтказилади.

Диссертация илмий услубда, муайян фан соҳасида қабул қилинган атама ва ибораларни тадбиқ этган ҳолда, имловий ва услубий хатоларсиз ёзилиши шарт.

40. Магистрлик диссертациясида ишлатилатилган атама ва белгилар бутун диссертация давомида бир хил бўлиши, улар илмий жамоатчилик томонидан кенг қўлланилаётган бўлиши зарур.

41. **Магистрлик диссертациясида фойдаланилган адабиётларни расмийлаштириш.** Магистрлик диссертациясида фойдаланилган барча адабиётлар рўйхатга киритилади. Диссертация муаллифи манбанинг асл нусхасини ўқимасдан, бошқа манбалардан фойдаланган бўлса, у ҳолда ҳаволада фойдаланилган манба кўрсатилиши керак.

42. **Магистрлик диссертациясида адабиётларга ҳавоалар бериш.** Ҳавола қилинадиган адабиётлар шу бет охирида хат бошидан ёзилади. Ҳавола асосий матндан чизиқ билан ажратилади ва ҳар бир бет учун алоҳида кетма-кетликда тартиб билан рақамланади. Матнда манбани ёзишнинг турли шакллари мавжуд. Улар қандай шаклда бўлмасин, адабиётлар ҳақидаги барча маълумотлар аниқ бўлиши лозим. Бунда:

- **диссертацияда алоҳида асар ёки монографиялардан фойдаланилганда:** муаллифнинг фамилияси, исми, шарифи, асар номи, нашр этилган жойи, нашриёт номи, нашр этилган йили ва асарда фойдаланилган бетнинг тартиб рақами акс этиши;

- **диссертацияда илмий тўпламлардан фойдаланилганда:** муаллифнинг фамилияси, исми, шарифи, мақоланинг номи, тўпلامнинг номи, нашр этилган жойи, нашриёт номи, нашр этилган йили ва мақоладан фойдаланилган бетнинг тартиб рақами акс этиши;

- **диссертацияда илмий журналлардан фойдаланилганда:** муаллифнинг фамилияси, исми, шарифи, мақоланинг номи, журналнинг номи, нашр этилган жойи, нашр этилган йили, журналнинг сони ва мақоладан фойдаланилган бетнинг тартиб рақами акс этиши;

- **диссертацияда газеталардан фойдаланилганда:** муаллифнинг фамилияси, исми, шарифи, мақоланинг номи, газетанинг номи, нашр этилган жойи, нашр этилган йили, нашр этилган куни ва оyi акс этиши;

- **диссертацияда авторефератлардан фойдаланилганда:** муаллифнинг фамилияси, исми, шарифи, диссертациянинг номи, фан номзоди ёки фан доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат эканлиги, жой номи, нашр этилган йили, фойдаланилган бети акс этиши лозим.

Масалан:

Ислон Каримов. Юсак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 176-бет.

Абдурахмонов Ф. Махмуд Кошғарий туркий уруғларнинг жойлашиши ва баъзи тил хусусиятлари ҳақида // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. Тошкент, 2005, 23-26-бетлар.

Исматуллаев Х. АҚШ да ўзбек тилининг ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1991, № 2, 26-32-бетлар.

Исоқов М., Содиқов Қ. Янги топилган битиг талқини // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, Тошкент. 1993, 9 июль.

Дадабоев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. АДД. Ташкент, 1992, стр. 59.

43. **Магистрлик диссертацияси матнининг ёзилиши.** Диссертация компьютерда WORD матн муҳарририда, Times New Roman шрифтида, 14 кегль катталиги билан, 1.5 интервалда ёзилади ва A4 стандарт оқ қоғозида чоп этилади. Диссертация бетларида **матннинг чап томони 3 см, юқори ва пастки томони 2,5 см, ўнг томони 1,5 см.** бўлади.

44. **Магистрлик диссертациясининг бетларига рақам қўйиш.** Магистрлик диссертациясининг бетларига титул варағидан кейин тартиб билан (2, 3, 4, ...) рақам қўйилади. Рақам қўйишнинг тартиби титул варағидан ҳисобланиб, титул варағига рақам қўйилмайди. Рақам 2-бетдан қўйилади. Тартиб рақами диссертациянинг юқори томони ўртасига қўйилади. Диссертациянинг барча бўлимлари янги бетдан бошланади.

45. **Бўлимлар ва боблар номларининг ёзилиши.** **Бўлимлар ва бобларнинг номларида** иштирок этадиган барча сўзлар бош ҳарфлар билан алоҳида сатрда, бўлим ичидаги номланишлар кичик ҳарфлар билан **хат бошидан ёзилади.** Сарлавҳаларни ёзишда бўгин кўчирилмайди. Сарлавҳа билан матн орасида 3-4 интервал бўлгани маъқул. Сарлавҳанинг тагига чизиб (**Ўза генетик коллекцияси янги изоген линияларининг F₂ дурагайларида айрим қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши**) ёки уни қия қилиб (**Ўза генетик коллекцияси янги изоген линияларининг F₂ дурагайларида айрим қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши**) ёзилмайди.

46. Диссертация бўлимлари, бўлим ичидаги параграфларга араб рақамларини қўйиш тавсия этилади.

Ҳар бир параграф ичидаги бандлар ҳам араб рақамлари билан белгиланади.

47. **Матндаги формулаларнинг ёзилиши.** Матндаги формулаларда катта ва кичик ҳарфлар, юқори ва пастки индекслар аниқ берилиши лозим.

Тенглама ва формулаларнинг юқори ва пастки томонларида бир сатрдан жой қолдирилади. Тенглама бир қаторга сиғмаган тақдирда сиғмаган қисм тенглик белгиси (=) дан ёки қўшиш (+), айриш (-), кўпайтириш (x), бўлиш (:) белгиларидан кейин кўчирилиши тавсия қилинади.

Диссертациялардаги формулалар бўлим доирасида бири-биридан ажралиб туриши учун араб рақамлари билан белгиланади. Формула рақами бўлим рақами ва формуланинг бўлимдаги тартиб рақамидан ташкил топади ҳамда улар бири-биридан нуқта билан ажратилади (5-илова).

48. **Матн ичига расмларнинг жойлаштирилиши.** Матн ичидаги расмлар остига тартиб билан "1-расм", "2-расм" ва ҳ.к. деб ёзилади. Расмнинг устида ва остида бир сатрдан жой қолдирилади. Матнда расмларга илова қилинган ўринларда қавс ичида (1-расм), (2-расм) деб ёзилади (6-илова). Расмнинг номи, унга изоҳ ёки тушунтиришлар расм остига ёзилади ва у матнларнинг остига чизиб, қия қилиб ёзилмайди.

49. **Матн ичига жадвалларнинг жойлаштирилиши.** Матндаги жадваллар устининг чап томонига тартиб билан "1-жадвал", "2-жадвал", сўнгра ўртадан жадвалнинг сарлавҳаси ёзилади. Матнда жадвалларга илова қилинган ўринларда тартиб билан қавс ичида (1-жадвал), (2-жадвал) деб ёзилади. Жадваллар сарлавҳаларининг остига чизилмайди (Атмосфера қурғоқчилигининг бошланиш, тугаш ва давом этиш муддатлари (ўртача кўп йиллик маълумотлар)), сарлавҳалар қия қилиб ёзилмайди (Атмосфера қурғоқчилигининг бошланиш, тугаш ва давом этиш муддатлари (ўртача кўп йиллик маълумотлар)). Жадвалнинг устида ва остида бир сатрдан жой қолдирилади (7-илова).

Агар диссертацияда битта жадвал бўлса, у рақамланмайди ва унга "жадвал" сўзи ҳам ёзилмайди.

50. **Магистрлик диссертациясининг ҳажми.**

Диссертация иловалардан ташқари 60-80 бет ҳажмда ёзилади.

Шуни эътиборга олиш керакки, мавжуд меъёрий ҳужжатларда диссертация қисмларининг ҳажми ҳақида фикр билдирилмаган. Бундан имкониятга қараб ижодий фойдаланиш мумкин, албатта. Бироқ ҳозиргача ҳимоя қилинган айрим диссертацияларда ишнинг кириш қисми умумий ҳажмнинг 30 ёки 35 % ни ташкил этганлигини ёки хулосалар бор-йўғи бир бетдан иборат бўлганлигини ҳам кузатиш мумкин. Шулардан келиб чиқиб, биз диссертация ишининг кириш қисми умумий ҳажмнинг 10-15 фоизи, асосий бўлим боблари 70-80 фоизи, хулосалар 10-15 фоизи атрофида тақсимлангани маъқул деб ҳисоблаймиз.

Магистрлик диссертациясининг мазмуни

51. Диссертация ишида **илмий масалани** тадқиқ этишда:

- мавзунинг долзарблиги асосланиши;
- тадқиқотнинг мақсади ва муайян масалаларнинг қўйилишини аниқ белгилаш;
- тадқиқот объектини аниқлаб олиш ва таърифлаш;
- тадқиқот усулини танлаш;
- тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;
- таҳлил натижасида хулосаларни шакллантириш, натижаларни баҳолаш ва улар асосида аниқ таклифлар киритиш лозим.

52. **Илмий-техник масалани** таҳлил этишга қаратилган диссертацияларда;

- илмий-техник мавзунинг долзарблиги асосланиши;
- муаммонинг ечими бўйича илмий-техник соҳа ҳолатининг таҳлили натижаларини умумлаштириш;
- илмий-техник, техник-иқтисодий ва бошқа талабларни шакллантириш, қўйилган масалани ечиш муқобилларини кўриб чиқиш ва улардан энг ишончли ҳамда самаралисини аниқлаш;
- энг самарали ва ишончли ечимни асослаб бериш;
- энг самарали ва ишончли ечимнинг патентга лойиқлигини тадқиқ этиш;

- илмий-техник масала ечимининг натижалари юзасидан хулосалар ва таклифларни шакллантириш ҳамда уларни ишлаб чиқаришнинг тегишли тармоқларида қўллаш соҳаларини аниқлаш керак.

53. Илмий-услубий масалаларни ҳал қилишга қаратилган диссертацияларда:

- узлуксиз таълим тизимининг маълум бир босқичида танланган ўқитиш услуби ва замонавий педагогик технологияларнинг долзарблигини асослаш;

- замон талабларидан келиб чиққан ҳолда жамият тараққиётида ушбу фаннинг ўрни ва ролини кўрсатиб бериш;

- тадқиқот мақсади ва аниқ вазифаларини кўрсатиш;

- тадқиқотнинг объекти ва предметини аниқлаш;

- тадқиқот усулини танлаш;

- ўрганилаётган ўқитиш усулини жорий этиш учун дидактик ва тарқатма материалларни ишлаб чиқиш, методологик ва педагогик-психологик тадқиқотлар ўтказиш;

- тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва хулосалар чиқариш, улардан ўқув жараёнида фойдаланиш учун аниқ таклифлар киритиш лозим.

Магистрлик диссертацияси тайёрланишини назорат қилиб бориш

54. Магистрлик диссертацияси тайёрланишини назорат қилиб бориш **илмий раҳбар ва кафедра мудири** зиммасига юклатилади.

Диссертациянинг илмий раҳбари магистрантнинг шахсий иш режаси ўрнатилган тартибда тасдиқлангандан кейин шахсий режанинг ўз вақтида ва сифатли равишда бажарилиб боришини мунтазам назорат қилиб боради. Диссертация мавзусини ёритиш учун зарур бўлган илмий адабиётлар, интернет маълумотлари, конференциялар материаллари, лабораторияларда бажарилаётган ишлар, улардан фойдаланишда эътибор қаратилиши зарур бўлган ўринлар бўйича мунтазам равишда магистрантга маслаҳатлар бериб боради.

Магистрантнинг диссертация бўйича олиб бораётган илмий изланишлари юзасидан тайёрлаган ҳисоботларини,

мақолаларини, конференция материалларини кўриб чиқади. Зарур бўлганда уларни таҳрир қилади. Диссертациянинг босқичма-босқич сифатли ва талаб даражасида ҳамда белгиланган муддатларда ёзиб борилишини назорат қилади.

Магистрантнинг диссертация юзасидан олиб бораётган илмий изланишларини, диссертациянинг тайёр бўлган қисмларини кафедра мажлисларида муҳокама қилиб бориш учун тақдим этади.

Диссертация тайёр бўлганидан кейин унга хулоса тайёрлайди. Хулосада:

- диссертация мавзусининг долзарблиги;
- мавзунинг мутахассислик билан боғлиқлиги;
- тадқиқот янгилигининг асосланиши;
- магистрантнинг илмий иш олиб боришга қобилияти;
- диссертацияда материалларнинг таҳлил қилиб умумлаштирилиши ва улар юзасидан чиқарилган хулосаларнинг аниқлиги;
- диссертациянинг магистрлик диссертацияси талабларига мос келиши каби фикрлар акс эттирилиши лозим.

55. **Кафедра мудири** магистрантларнинг диссертация юзасидан олиб бораётган илмий изланишларини, диссертациянинг тайёр бўлган қисмларини кафедра мажлисларида муҳокама қилиб, уларнинг талаб даражасида тайёрланишини таъминлайди, магистрантларга, уларнинг илмий раҳбарларига тегишли кўрсатмалар беради.

56. Магистрантларнинг умумий фаолияти билан бирга, магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича олиб бораётган ишларини ҳар ярим йилда камида икки марта кафедра мажлисларида муҳокама этиб борилишини таъминлайди.

57. Магистрантларнинг диссертация тайёрлаш бўйича олиб бораётган ишлари юзасидан факультет Кенгашига ҳар семестр якунида ҳисобот беради.

58. **Магистрант** илмий раҳбар иштирокида магистрлик диссертациясининг бажарилиш ҳолати, илмий, услубий мақолалар тайёрланиши, ўтказилган ижодий ишлар кўриги

ҳақида кафедра мажлисларида ҳисобот бериб боради, семестрлар якунида эса кафедрага ёзма ҳисобот тақдим этади.

59. Магистрант магистрлик диссертацияси мавзусини ва илмий раҳбарни асосланган ҳолда ўзгартириши мумкин.

Магистрлик диссертациясига автореферат тайёрлаш

60. Магистратура таълимига оид мавжуд меъёрий ҳужжатларда магистрлик диссертациясига автореферат тайёрлаш қайд этилмаган. Шунга қарамасдан, Миллий университетнинг Ҳуқуқшунослик, Фалсафа, Ўзбек филологияси ва бошқа айрим факультетларда магистрлик диссертацияси ҳимояси учун автореферат тайёрлаш одат тусига айланмоқда. Бу ҳол якуний давлат аттестацияси комиссияси аъзолари томонидан ҳам ижобий баҳоланмоқда. Чунки магистрлик диссертацияси ҳимоясида иштирок этаётган комиссия аъзолари ва бошқа мутахассислар учун диссертация автореферати диссертация қисқа мазмуни билан танишишда анча қулайлик яратмоқда. Шу маънода, **магистрлик диссертациясига авторефератни ихтиёрий равишда тайёрлаш учун тавсия қилиш мумкин. Диссертант автореферат тайёрлашга мажбур эмас.**

Ҳозиргача факультетларда тайёрланган магистрлик диссертацияси авторефератлари ҳажми, мазмуни, тузилиши кўздан кечирилганда, улар турли ҳажмда, ҳар хил тузилишда тайёрланаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Шу боис авторефератларни тайёрлашда ҳам маълум меъёрлар бўлиши лозим.

61. **Магистрлик диссертацияси авторефератининг тузилиши.** Автореферат титул варағи, кириш, асосий қисм ва хулосадан иборат бўлади.

62. **Титул варағи** авторефератнинг биринчи саҳифаси бўлиб, у 8-иловадаги шаклда расмийлаштирилади. Титул варағидан кейин кириш жойлаштирилади.

63. **Киришда** диссертация мавзусининг долзарблиги, ўрганилиш даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари,

объекти, методи, илмий янгилиги, дисеертация юзасидан эълон қилинган ишлар бўйича алоҳида-алоҳида қисқа маълумотлар келтирилади.

64. Авторефератнинг **асосий қисмида** боблар ва уларнинг бўлимларида ўрганилган масала ёки масалалар таҳлили, натижалари ҳақида қисқа ва аниқ маълумотлар бериледи.

65. Авторефератнинг хулосасида ўрганилган масала ёки масалаларнинг умумлаштирилган қисқа натижалари алоҳида-алоҳида санаб ўтилади.

66. **Авторефератнинг тили.** Магистрлик диссертацияси ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган бўлса, автореферат ҳам шу тилларда, магистрлик диссертацияси хорижий тилларда (инглиз, немис, француз каби) тайёрланганда автореферат матни ўзбек ёки рус тилларида бўлгани мақсадга мувофиқ.

67. **Автореферат матнининг ёзилиши.** Автореферат компьютерда WORD матн муҳарририда, **Times New Roman шрифтида, 14 кегль катталиги билан, 1.5 интервалда** ёзилади. Диссертация бетларида **матннинг чап томони 3 см, юқори ва пастки томони 2,5 см, ўнг томони 1,5 см.** бўлади.

68. **Автореферат бетларига рақам қўйиш.** **Автореферат** бетларига титул варағидан кейин тартиб билан (2, 3, 4, 5, 6, 7, 8) рақам қўйилади. Рақам қўйишнинг тартиби титул варағидан ҳисобланиб, титул варағига рақам қўйилмайди. Рақам 2-бетдан қўйилади. Тартиб рақами авторефератнинг юқори томони ўртасига қўйилади.

69. **Авторефератнинг ҳажми.** Автореферат титул варағи билан бирга 12 бет ҳажмгача бўлади. Қоғознинг ортиқча исроф қилинишига йўл қўймаслик мақсадида (бу борада Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам бор) автореферат матни фақат **A4 стандарт** оқ қоғозига **A5 стандарт** ҳажмида чоп этилади.

70. Автореферат мазмуни ва тузилишини илмий раҳбар кўриб чиқади ва кафедра мажлисига тавсия этади.

71. **Автореферат** магистрлик диссертацияси билан бирга **кафедра мажлисида муҳокама қилинади.**

Магистрлик диссертациясига тақризчи (оппонент) тайинлаш ва расмийлаштириш

72. **Магистрлик диссертациясига тақризчи (оппонент) тайинлаш.** Магистрлик диссертацияси ёзиб бўлингандан кейин илмий раҳбар унга хулоса тайёрлаб кафедра мудирига тақдим этади. Яқунланган диссертация иши кафедра мажлисида муҳокама қилинади. Кафедра муҳокамасида диссертация юзасидан камчиликлар аниқланган тақдирда улар бартараф этилади.

Тайёр бўлган диссертация ишига шу мавзу бўйича илмий иш олиб бораётган етакчи мутахассис кафедра томонидан тақризчи этиб белгиланади.

73. **Магистрлик диссертациясининг тақризчиси (оппоненти).** Магистрлик диссертациясига юқори малакали, фан доктори ёки фан номзоди илмий даражасига эга бўлган профессор ва доцентлар, шунингдек, давлат ва жамиятни модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ривожлантириш ва ахборотлаштириш шароитларида юқори иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари олимлари, конструкторлик бюrolари ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори малакали амалиётчи мутахассислари кафедра томонидан тақризчи этиб белгиланиши мумкин.

74. Факультет декани мутахассисликлар кесимидаги битирувчи магистрантларнинг фамилияси, исми, шарифи; диссертация мавзуси; илмий раҳбарнинг фамилияси, исми, шарифи ва илмий даражаси, унвони; тақризчининг фамилияси, исми, шарифи ва илмий даражаси, унвони; диссертация ҳимояга қўйиладиган кун, ой, йил; диссертация ҳимоя қилинадиган хона ҳақидаги маълумотларни қамраб олган жадвални Магистратура бўлимига топширади (9-илова).

75. Магистратура бўлими факультетлардан йиғиб олинган мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни умумлаштириб, буйруқ лойиҳасини тайёрлайди ва уни университет ректорига тақдим этади.

Магистрлик диссертациясига ёзиладиган раҳбарнинг хулосаси ва тақризчининг тақризи

76. **Магистрлик диссертациясига ёзиладиган хулосага қўйиладиган талаблар.** Илмий раҳбар томонидан ёзилган диссертация тўғрисидаги хулосада ишнинг долзарблиги, илмий янгилиги, илмий ва амалий, ижобий томонлари аниқ далиллар асосида атрофлича таҳлил этилиб, диссертациянинг тугалланганлиги кўрсатиб ҳамда баҳолаб берилиши лозим.

77. Диссертация яқунланганлиги тўғрисидаги илмий раҳбарнинг хулосаси **илмий раҳбар томонидан имзоланади** ва у ишлаётган **ОТМ, тармоқ институтлари ёки буюртмачи ташкилотларнинг муҳри билан тасдиқланади.**

78. Магистрлик диссертациясига ёзилган **хулоса камида 2 саҳифа бўлиши тавсия этилади.**

79. **Магистрлик диссертациясига ёзиладиган тақризга қўйиладиган талаблар.** Диссертация тўғрисидаги тақризчи томонидан ёзилган тақризда ишнинг долзарблиги, илмий янгилиги, илмий ва амалий, ижобий, баҳсли-мунозарали томонлари холисона, аниқ далиллар асосида атрофлича таҳлил этилиб, диссертациянинг тугалланганлиги кўрсатиб ҳамда баҳолаб берилиши лозим.

80. Диссертация тўғрисидаги **тақриз тақризчи томонидан имзоланади** ва у ишлаётган **ОТМ, тармоқ институтлари ёки буюртмачи ташкилотларнинг муҳри билан тасдиқланади.**

81. Магистрлик диссертациясига ёзилган **тақриз камида 2 саҳифа бўлиши лозим.**

Магистрлик диссертациясининг ҳимояси

82. Диссертация ҳимояларини кўриб чиқадиган **яқуний давлат аттестация комиссияси раислигига номзодлар** университет томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

83. **Давлат аттестация комиссияси раислари** университетда ишламаётган олимлар, ишлаб чиқаришнинг етакчи мутахассисларидан бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан бир йил муддатга тасдиқланади.**

Бир киши кетма-кет университетда тегишли мутахассислик бўйича икки мартадан ортиқ яқуний давлат аттестация комиссиясининг раиси бўлиши мумкин эмас.

84. Университетда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган раислар раҳбарлигида **ректор буйруғи** билан айрим фанлар бўйича яқуний аттестация синовлари, мутахассислик бўйича фанлараро яқуний аттестация синовлари ва магистрлик диссертацияси ҳимоясини ўтказиш бўйича **яқуний давлат аттестацияси комиссиялари таркиби шакллантирилади.**

85. Яқуний давлат аттестацияси комиссиялари таркиби университетнинг мутахассис тайёрловчи илмий-педагогик кадрлари (аттестация комиссияси таркибининг 50 фоизигача), шунингдек тегишли соҳа кадрларининг истеъмолчилари бўлган мутахассислар, турдош олий таълим муассасаларининг етакчи ҳамда катта илмий салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилари, Фанлар академиясининг соҳага алоқадор етакчи олимларидан иборат бўлади.

86. Яқуний давлат аттестацияси **комиссиялари таркиби камида 5 нафар профессор-ўқитувчи ва мутахассислардан** шакллантирилади. Яқуний давлат аттестациясида ота-оналар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари кузатувчи сифатида қатнашиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази вакиллари иштирок этишлари мумкин.

87. Давлат аттестациясидан ўтмаган мутахассисликлар битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси **Давлат тест маркази вакиллари иштирокида ўтказилади.**

88. Мутахассислик бўйича фанлараро якуний аттестация синовларига ва магистрлик диссертацияси ҳимоясига тегишли таълим дастурларини тўлиқ тугатган ва ўқув режасида назарда тутилган барча синовлардан ўтган магистрлар қўйилади.

89. **Якуний давлат аттестацияси синовлари ва магистрлик диссертацияси ҳимояси** якуний давлат аттестацияси комиссияларининг очиқ мажлисларида, юқори талабчанлик, ошкоралик ва адолатли тарзда **аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган ҳолда ўтказилади.**

90. Факультет декани якунланган диссертация, диссертация ҳақидаги илмий раҳбарнинг хулосаси, диссертация ҳақидаги оппонентнинг тақризи, диссертация муҳокама қилинганлиги тўғрисида кафедранинг қарори кўчирмаси ва магистрантни ҳимояга киритиш тўғрисидаги университет ректорининг буйруғини Давлат аттестация комиссиясига тақдим этади.

91. Давлат аттестация комиссияси йиғилишлари ректор буйруғи билан тасдиқлаган жадвал асосида ўтказилади.

92. Узрли сабаб билан якуний давлат аттестацияси синовларига келмаган талабалар университет ректорининг буйруғи билан якуний давлат аттестацияси комиссиясининг иши якунланишига қадар бошқа муддатларда ўтказиладиган якуний давлат аттестацияси синовларига киритилиши мумкин.

93. Маълум сабабларга кўра, муддатида магистрлик диссертациясини ҳимоя қила олмаган магистратура талабасига мавжуд низом асосида 3 йил ичида ҳимоя қилиш (ўтолмаган аттестация синовларининг ҳар бир тури бўйича бир марта) имконияти берилади.

Муддатли ҳарбий хизматда бўлиш ва 3 ёшга тўлмаган бола парвариши бўйича таътил кўрсатилган 3 йиллик муддатга кирмайди.

94. Якуний давлат аттестацияси синовидан иккинчи марта ҳам ўта олмаган талабалар масаласи уларнинг аризасига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан кўриб чиқилади.

95. Давлат аттестация комиссияси мажлисига раислик қилувчи мажлисни очиб, магистратура битирувчиси (битирувчининг фамилияси, исми, шарифини айтиб) томонидан мавзудаги (мавзунинг номи айтилади) диссертациянинг ҳимояси ўтказилишини эълон қилади ва сўзни давлат аттестация комиссиясининг котибига беради.

96. Давлат аттестация комиссияси котиби мажлис иштирокчиларига магистратура талабасининг диссертация ҳимоя қилиш учун барча ҳужжатлари борлиги ҳақида ахборот беради.

97. Давлат аттестация комиссияси мажлисига раислик қилувчи диссертациянинг қисқача мазмуни билан таништириш учун диссертантга сўз беради.

98. Диссертант диссертациянинг қисқача мазмуни билан комиссия аъзоларини таништиради. Магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш жараёнида замонавий ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб презентация шаклида ўтказиш ҳамда ҳимояда слайд, жадвал, расм ва бошқа намойиш этиладиган материаллардан фойдаланиши мумкин.

Диссертант мажлис иштирокчилари томонидан берилган саволларга жавоб беради.

99. Диссертантдан кейинги сўз илмий раҳбарга берилади. Илмий раҳбар магистратура талабаси шахсий иш режасининг бажарилганлиги, диссертация ишининг бажарилиш даражаси, янгилиги, аҳамияти, диссертантнинг илмий иш қила олиш қобилияти, масалаларга ечим топа билиши ҳақида маълумот беради.

100. Илмий раҳбардан кейин сўз расмий тақризчига берилади. У ўз сўзида диссертациянинг ютуқлари, баҳсли-мунозарали ўринлари хусусида аниқ далиллар билан гапиради.

101. Диссертант расмий тақризчи томонидан билдирилган камчиликларга, мунозарали ўринларга жавоб беради.

102. Давлат аттестация комиссияси аъзолари, мазкур факультет профессор-ўқитувчилари, мавзу юзасидан илмий иш олиб бораётган ходимлар диссертация муҳокамасида қатнашадилар.

103. Мунозаралардан кейин диссертантга сўнги сўз берилиши мумкин.

104. Шундан кейин диссертация иши овоз бериш йўли билан баҳоланади.

105. Давлат аттестация комиссиясининг барча йиғилишларига алоҳида-алоҳида баён тузилади ва улар тасдиқланган шакл асосида расмийлаштирилади.

Магистрлик диссертациясини баҳолаш

106. Давлат аттестация комиссияси аъзолари диссертация ишини ўрнатилган тартибда кўриб чиқади ва овоз бериш йўли билан баҳолайди.

107. Овоз беришда университет ректори буйруғи билан тасдиқланган давлат аттестацияси аъзоларигина қатнашади.

108. Овоз бериш натижалари тасдиқланган шакл асосида расмийлаштирилади.

109. Магистрлик диссертациясини баҳолашда магистрлик диссертацияси учун танланган мавзу долзарблигини асослаб берганлиги; қўйилган масаланинг ечиш услубларини кўриб чиқиши ва улардан энг самаралисини аниқлаганлиги; магистрантнинг илмий (ёки илмий-техник, илмий-ижодий) изланишлар олиб бориш даражаси, мавзуга хос муаммоларни танлай олганлиги ва уларни аниқ далиллар асосида таҳлил эта олганлиги; тадқиқотда олинган маълумотлар ва натижаларни

тасвирлар (чизма, расм) шаклида мужассамлантира олганлиги; самарали муқобил ечимни илмий, конструкторлик, технологик ва техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб берганлиги; илмий-техник масала ечимининг натижалари бўйича хулосалар ва таклифларни шакллантирганлиги ҳамда иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида қўллаш имкониятларини аниқлаганлиги ва бошқа масалалар эътиборга олинади.

110. Магистрлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июлдаги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 июлда 1981-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом"га ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 7 августдаги 276-сон буйруғига асосан 100 баллик тизимда баҳоланади.

111. Ушбу меъёрий ҳужжатлар асосида магистрлик диссертацияси қисмларини қуйидагича баҳолаш намуна сифатида тавсия этилади.

I. **Магистрлик диссертациясини мавжуд меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида расмийлаштирилганлиги учун 8 баллгача.** Бунда 100 % талаб даражасида бажарилган диссертациялар учун 8 балл, 90 % учун 6 балл, 80 % учун 5 балл, бундан паст даражада бажарилган ёки меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган ишлар учун 1 баллдан 4 баллгача баҳолаш мумкин.

II. **Магистрлик диссертациясининг кириш қисми учун 15 баллгача.** Бунда:

мавзунинг долзарблигини асосланиши учун 3 баллгача;
мавзунинг ўрганилганлик даражасини ёритиб бериш учун 3 баллгача;

диссертациянинг мақсад ва вазифаларини ёритиб бериш учун 3 баллгача;

диссертация мавзуси тадқиқининг илмий янгилигини асослаб бериш учун 3 баллгача;

мавзу бўйича мавжуд тадқиқотларнинг илмий асосда қиёсий таҳлил этилганлиги учун 3 баллгача.

III. Магистрлик диссертациясининг асосий қисми учун 50 баллгача. Бунда:

таҳлил этилаётган мавзуга доир муаммоларни ажратиб олиш ва уларни таснифлаш учун 10 баллгача.

таҳлил этилаётган мавзуга доир муаммоларга атрофлича характеристикалар бериш ва уларга доир назарларни таҳлил қилиш учун 10 баллгача;

олинган натижаларнинг таҳлили асосида аниқланган муаммоларнинг ечими топилганлиги учун 15 баллгача.

диссертантнинг ишга ижодий ёндашганлиги, мустақил фикрлаши, мавзуга доир муаммолар ечимини топишда илмий ёндашганлиги учун 15 баллгача.

IV. Диссертация хулосаси учун 10 баллгача бўлиб, бунда таҳлил этилган муаммолар бўйича аниқ ва илмий хулосалар чиқариш, хулосалар бўйича таклиф ва тавсиялар бериш ҳисобга олинади.

V. Диссертацияда фойдаланилган адабиётлар бўйича 6 баллгача. Бунда диссертантнинг мавзуга оид умумий адабиётлардан фойдаланганлиги учун 1,5 баллгача; интернетдан олинган маълумотлар учун 1,5 баллгача; янги монография, илмий мақолалар, хориждаги етакчи илмий нашрлардан фойдалангани учун 3 баллгача ажратиш мумкин.

VI. Магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича нашр этилган илмий ишлари учун 6 баллгача. Бунда халқаро миқёсидаги анжуман материалларида, нашрларда эълон қилинган ишлар учун 6 балл, республика миқёсидаги анжуман материалларида, нашрларда эълон қилинган ишлар учун 5 балл, университет миқёсидаги анжуман материалларида, нашрларда эълон қилинган ишлар учун 3-4 балл билан баҳолаш мумкин.

VII. Диссертантнинг ҳимоя жараёнида маълумотларни аниқ, раво ва тушунарли тарзда етказиб бериши, берилган саволларга тўла ва тўғри жавоб бериши учун 5 баллгача.

**Энг яхши магистрлик диссертацияси ғолибларини
аниқлаш ва уларни республика танловига
тавсия этиш**

112. Республика олий таълим муассасалари битирувчилари ўртасида таълим соҳалари бўйича ҳар йили апрел-май ойларида “Энг яхши битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси” республика танлови ўтказилади. Танлов икки босқичдан иборат бўлиб, унинг биринчи босқичи университетда ўтказилади.

Танловнинг биринчи босқичида ғолиб чиққан диссертация ишлари республика танловига тавсия этилади.

113. Танловга қатнашиш учун асосан амалий йўналишга эга, амалиётга жорий этилган ва тегишли ижтимоий-иқтисодий самара берган магистрлик диссертациялари олинади. Унда мавзунинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари узвий равишда кўрилган, танлаб олинган муаммо ечилишида ички яхлитлик ва мантиқий кетма-кетлик бўлиши лозим.

114. **Энг яхши ишни танлаш учун баҳолаш мезонлари сифатида Низомда** мавзунинг долзарблиги; мавзунинг корхона (ташкilot) буюртмаси асосида ёзилганлиги (шартнома ёки буюртма нусхаси); илмий жиҳатдан янги эканлиги; илмий ва амалий аҳамияти; амалиётга тадбиқи (маълумотнома); тадқиқотнинг мақсади, вазифасини белгилашда аниқлик ва мантиқий асос мавжудлиги; энг янги ахборот манбаларидан фойдаланилганлик; ишнинг ҳаётийлиги; фикрлаш, баҳо бериш ва хулосаларнинг мустақиллиги; мавзу ва аниқ бошқарув вазифаларини ечишда амалий тавсиялар ва муаллиф қарашларининг оригиналлиги; материални баён қилиш услуби, тили (аниқлик, образлилиқ, лўндалик, лексикаси, грамматикаси); мавзу бўйича кургазмали материаллар мавжудлиги ва сифати; ишнинг ташқи кўриниши (безак сифати, презентабеллиги) кабилар кўрсатилган.

115. **Танловни ўтказиш ва натижасини белгилаш муддатлари.** Танловда иштирок этадиган магистрлик диссертациялари жорий йилнинг 1 мартдан бошлаб 15 апрелигача Ташкилий кўмигага топширилиши мумкин.

Белгиланган муддатда топширилмаган ишлар кўриб чиқилмайди.

116. Материаллар Ташкилий қўмигага қоғоз ва электрон нусхаларда «----- (таълим соҳаси) энг яхши иш» танловига, деган белги билан юборилади.

117. Танлов ғолиблари ва совриндорларининг рўйхати олий таълим муассасалари нашрларида эълон қилинади. Энг яхши ва алоҳида аҳамиятга эга бўлган ишлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайтида ва республика нашрларида эълон қилинади.

118. Танлов ғолибларини мукофотлаш ва натижаларни эълон қилиш танлов ташкилий қўмитаси томонидан жорий йилнинг 30 майга қадар амалга оширилади.

Магистрлик диссертацияси ғолиблари ва уларнинг раҳбарларини тақдирлаш

119. **Танловда ғолибларини тақдирлаш.** Биринчи босқич бўйича танлов ғолиби (ҳар бир номинация бўйича бир нафари) энг кам стипендиянинг 2 баробари миқдоридаги пул маблағи билан мукофотланади.

Иккинчи босқич бўйича ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари ва совриндорларига қуйидаги мукофотлар берилади:

биринчи ўринга - танлов ғолиби, 1-даражали диплом, энг кам стипендиянинг 5 баробари миқдоридаги маблағ;

иккинчи ўринга - танлов совриндори, 2-даражали диплом, энг кам стипендиянинг 4 баробари миқдоридаги маблағ;

учинчи ўринларга - танлов совриндори, 3-даражали диплом, энг кам стипендиянинг 3 баробари миқдоридаги маблағ.

Танлов ташкилотчилари ва ҳомийлари томонидан бериладиган қимматбаҳо ва рағбатлантирувчи совғалар.

Ғолиб ва совриндор бўлган магистрантларнинг магистрлик диссертацияси илмий раҳбарлари университет томонидан бир ойлик маош миқдорида рағбатлантирилади.

Магистрлик диссертациясининг сақланиши

120. Магистрлик диссертацияси ҳимоя қилингандан кейин 10 кун муддат ичида илмий раҳбарнинг хулосаси, диссертация ҳақидаги тақриз ва кафедра мажлисининг баёни билан Магистратура бўлимига топширилади.

121. Ҳимоя қилинган диссертациялар Магистратура бўлимида 10 йил муддат давомида сақланади.

122. Магистратура бўлими бошлиғи диссертацияларнинг сақланиши, тарқалиб кетмаслиги ва улардан нусха кўчиришга йўл қўйилмаслиқни таъминлайди.

Иловалар

**5A460104-эҳтимоллар назарияси ва математик
статистика мутахассислигининг 1-курсида ўқиётган
магистрантлар учун тавсия этилаётган мавзулар рўйхати**

т/р	Магистрлик диссертацияси мавзулари
1
2

29
30

Эслатма: Ҳар бир магистрант мавзуларнинг ичидан биттасини танлаб бир ҳафта муддатда кафедра мудирига маълум қилади. Бир мавзу икки ёки ундан ортиқ магистрант томонидан танланмайди.

Кафедра мудирининг

имзо

проф. А.Абдушукуров

Хорижий филология факультетида таҳсил олаётган 1-курс магистрантлари учун тавсия этилаётган мавзулар ва илмий раҳбарлар рўйхати

Т/р	Магистрантнинг Ф.И.Ш.	Магистрлик диссертацияси мавзуси	Илмий раҳбар
5А 220102-лингвистика (инглиз тили)			
1	Убайдуллаева Ирода Шарафовна	Сравнительная пунктуация английского и русского языков	Ф.ф.д., проф. Юсупов У.К.
2			
5А 220102 – лингвистика (немис тили)			
1	Хафизов Гайрат Абдухакимович	Слово в немецко-узбекском учебном словаре	Ф.ф.н., доц. Исаков А.А.
2			

Декан

имзо

Ш.Имяминова

3-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРГА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
 (14-ширифт)

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**
(14-шрифт)

қўлёзма ҳуқуқида
УДК 517.55
(10-шрифт)

Тўраев Фозилжон Жўрақулович
(14-шрифт)

**КОШИ-ФАНТАШЬЕ ИНТЕГРАЛ ФОРМУЛАСИ
ҲАҚИДА**
(16-шрифт)

5A460101-Математик анализ
(12-шрифт)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
(12-шрифт)
ДИССЕРТАЦИЯ
(16-шрифт)

Илмий раҳбар:
ф.-м.ф.д., проф.
Г.Худойберганов
(12-шрифт)

Тошкент – 2010
(12-шрифт)

4-илова

I. Китоблар

1. Муҳаммадхонов С., Жонгуразов Ф. Ўсимликшуносликка оид русча-ўзбекча изоҳли лугат. – Тошкент, 1989, 217 бет.
2. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.-Л., 1950. – Т. I. стр.353.

II. Илмий тўпламлардаги мақолалар

1. М.Хасаний. Шаркда тиббий лўғатлар тузиш тарихидан // Шарқшунослик. –Тошкент, “Фан”, 2004, № 12, 103-112-бетлар
2. А.Н.Кононов. В.В.Радлов и отечественная тюркология // Тюркологический сборник, 1971. –Москва, 1972, стр. 7-15.

III. Журналлардаги мақолалар

1. Иброҳим Ҳаққул. Маъно ва тафаккур зиёси // Накшбандия, –Тошкент, 2009, 1-сон. 14-бет.
2. Abdullaeva M.M., Mull'adjanova M.M., Umarova M.M. The role of phospholipase D in phospholipid transaetion during Cotton Seeds maturation. // Turk. J. Biol., 2002, V.26, № 4. P.241-246.

IV. Симпозиум ва конференция материаллари

1. Маматкулова Н.Ш., Осербаева А.К., Абдуллаева Г.А., Закирова Н.Т., Акбаров Х.И., Тиллаев Р.С. Изучение комплексобразования полимер-металлических комплексов методом потенциометрического титрования.// “Нефть ва газ саноати кимёвий технологияларнинг долзарб муаммолари” илмий амалий конференция материаллари. –Қарши, 2009, С. 46-48.
2. Худойкулова С.А., Холтураева Н.Р., Мирзахидов Х.А., Мусаев У.Н."К получению полимеров N-замещённых акриламидов гексаметиленимина и пипердина "Респуб. конф. молодых ученых «Актуальные проблемы науки о полимерах». –Ташкент. 2004, с. 50-51.

V. Диссертация ва диссертация авторефератлари


1. Содиков З.М. N гидроксизтиламид гуруҳли гомо- ва сополимернинг синтези ва хоссалари. Кимё фанлари номзоди, дисс. автореферати. –Тошкент, 1997, 24 бет.

VI. Патент ҳужжатлари

1. Абдушукуров А.К., Ахмедов Қ.Н., Маматкулов Н.Н. «Фенилфеноксиацетат, обладающий активностью в

5-илова

Натижада фенокси- ва фенил- гурухлари томонидан халқанинг очилиши содир бўлади:



Натрий фенолят галогенкетоннинг карбонил гурух углероди билан тасирлашиши натижасида кислород ва углерод ўртасида валент боғлар ҳосил бўлади.

Функция Лагранжа $L = T - \Pi$

$$L = \frac{1}{2} m \left[(B_{31} \dot{q}_3)^2 + q_1^2 (B_{32} \dot{q}_3)^2 \right] = \frac{1}{2} m (B_{31}^2 + q_1^2 B_{32}^2) \dot{q}_3^2 - mgq_1 \sin q_2 \quad (3)$$

Вычисляя частные производные, составим уравнения в форме М.Ф.Шульгина...

6-илова

Тарғоқ (*Chettusia gregoria*) асосан чўлларни кесиб ўтган дарёлар ва текисликларнинг нисбатан чуқурроқ ерларида йиғилиб, катта ва кичик кўлларни ҳосил қилган хавзалар атрофидаги

курукликларда, бир неча минг км масофани босиб келиб тухум қўйиб кўпаяди (1-расм). Бу қушнинг оғирлиги 180-194,5 г, ўртача 188,6 г, бўйи 27-30 см атрофида бўлиб, оёқлари пардасиз ва бирмунча узун, бошининг тепаси, қанотларининг устки қисми, думининг устки учи, қорнининг қўрағигача ва оёқларининг қора рангда бўлиши билан бошқа қушлардан ажралиб туради.



1-расм.

уяси.

Тарғоқнинг

Тарғоқ асосан чигиртка, қўнғиз, узунбурун каби умуртқасиз ҳашоротлар билан озиқланади (Зарудний, 1888 г.).

7-илова

Атмосфера қурғоқчилигининг бошланиш ва тугаш муддатлари тўғрисидаги маълумотларнинг далолат беришича, атмосфера қурғоқчилиги жойланиши денгиз сатҳидан 500 - 550

худудларда май ойининг охирида, Китоб-Шахрисабз ботиғида эса июнь ойининг охирига тўғри келади. Қурғоқчиликнинг бошланиш даврига қараб, унинг тугаш даври ҳам ўзгаради (4-жадвал).

Китоб метеостанция маълумотлари бўйича, Китоб-Шахрисабз ботиғида қисқа муддатли, қолган худудларда эса узок муддатли атмосфера қурғоқчилиги бўлади.

4-жадвал.

Атмосфера қурғоқчилигининг бошланиш, тугаш ва давом этиш муддати (ўртача кўп йиллик маълумотлар)

Метеостанция номи	Тугаш муддати	Давом этиш муддати
Когон	5. IX	110
Қорақўл	27. VIII	96
Қарши	5. IX	106
Ғузур	11. IX	111
Қамаши	13. IX	111
Китоб	28. VIII	63
Термез	4. IX	99

Бунга, албатта, мазкур ботикликда худуднинг тоғолди, ҳар томонлама чўл иклимидан чегараланганлиги, кўп ёгин-сочин микдори, ва ниҳоят, табиий ўсимликларга бойлиги ҳамда суғориш сувларининг кўплиги сабаб бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
(14-шрифт)

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
(14-шрифт)

кўлёзма ҳукукида
УДК 517.55
(10-шрифт)

Тўраев Фозилжон Жўракулович
(14-шрифт)

КОШИ-ФАНТАПЪЕ ИНТЕГРАЛ ФОРМУЛАСИ
ҲАҚИДА
(16-шрифт)

5A460101-Математик анализ
(12-шрифт)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация
(12-шрифт)

АВТОРЕФЕРАТИ
(16-шрифт)

Илмий раҳбар:
ф.-м.ф.д., проф.
Г.Худойберганов
(12-шрифт)

Тошкент – 2011
(12-шрифт)

Физика факультетида таҳсил олаётган битирувчи магистрантларнинг исми, фамилияси, шарифи, уларнинг диссертация мавзуси, илмий раҳбари, тақризчи, диссертациянинг ҳимоя куни ва ҳимоя ўтказиладиган аудитория ҳақидаги маълумот

№	М агистрнинг Ф.И.Ш.	Диссертация мавзуси	Илмий раҳбарнинг илмий даражаси ёки унвони, Ф.И.	Расмий оппонент нинг илмий даражаси ёки унвони, Ф.И.	Ҳим оя куни	Ауд.
5A440105 – Лазер физикаси						
1	Ганиева Наргиза Рустамовна	Хаос и нестабильность при генерации второй гармоники в оптических полостях	Ф-м.ф.д. Матрасулов Д.	Ф.-м.ф.д. Кулагин И.	02.06 .10	13
2						
5A440109 – Радиофизика						
1	Юлдашев Маҳмуд Ўктамович	Кўп модали нуртолали оптик товуш датчиги характеристикалари	доц. Ахмаджонов Т	Ф.-м.ф.н. Редкоречев В.	12.0 6.09	13
2						
5A440602 – Метеорология						
1	Махсудов Валижон Гафурович	Ғўза экинларига об-ҳаво ҳодисаларининг таъсири (Наманган вилояти мисолида)	Ф.-м.ф.н. Петров Ю.	доц. Холбаев Г.	09.06 .10.	13
2						

Декан

имзо

Б.Эшчанов

**МАГИСТРАТУРА ТАЪЛИМИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА
СОЛUVЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖОЖАТЛАР.
МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Тузувчи: Жўра ХУДОЙБЕРДИЕВ

**Муҳаррир: ДамирТолипов
Мусаҳҳиҳ: Феруза Баратова**

Босишга рухсат этилди 3.12.2010. Ҳажми 10,25 босма табок.
Бичими 60×84 1/16. Адади 200 нусха. Буюртма 04.
М. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмахонасида чоп этилди.

